

# БЛК

# 03 2019

## БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ / РЫНОК, ДЕНЬГИ И КРЕДИТ

Илмий-амалий ойлик журнал

Научно-практический журнал

### Қишлоқ хўжалигида ресурс тежовчи технологиялар



**ФИНАНСОВЫЙ РЫНОК СТРАН СОДРУЖЕСТВА: ИНТЕГРАЦИЯ, ПОТЕНЦИАЛ, ИННОВАЦИИ**

**КЛАСТЕРНОЕ РАЗВИТИЕ ТЕРРИТОРИЙ: МИРОВОЙ ОПЫТ И ПЕРСПЕКТИВЫ ДЛЯ УЗБЕКИСТАНА**

**ИНВЕСТИЦИЯ МАРКАЗИ БИЗНЕС-ЖАРАЁНЛАРНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРАДИ**



ISSN 2010-6580



# TURON BANK

*Барқарорлик белгиси!*

*«Туронбанк» АТБ жамоаси жонажон халқимизни баҳор ва янгилашни байрами – Наврўз айёми билан муборақбод этади!*

*Байрам муносабати билан «Туронбанк» АТБ миллий ва хорижий валюталарда жозибадор шартлардаги муддатли, жамгарма ва онлайн омонат турларини таклиф этади:*

*Миллий валютадаги омонатлар 21%гача*

*Хорижий валютадаги омонатлар 6%гача*



[www.turonbank.uz](http://www.turonbank.uz)

 [turonbank](https://www.facebook.com/turonbank)

 [turonbank](https://www.instagram.com/turonbank)

 [turonbankuz](https://www.telegram.com/turonbankuz)



**99895 144-60-00**

Хизматлар лицензияланган



**I** *Infin* **BANK**

# *Assalom, Navro'z!*


*Атрофингизда доим меҳрибонлик, Сизга яқин  
инсонларнинг муҳаббати, роҳат-фароғат  
ҳамда омад ҳукм сурсин! Фарзандларингиз,  
ота-онангиз ва яқинларингиз доим соғ-саломат  
ва бахтли бўлишсин!*

*Хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик,  
муҳаббат ва ғамхўрлик, дўстона муҳит  
ҳамда уйғунлик ва равнақ аримасин!*

Хизматлар лицензияланган

# Contents

Март №3 (262), 2019 year



## INTERNATIONAL FINANCIAL AND BANKING FORUM – 2019

**4** *O. Savelyeva*  
CIS Financial Market: Integration, Potential, Innovation

## INNOVATION TECHNOLOGIES

**8** The first steps of soil protecting and resource saving agriculture in Karakalpakstan and Ferghana region

## REGIONS DEVELOPMENT

**16** The cluster development of territories: world experience and prospects for Uzbekistan

## BANKING ACTIVITIES

**24** *T. Rakhmonov, A. Khamidov*  
The possibilities to apply Kaizen management system in improving the competitiveness of commercial banks

**31** *Sh. Mirmukhamedov*  
Development of the banking services market

**35** *B. Mukhammadiev*  
The modern banking services are increasing the Halk bank

## AUDIT

**37** *A. Jabborov, Sh. Khonboboeva, O. G'aybullaev*  
The international theoretical analysis of internal audit

## REGIONS POTENTIAL

**42** *B. Normatov*  
The main aspects to motivate the revenue policy of territories

## EXPERT OPINION

**50** *B. Khamidov*  
The inclusive business in Uzbekistan: current condition and development prospects

## REFORMS

**53** *Z. Tojiev*  
Public-private partnership: before and now

## INVESTMENTS

**56** *S. Rakhmonov*  
The golden coins are more profitable than deposits

**58** *A. Kamolov*  
The effective use of tax mechanism in attracting of investment resources

**67** The investment center – acceleration of business processes

## WORLD NEWS

**70** International economy in brief

## МУАССИС ВА ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки,  
Агробанк, Асакабанк, Алокабанк,  
Капиталбанк, Микрокредитбанк,  
Савдогарбанк, ТИФ Миллий банки,  
Туронбанк, Трастбанк, Халк банки,  
Ўзсаноатқурилишбанк, Қишлоқ қурилиш банк,  
Ипотекабанк, Ипак йўли банки

## ТАҲРИР КЕНГАШИ:

**М.Б. НУРМУРАТОВ**  
(кенгаш раиси),  
**Т.А. ИШМЕТОВ**  
(кенгаш раиси ўринбосари),  
**О.А. БУТАЕВ,**  
**А.Х. ШОДМОНОВ,**  
**Р.О. ОХУНОВ**  
(бош муҳаррир),  
**А.Б. ВОИТОВ,**  
**К.Н. ИРИСБЕКОВА,**  
**А.Қ. МИРСОАТОВ,**  
**Ч.С. МИРЗАЕВ,**  
**Б.М. МУЛЛАХОНОВ,**  
**С.Р. НОРМУХАМЕДОВ**

## ТАҲРИРИЯТ:

Директор:  
Г.Н. БЕЗГИН  
Бош муҳаррир ўринбосари:  
В.С. УМИРОВ  
Масъул муҳаррир:  
Р.Ш. ХУСАИНОВ  
Масъул котиб:  
Ф.Т. ИЗЗАТУЛЛАЕВ  
Реклама ва маркетинг хизмати раҳбари:  
Ғ.Н. ҲАНДАМОВ  
Тел.: (+998)71-291-60-20,  
(+998)97-752-44-77

## ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» МЧЖ,  
Тошкент ш., Толлимаржон кўч., 1/1-уй.  
<http://www.bpk.uz/>  
e-mail: [info@bpk.uz](mailto:info@bpk.uz)

Материаллар кўчириб босилаётганда  
журналдан олингани кўрсатилиши шарт.  
Юборилган кўлёзмаларни тақриз қилиш  
ва қайтариб юборишни таҳририят  
ўз зиммасига олмайди.

**Журналнинг обуна индекси: 853**  
**ISSN 2010-6580**

Журнал ЎзР Матбуот ва ахборот агентлигида  
2014 йил 2 июлда рўйхатдан ўтган.  
Гувоҳнома рақами: 0058  
Теришга берилди: 15.03.2019 й.  
Босишга рухсат этилди: 12.04.2019 й.  
Бичими: 60x90/8.

Офсет босма усулида чоп этилди.  
Шартли босма табоғи: 9.0.  
Буюртма №40. Адади: 2370.  
«Lux Print» МЧЖда чоп этилди  
(Тошкент шаҳри, Миробод тумани,  
Толлимаржон кўчаси, 1/1-уй).  
Баҳоси шартнома асосида.

## МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Бозор, пул ва кредит» журналида мақолангизни чоп  
этомкчи бўлсангиз, уни фақатгина электрон кўринишда  
қуйидаги манзилга юборинг: [info@bpk.uz](mailto:info@bpk.uz)  
Таҳририят томонидан қабул қилиналган мақолаларга  
талаблар билан журналимизнинг [www.bpk.uz](http://www.bpk.uz) сайти  
орқали танишишингиз мумкин.

*Эслатма:* муаллифлар кўрсатилган электрон манзилга  
мақола юборишда исми, фамилияси, лавозими, илмий  
даражаси, иш жойи ва боғлиқ телефонларини  
аниқ кўрсатишлари ва мақоланинг инглиз тилидаги  
аннотациясини юборишлари шарт.

### БУ СОНДА В НОМЕРЕ

#### МЕЖДУНАРОДНЫЙ ФИНАНСОВО-БАНКОВСКИЙ ФОРУМ – 2019

- 4** *О. Савельева*  
Финансовый рынок стран Содружества: интеграция, потенциал, инновации

#### ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

- 8** Қорақалпоғистон ва Фарғона водийсида тупроқни химояловчи ва ресурс тежовчи қишлоқ хўжалиги амалиётининг илк қадамлари

#### РАЗВИТИЕ РЕГИОНОВ

- 16** Кластерное развитие территорий: мировой опыт и перспективы для Узбекистана

#### БАНК ФАОЛИЯТИ

- 24** *Т. Раҳмонов, А. Ҳамидов*  
Тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишда Кайзен бошқарув тизимини қўллаш имкониятлари

- 31** *Ш. Мирмуҳамедов*  
Чакана банк хизматлари бозорини ривожлантириш

- 35** *Б. Муҳаммадиев*  
Халқ банкида замонавий хизмат турлари кўпаймоқда

#### АУДИТ

- 37** *А. Жабборов, Ш. Хонбобоева, О. Файбуллаев*  
Ички аудитнинг халқаро назарий таҳлили

#### ХУДУДЛАР САЛОҲИЯТИ

- 42** *Б. Норматов*  
Худудий даромад сиёсати мотивациясининг муҳим жиҳатлари

#### МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА

- 50** *Б. Хамидов*  
Инклюзивный бизнес в Узбекистане: текущее состояние и перспективы развития

#### ИСЛОҲОТЛАР

- 53** *З. Тожиева*  
Давлат-хусусий шериклик: аввал ва ҳозир

#### ИНВЕСТИЦИЯЛАР

- 56** *С. Раҳмонов*  
Олтин тангалар ҳар қандай депозитдан ҳам фойдалироқ

- 58** *А. Камолов*  
Инвестиция ресурсларини жалб қилишда солиқ механизмдан самарали фойдаланиш

- 67** Инвестиция маркази бизнес-жараёнларни янада жадаллаштиради

#### ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

- 70** Халқаро иқтисодиёт қисқа сатрларда



# ФИНАНСОВЫЙ РЫНОК СТРАН СОДРУЖЕСТВА: ИНТЕГРАЦИЯ, ПОТЕНЦИАЛ, ИННОВАЦИИ

*В Ташкенте вновь состоялось крупное мероприятие, вызвавшее большой резонанс в деловых кругах нашей страны и в партнерских структурах других государств мира, – международный финансово-банковский форум.*



**В** нем приняли участие свыше 450 экспертов и специалистов финансовой сферы из 21 страны мира. Представители банков, страховых и перестраховочных организаций, лизинговых компаний, аудиторских, инвестиционных компаний Узбекистана, России и Казахстана, международных финансовых организаций, рейтинговых агентств обсуждали современное состояние и тенденции развития финансово-банковского сектора в своих странах и мире. Речь шла об основных трендах и прогнозах развития финансовой сферы в условиях стремительного развития

цифровых технологий, перспективах сотрудничества в банковско-финансовой сфере, в области привлечения инвестиций в экономики государств-участников форума. При обсуждении данных тем главной в выступлениях и докладах оставалась идея синергии, интеграции и работы ведомств и экспертов стран евразийского региона в едином банковско-финансовом пространстве.

В первые же часы работы этого представительного форума председатель Исполнительного комитета стран Содружества Сергей Лебедев в своей речи четко обозначил цели мероприятия. Говоря о

необходимости интеграции, он подчеркнул: «наша общая позиция здесь заключается в том, чтобы результатом дальнейшего развития Содружества стало повышение эффективности нашей организации, наращивание ее потенциала. Только в таком случае она будет востребована. В области экономики – это реализация договора о зоне свободной торговли, выполнение третьего этапа стратегии экономического развития СНГ на период до 2020 года, завершение подготовки соглашения о свободной торговле услугами».

В течение трех дней участники обсуждали актуальные



вопросы банковско-финансовой, страховой, лизинговой сфер. По мнению большинства участников, с которыми удалось беседовать в дни форума, мероприятие явилось важнейшим финансово-экономическим событием, поскольку многие деловые люди связывают его с перспективами сотрудничества, налаживанием серьезных контактов. При этом участники особо подчеркивали эффективность социально-экономических реформ и поэтапных структурных преобразований, осуществленных Узбекистаном и содействующих его дальнейшему развитию.

Как отметили в краткой беседе генеральный директор Финансово-банковского Совета СНГ Павел Нефидов и начальник Департамента анализа рыночной конъюнктуры российского АО «Газпромбанк» Алексей Демкин, важными факторами для настоящих и будущих партнеров выступают, во-первых, экономическая стабильность Узбекистана, во-вторых, действующая целостная система мер по стимулированию деятельности предприятий с иностранными

инвестициями (что важно для сотрудничества), в-третьих, постепенная банковско-финансовая интеграция.

Интеграция становится эффективным инструментом преобразований в банковских институтах стран СНГ, поскольку бизнес узбекистанских предпринимателей распространяется в самые различные страны мира. Банки же, стремясь развиваться дальше и соответствовать международным нормам ведения банковского дела, укрепляют контакты с международными финансовыми институтами, содействуя деятельности своих клиентов. В настоящий момент одним из самых значимых банковских инструментов, который развивают банки и Узбекистана, и стран СНГ, выступают услуги и продукты, разрабатываемые на основе цифровых технологий.

Выступая на форуме, председатель Правления Центрального банка Республики Узбекистан Мамаризо Нурмуратов поделился достижениями в этом сегменте, рассказав о современных тенденциях в развитии национального платежного рынка:

– Узбекистан активно развивает рынок платежных ресурсов на основе цифровых технологий. В приоритете нашей деятельности – усовершенствование дистанционного банковского обслуживания через инновационные технологические модели. В республике развивается цифровая экономика, и банковская система обязана соответствовать этим инновациям. Практически все банковские институты страны действуют сегодня в рамках разработанных стратегий цифровой трансформации.

Глава Центробанка отметил, что в республике создана эффективная платежная система, отвечающая международным требованиям и состоящая из трех подсистем – межбанковской, внутрибанковской и розничной. В 2018 году количество платежных операций, проведенных через межбанковскую платежную систему Центробанка страны, увеличилось на 32% по сравнению с показателями 2017 года и составило 74,7 млн. транзакций на общую сумму 845,6 трлн. сумов. Говоря о клиринговой системе розничных платежей, докладчик



отметил, что она действует в круглосуточном режиме 24/7, позволяя осуществлять оплату в режиме реального времени через филиалы и кассы коммерческих банков, а также системы дистанционного банковского обслуживания налогов и других платежей. Сейчас через клиринговую систему осуществляются платежи по 35 видам услуг. Статистика показывает, что в 2018 году сумма платежей увеличилась почти в два раза, а объем достиг 10 154,9 млрд. сумов. По данным ЦБ РУ, общее число пользователей систем дистанционного обслуживания банковскими счетами по состоянию на 1 января 2019 года составило 7 959 107. Если на начало 2018 года число пользователей составляло 4 453 240, то к концу года этот показатель увеличился на 178,7%.

Тему цифровых технологий в сегменте платежных систем развил на панельной сессии генеральный директор Национального межбанковского процессингового центра Шухратбек Курбанов. Он презентовал платежную систему Нумо. Она фактически станет второй

системой в Узбекистане после действующей UzCard.

– Новая система предусматривает участие самих коммерческих банков в организации платежей, – сказал он. – Банки смогут более активно работать с клиентами, предлагая им программы лояльности, бонусы, овердрафт-кредиты и другие современные продукты. И это усилит конкуренцию между банками. Среди преимуществ новой системы – сохранность всех данных клиента и возможность проведения безналичных транзакций, то есть при незначительных покупках до определенной установленной суммы пинкод карты не запрашивается. Кроме того, будет осуществлена интеграция системы с международными платежными системами – Mastercard, Visa, UnionPay и другими.

По данным Центрального банка РУ, на 1 января 2019 года число пользователей, управляющих своими банковскими счетами дистанционно, составило 7 959 107 человек, а количество пластиковых карт, находящихся в обращении, достигло 17 686 тысяч штук.

За 2018 год число терминалов увеличилось на 3,9 процента и на начало 2019 года их число составило 244 913 штук, количество инфокиосков и банкоматов за этот же период возросло на 21,8 процента – до 6 859 штук.

Участники отмечали, что форум стал отличной возможностью обменяться идеями, провести взаимовыгодные деловые встречи, поделиться опытом.

Первый заместитель Председателя Центрального банка Российской Федерации Ксения Юдаева в своем выступлении на форуме подчеркнула, что банковско-финансовый сектор сегодня – один из значимых и ключевых сегментов, в котором происходит интеграция на евразийском пространстве.

– Важное условие для развития банковско-финансовой системы любой страны – это стабильность макроэкономических показателей, – отметила она. – Интеграция финансовых сфер – это не только расширение единого банковского рынка, не только поступление средств, инвестиций, это еще и обеспечение доступа стран-

участниц рынка. Огромная территория делает Евразию самым многонациональным континентом планеты.

В рамках форума в Центральном банке Республики Узбекистан в качестве обмена опытом она прочитала лекцию «Денежно-кредитная политика в России: переход к инфляционному таргетированию, реакция на шоки, вызовы». Как она сказала, тема лекции была выбрана не случайно, так как была посвящена одному из самых актуальных и важных направлений, какое сегодня реализует Центральный банк Узбекистана – таргетированию. А у России этот опыт перехода к инфляционному таргетированию есть, и есть чем поделиться и что передать своим узбекистанским коллегам.

Еще одну новость сообщили партнеры из российской платежной системы «Мир» и отечественной UzCard.

– *Российские платежные карты «Мир» начнут принимать в вашей стране до конца 2019 года*, – сказал на своей презентации председатель правления, генеральный директор АО «Национальная система платежных карт» Владимир Комлев. – *После пройденных технических работ специалистов, появилась возможность использования карт «Мир» и на территории Узбекистана. На сегодняшний день Национальная система платежных карт выпустила свыше 55 млн. карт «Мир».*

Эти слова подкрепило подписание на форуме Соглашения между генеральным ди-

ректором СП ООО «ЕОПЦ» (национальная платежная система UzCard) Ахромом Махмудовым и генеральным директором АО «Национальная система платежных карт» (Платежная система «Мир») Владимиром Комлевым. Соглашение предусматривает осуществление эквайринга карт национальной платежной системы «Мир» и выпуск кобейджинговых карт UzCard-«Мир».

– *Сотрудничество с платежной системой «Мир» по выпуску кобейджинговых карт создаст необходимые удобства для иностранных туристов и владельцев наших местных торговых точек*, – отметил Ахром Махмудов, выступая на панельной дискуссии. – *Первый проект в Узбекистане по кобейджинговым картам уже успешно реализован между платежными системами UzCard и UnionPay.*

Подписанный договор между платежными системами двух стран предусматривает организацию приема карт «Мир» в инфраструктуре банков-участников платежной системы UzCard до конца 2019 года.

– *Планируется, что продолжением взаимодействия двух платежных систем станет также обеспечение приема карт UzCard в инфраструктуре российских банков – участников платежной системы «Мир»*, – добавил Владимир Комлев.

Кроме того, сотрудничество двух платежных систем даст национальной системе UzCard возможность использовать технологии этой российской

платежной системы, а также выпускать свои карты с одноименным платежным приложением.

В формате форума состоялся и ряд пленарных заседаний, международная финансово-банковская конференция, XI Ташкентская международная конференция по страхованию и перестрахованию, VIII международная конференция по лизингу. Он был организован Национальным банком внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан, Финансово-банковским Советом СНГ, Информационно-рейтинговым агентством SAIPRO при официальной поддержке Министерства финансов РУ и Центрального банка Республики Узбекистан.

## ABSTRACTS

### CIS FINANCIAL MARKET: INTEGRATION, POTENTIAL, INNOVATION

The article is devoted to the international financial and banking forum was held in Tashkent. Representatives of banks, insurance and leasing companies, investment companies of CIS, international financial organizations, rating agencies discussed the current state and development trends of the financial and banking sector in their countries and the world.

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ВА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ТУПРОҚНИ ҲИМОЯЛОВЧИ ВА РЕСУРС ТЕЖОВЧИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ АМАЛИЁТИНИНГ ИЛК ҚАДАМЛАРИ

*Тупроқни ҳимояловчи ва ресурс тежовчи қишлоқ хўжалиги амалиёти (ТХРТҚХА) ердан фойдаланишнинг истиқболли усулларидан биридир. Уни алоҳида технология эмас, балки ёндашув, деб атаган маъқул, чунки у турли-туман ва ўзгариб бораётган агротехника усулларидан иборат ва пировард мақсади тупроққа ишлов бериш, ундан нам қочиши ва озуқа моддалар йўқолишини камайтиришдан иборат. Бу тупроқнинг табиий шароитда (экотизимда) бажарадиган бир қатор экологик функцияларини сақлаб қолишда ёрдам беради.*

– Азиз Исраилович, қишлоқ хўжалигини юриштидаги муқобил амалиётлар тўғрисида маълумот бериб ўтсангиз.

– Тупроқни ҳимояловчи ва ресурс тежовчи қишлоқ хўжалиги амалиёти (ТХРТҚХА)нинг бир қанча исботланган афзал жиҳатлари мавжуд бўлиб, бугунги кунда у Шимолий ва Жанубий Америка, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг миллионлаб гектар ерларида қўлланилмоқда. Қуйидагилар ҳамма жойда ТХРТҚХА қонун-қоидалари сифатида тан олинган: тупроққа имкон қадар камроқ ишлов бериш, унинг ўсимлик қолдиқлари ёки ўсиб турган экинлар билан доимий қопланганлигини таъминлаш ва камида 3та экиндан иборат алмашлаб экиш тизимини қўллаш.

ТХРТҚХАни ерга минимал ишлов беришдан тупроққа умуман ишлов бермасликкача (экинни тўғридан-тўғри экишгача) бўлган йўлни босиб



**Азиз Нурбеков,**  
қ.х.ф.д, БМТ Озиқ-овқат  
ва Қишлоқ хўжалиги  
ташкilotи (ФАО)нинг  
Ўзбекистондаги  
ваколатхонаси ва  
ГЭФ Кичик грантлар дастури  
(КГД)нинг агрономия  
бўйича консультанти

ўтди. Ушбу технология ерни ҳайдашни инкор этади. Ерни ҳайдамаслик тупроқнинг юқори қатламида органик моддалар сақланиб қолишини таъминлайди, тупроқ шамол ёки сув таъсирида емирилишининг олдини олади. Алмашлаб экиш экинларини тўғри танлаш тупроқни ҳимоялаш кон-

цепциясининг асосий унсури ҳисобланади.

– Бундан кутиладиган иқтисодий самара нималарда кўринади?

– ТХРТҚХА ушбу ёндашувни қўллаётган фермерлар учун аниқ иқтисодий самара беради. Ушбу технологияни қўллай бошлаши биланоқ фермер хўжаликларида тупроққа ишлов бериш ва техникадан фойдаланиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш харажатлари кескин қисқариши сезила бошлайди.

Ўзбекистонда сўнгги пайтларда қишлоқ хўжалигида қабул қилинган қарорлар ва фармонлар экинлар хилма-хиллигини жорий этиш орқали юқори сифатли, нархи рақобатбардош ва ҳамёнбоп маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, ички ва ташқи бозорларга чиқиш учун юксак салоҳиятга эга қишлоқ хўжалиги тизимларини ривожлантиришга йўналтирилган. 1991 йилдан бошлаб амалдаги пахта-беда алмашлаб экиш тизими

бошоқли экинларни киритиш бўйича тўхтовсиз иш олиб борилди. 2015 йил охирида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори имзоланиб, унда экинлар турини кўпайтириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштиришнинг узоқ муддатли стратегияси белгилаб берилди<sup>1</sup>. Қарорга кўра, 2016–2020 йилларда 170 минг гектар пахта ва 50 минг гектар ғалла экилаётган майдон картошка, сабзавот, интенсив боғлар, мевали дарахтлар, озуқа ва мойли экинлар экиш учун қайта тақсимланади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги жадал ривожланмоқда. Мамлакат ўз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва кўплаб

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, сабзавот ва мева ҳамда буғдойни экспорт қилиш бўйича сезиларли ютуқларга эришди. Шу билан бирга, ушбу йўналишни янада ривожлантириш имконияти мавжуд. Масалан, бир йилда икки ёки уч марта ҳосил олиш (бир ўсув мавсумида икки ёки ундан ортиқ экинни етиштириш) қўшимча маҳсулот етиштириш учун улкан салоҳият мавжудлигини кўрсатади. Икки ёки уч марта ҳосил олиш Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш учун улкан имкониятлар яратиши мумкин.

2017 йилда кузги буғдой ўриб олинганидан сўнг такрорий экинлар экилган майдонлар ҳажми олдинги йилларга

нисбатан анча ошди. Суғориладиган ерларда ТХРТҚХА усулини кўллаб, ерни ҳайдамай экин экишга ўтилса, ёз охирларига бориб карам, редиска ва бошқа экинларни экиш билан Ўзбекистонда йилига 3 марта ҳосил олиш мумкин.

**– Азиз Исраилович, Фарғона вилоятида ўтказилган тажриба натижалари ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.**

– Фарғона вилоятида амалга оширилаётган лойиҳамизда ГЭФ КГД доирасида ўтказилган бир йилда уч марта ҳосил олишни олдимишга мақсад қилиб қўймаганмиз, аммо ерни ҳайдамай экин экиш технологиясини қўллаш натижасида ем-хашак ва сидерат (яшил ўғит) учун қўшимча кўк

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2016–2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонли Қарори, 2015 йил 29 декабрь.

## ” МАЪЛУМОТ УЧУН

### БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТИ (ФАО)

#### ФАОНИНГ МИССИЯСИ

Ўзбекистон ва ФАО ўртасидаги ҳамкорлик 2001 йилда Ўзбекистон мазкур ташкилотга аъзо бўлиб қўшилганидан бери амалга ошириб келинмоқда. 2014 йилда ФАОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси очилиши ва шериклик тўғрисидаги янги келишув имзоланиши билан мазкур ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси миқёсида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида кенг кўламдаги чора-тадбирлар, жумладан, экинларни диверсификация қилиш, чорвадорлик ва чорва касалликларига қарши курашиш, чигирткалар ёпирилишининг олдини олиш, балиқчиликнинг унумдорлигини оширишга қаратилган ишлар олиб борилмоқда.

Табиий ресурслардан унумли, оқилона ва тежамкорона фойдаланиш, уларни бошқариш

тизимини такомиллаштириш ҳам жорий ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан биридир.

#### АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ЙўНАЛИШЛАРИ

Ҳозирда ФАО томонидан Ўзбекистон Республикасига кўрсатилаётган ёрдам йўналишлари 2014–2017 йилларга мўлжалланган дастурида белгилаб олинган эди. Улар қуйидагилардан иборат:

- Экинларни диверсификация қилиш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш орқали ички бозор ва экспорт учун юқори қийматга эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

- Чигиртка ва зараркунандаларга қарши самарали восита ва тизимларни жорий этиш, табиатни муҳофаза этишга ёрдам берувчи қишлоқ хўжалигини ҳаётга татбиқ қилиш;

(Давоми 10-бетда).

масса олиш имконияти асосий мақсадларимиздан биридир.

Фарғона вилояти Ёзёвон туманида лойиҳа асосида кўргазмали участкалар ташкил қилиниши кўзда тутилган эди. Ўсимликшунослик ва чорвачилик туманда истиқомат қилувчи аҳоли ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга. Экинлар турини кўпайтириш Ёзёвон фермерлари олдида турган ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммолардан биридир. Шу пайтгача фермерлар пахта билан буғдойни алмашлаб экишга одатланиб қолганликлари маълум. Уларнинг аксариятида давлат буюртмаси ҳисобланмайдиган бошқа экинларни экиш учун мос ускуна, етиштириш учун эса тажриба ва билим етарли эмас. Бундан ташқари, уларни етиштириш билан боғлиқ барча зарур агротехник тадбирларни амалга

ошириш учун зарур маблағ ҳам етишмайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда кўпинча дизель ёнилғиси нархи қимматлиги ва доимий тақчиллиги ҳам чекловчи омил бўлмоқда. Ерни ҳайдамай экин экиш эса ушбу муаммоларни ҳал қилишда кўмаклашади. Ҳисоб-китобларга кўра, биз тақлиф этаётган янги усул бўйича аънавий агротехник тадбирлар билан солиштирганда техника ва ёнилғидан фойдаланиш 60 фоиз қисқариши мумкин, сабаби шуки, ерни ҳайдаш, бороналаш, чизеллаш ва мола босиш сингари энг кўп харажат талаб қиладиган ишларга ҳожат қолмайди. Амалда техника ва унга тиркаладиган агрегатларни харид қилиш ёки ижарага олиш, жумладан, тракторлар миқдори ва кучи учун талаб

этиладиган кўшимча харажатлар қисқаради.

Лойиҳа амалга ошириладиган туманда фермерларга дуккакли экинлар экиш маслаҳат берилди, бироқ улар бунга тайёр эмас эдилар, чунки бу маҳсулотларнинг бозорда сотилишига улар унчалик ишонмади. Шунинг учун дастлаб учта аънавий экин: маккажўхори, кунгабоқар ва мош экиб кўрилди, улар орасида экин майдонининг аксарияти маккажўхори учун ажратилди. Натижа кутилганидан ҳам яхши бўлди.

**– Олинган натижаларни рақамларда ифода эта ола-сизми?**

– 2017 йил лойиҳанинг биринчи йили эди ва унинг бошланиши фермерлар учун оғир даврга тўғри келди. Ўшанда уларга ресурслари чекланганига қарамасдан бозор-

## ” МАЪЛУМОТ УЧУН

**(Бошланиши 9-бетда).**

- Чорвадорлик ва паррандачиликнинг унумдорлигини ошириш, чорва касалликларининг олдини олиш, асаларичиликни ривожлантириш орқали чорванинг бруцеллёз ва бошқа юқумли касалликларига қарши курашиш;

- Миллий балиқчиликни ривожлантириш, унумдорлигини ошириш;

- Табиий ресурсларни унумли бошқариш, ўрмон хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг даромадини оширишга ёрдамлашиш, ер ва сув ресурсларини бошқаришда тежамкорона, такомиллашган технологияларни қўллаш, қурғоқчилик билан боғлиқ бўлган хавфларнинг олдини олиш.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва бошқа ҳамкорлар билан биргаликда ишлаб чиқилган ҳамкорлик дастури Ўзбекистон учун устувор бўлиб ҳисобланган масалаларни ўз ичига олувчи ва ФАОнинг асосий тамойилларига жавоб берувчи стратегик ҳуж-

жат бўлиб хизмат қилади. Ушбу ҳужжат янги – 2016 йилдан 2020 йилгача бўлган давр учун имзоланган БМТнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш дастури асосида ишлаб чиқилган.

### ҲАМКОРЛАР

ФАО қуйидаги ҳамкорлари билан биргаликда ишлайди:

- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Гидрометеорология хизмати (Ўзгидромет);

- БМТ агентликларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари;

- Давлатлараро ташкилотлар;

- Майкл Сукков жамғармаси;

- Икки ва кўп томонлама ҳамкорлик ташкилотлари.

1-жадвал

## Ўзёвон туманидаги маккажўхори майдони ва ҳосилдорлиги, 2017 йил

№	Фермер хўжаликлари номи	Экин	Экиш куни	Экилаётган уруғ меъёри, кг/га	Азот ўғити, кг/га	Майдон, га	Ҳосилдорлик, тонн/га	Умумий ҳосил, тонна
1	«Ш.Каримов»	маккажўхори	17/7/2017	55	50	7	25	175
2	«РАФ-Донишманд дуоғўйим Қурбон»	маккажўхори	05/7/2017	55	30	2.5	20	50
3	«Сой бўйи»	маккажўхори	25/6/2017	55	100	7	30	210

**Манба:** Тажириба натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.

га қаратилган оғир хўжалик юритиш шароитида фермер хўжаликларини эркин бошқариш имкони берилди. Бундай шароитда турли экинларни етиштиришда тажириба ўтказиш осон эмас эди, аммо тажирибалар ўз вақтида ўтказилди.

17 июль куни «Ш.Каримов» номли фермер хўжалигида 7 гектарлик ер майдонига маккажўхори ерга ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экилди ва ҳар бир гектар ерга 50 кг уруғ қадалди. Июль ўрталарида лойиҳа агрономи маслаҳатига кўра, ҳар бир гектар майдонга 30 кг азот ўғити сепилди ва 500-600 м<sup>3</sup>/га сув берилди. Ҳосил КИР-1.5 комбайни билан йиғиб олинди. Ҳар гектар ердан силос учун 25 тонна маккажўхори кўк массаси олинди (1-жадвал).

**– Янги технология тупроқдаги намликни сақлаш имконини беради, бу эса қишлоқ хўжалиги учун зарур сув захиралари ҳам тежалишига олиб келади, шундай эмасми?**

– Сув масаласи республикамизнинг қурғоқчил ва ярим қурғоқчил ҳудудларида қишлоқ хўжалигининг муваффақиятини белгилаб берувчи муҳим жиҳат ҳисобланади, албатта. «РАФ-Донишманд дуоғўйим Қурбон» фермер хўжалигида 5 июль куни ерни ҳайдамай уруғ қадайдиган

махсус сеялка ёрдамида 2,5 га далага маккажўхори экилди. Маккажўхори икки марта: пая ҳосил бўлаётган ва гуллаётган пайтда суғорилди. Фермер томонидан аънавий деҳқончилик технологияси билан солиштирилганда яхши ҳосил олинди. Силос ҳосили 20 т/га ни ташкил қилди (1-жадвал).

Ўзёвон туманида моллар учун яйлов майдонлари етарли бўлмагани боис маккажўхори аънавий озуқа экинни ҳисобланади. Маккажўхори етиштиришда барча агротехник тадбирлар вақтида бажарилиши юқори ҳосил олиш имкониятини яратиши бу экин ушбу минтақада бозорбоп товарга айланиши учун замин яратиши мумкин.

«Сой бўйи» фермер хўжалигида аънавий деҳқончилик бўйича 7 га майдонга маккажўхори экилди ва ундан олдинги иккита хўжалиқдан кўпроқ – 30 т/га (1-жадвал) ҳосил олинди. Бунга қуйидаги омиллар сабаб бўлди:

- фермер томонидан маккажўхори июнь ойида экилди;

- маккажўхори 3 марта суғорилди: уруғ экишдан олдин; 6–7 та барг фазасида ва гуллаш даврида;

- азот ўғити ҳосилдорликни белгилашда асосий омил ҳисоблангани боис экин

икки марта озиқлантирилди – 50 кг/га пая ҳосил бўлиш ва гуллаш даврида.

Албатта, хулосаларни тасдиқлаш ва янги технологияга ўтиш учун ишонарли далиллар келтиришда сарф-харажатлар пухта таҳлил этилиши лозим. Лекин биз кузги буғдойдан сўнг аънавий усулда ва ерни ҳайдамай экилган маккажўхорини экиш натижаларини солиштириб, эҳтиёткорона хулосалар беришга ҳаракат қилдик. Қайд этиш лозимки, ўриб олинган маккажўхори ҳосилига экин майдонининг ўзидаёқ харидор чиқди. Силос баҳоси ҳам кам бўлмади – 1 тоннаси 100 минг сўмдан сотилди. «Сой бўйи» фермер хўжалигининг аънавий деҳқончилик усули сарф-харажатлари таҳлили 2-жадвалда кўрсатилган.

Маълумотларнинг кўрсатишича, энг кўп – 1,93 миллион сўмлик фойда «Сой бўйи» фермер хўжалигида қайд этилди. «Ш.Каримов» номли фермер хўжалиги ундан бир оз ортда қолди – 1,88 миллион сўм. «РАФ-Донишманд дуоғўйим Қурбон» фермер хўжалигининг фойдаси эса 1,42 миллион сўм бўлди. Бу фермерларнинг такрорий экин сифатида олган ҳосили экани инобатга олинса, фойданинг чўғи анча яхши экани ойдинлашади (2-жадвал).

2-жадвал

**Ёзёвон туманидаги маккажўхори майдони ва ҳосилдорлиги, 2017 йил**

Харажатлар номи	Фермер хўжаликлари номи		
	«Сой бўйи»	«Ш.Каримов»	«РАФ-Донишманд дуогўйим Курбон»
Маккажўхори ҳосилдорлиги, т/га	30	25	20
Баҳоси, сўм	100 000	100 000	100 000
Тушум, сўм	3 000 000	2 500 000	2 000 000
Ўғит, сўм	250 000	140 000	100 000
Ерни ҳайдаш ва молалаш, сўм	340 000	0	0
Экиш, сўм	100 000	100 000	100 000
Уруғлар, сўм	55 000	55 000	55 000
Мотор мойи, техник хизмат кўрсатиш, сўм	100 000	100 000	100 000
Ҳосилни йиғиб олиш, сўм	120 000	120 000	120 000
Турли харажатлар, сўм	100 000	100 000	100 000
Жами харажатлар, сўм	1 065 000	615 000	575 000
Жами фойда, сўмда	1 935 000	1 885 000	1 425 000
Рентабеллик (фойда/харажатлар), %	181,7	306,5	247,8

**Манба:** Тажриба натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Дастлабки йилнинг чекланган маълумотларидан келиб чиқиб, айрим хулосаларни қайд этиш мумкин:

- экин 22 кун кечикиб экилганига қарамай, ерни ҳайдамай тўғридан-тўғри экилган такрорий экин ҳосили бир оз кам бўлди, аммо уни бемалол аънавий усул билан экилган экин билан таққосласа бўлади;
- ер ҳайдалмай экин экилганда ҳосил олиш учун,

аънавий усул билан таққослаганда, 30 фоиз кам сув сарфланди;

- аънавий усул билан солиштирганда, ер ҳайдалмай экин экилганда, минерал ўғит 2 баробар кам сарфланди;
- аънавий усул билан солиштирганда, ерни ҳайдалмай экин экишда ишлаб чиқариш харажатлари 53 фоиз кам бўлди;
- аънавий усул билан экин экилганда, ялпи фойда

кўп бўлишига қарамасдан, биз мисол қилиб келтираётган ҳолатда рентабеллик (фойданинг қилинган харажатларга нисбати) 187,7 фоиз («Сой бўйи» фермер хўжалигида аънавий усул қўлланганда), 306,5 фоиз («Ш.Каримов» номидаги хўжаликда ер ҳайдалмай экин экилганда) ва 247,8 фоиз («РАФ-Донишманд дуогўйим Курбон» хўжалигида ер ҳайдалмай экин экилганда) бўлди.

**” МАЪЛУМОТ УЧУН**

**Глобал Экологик Фонд Кичик Грантлар Дастури (ГЭФ КГД)** Ўзбекистонда 2005 йилдан фаолият юрита бошлаган. Айни шу даврда БМТ Ривожланиш Дастури (БМТРД) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ГЭФ КГДни мамлакатга жалб қилиш имкониятини муҳокама қила бошлайди. Ҳукумат вакиллари, мамлакатда табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ташкилотларнинг вакиллари, табиий ресурсларнинг турли фойдаланувчилари билан учрашувлар бошланади.

ГЭФ талабига мувофиқ ГЭФ КГДни мамлакатга жалб қилиш тўғрисидаги сўров атроф-

муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан берилиши лозим. Ўзбекистонда бундай сўровни берган орган ЎЗР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бўлди. ГЭФ КГД иш шароитлари ва ГЭФнинг мамлакат олдида қўядиган талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ГЭФга ГЭФ КГДни Ўзбекистонга жалб қилиш тўғрисида расмий сўров тақдим этди ва шундан буён мазкур дастур билан яқин алоқадорликда кўплаб аҳамиятли лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Албатта, бу маълумотлардан якуний хулоса чиқариб, далил сифатида қайд этиб бўлмайди. Олинган тажриба маълумотлари йиғилиб, умумлаштирилиши лозим. Аммо ушбу маълумотлар мазкур усулнинг натижалари бўйича бутун дунёда кузатилаётган тамойилни акс эттиради.

Умун олганда, Ёзёвон тумани фермерлари ғўза ва буғдой экишнинг чекланган амалиётини қўллаши ҳисобга олинса, тўпланган маълумотлар фермерлар ёзда муқобил экинлардан қўшимча даромад олиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Акс ҳолда ўша ерлар такрорий экинлар учун жуда кам харажат сарфланган тақдирда ҳам шудгор қилинганича қолиб кетади.

**– Қорақалпоғистоннинг қурғоқчил иқлим шароитида ўтказилган тажрибалар натижаси қандай бўлди?**

– Биз ўз тадқиқотларимизда иккита сеялкани синовдан ўтказишни мақсад қилиб олдик. 3-жадвалда Қорақалпоғистонда ўтказилган лойиҳа далаларида Бразилиядан келтирилган SA-11500 сеялкасининг иш унумдорлиги ҳамда унинг иқтисодий кўрсаткичлари собиқ иттифоқ

Агарда тежаб қолинган нефть маҳсулотларига қўшимча равишда иш ҳақи ва тракторлар амортизацияси сарфини ҳам қўшадиган бўлсак, бир гектар майдон ҳисобидан фермернинг тежамкорлик ҳисобида оладиган фойдаси миқдори анча салмоқли бўлиши кўриниб турибди.

даврида ишлаб чиқилган СЗ-3.6 сеялкаси билан таққосланган.

Кузги буғдой қатор ораси 15-17 см атрофида бўлади ва бу буғдой учун умум қабул қилинган қатор ораси ҳисобланади. Тажрибаларда қўлланилган иккала сеялкада ҳам экиладиган кузги буғдой қатор ораси 15–17 см бўлди. Айрим фермерлар қатор орасининг яқин ва самарали бўлишига эришиш учун озуқа экинларни икки йўналишда икки мартаба экадилар ва экиш харажатларини икки баравар ошириб юбордилар. Ҳосилдорлиги юқори бўлган буғдой учун экиш меъёрлари 3.0, 4.0 ва 5.0 млн дона унвчан уруғ ҳисобида олинди. Сеялка ва экич бир-бирига яқин бўлиши учун пичоқлар одатда шоҳмот тартибида жойлаштирилиши ва икки ёки ундан кўп параллел тўсинга ўр-

натилиши лозим. Ерга тегиб турадиган, шоҳмот тартибида жойлаштирилган қисмлар ўсимлик қолдиқларини айланиб ўтишга ёрдам беради ва бунда хаскаш каби ишламай, қисмлар учун қўшимча сатҳни юзага келтиради.

Олинган натижаларга суянган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, Бразилия сеялкасининг устунликлари яққол кўзга ташланмоқда. Анъанавий усулда бир гектар ерни шудгорлаш, сихмолалаш, молалаш, чизеллаш ва экиш каби бир неча технологик жараёнлар бажарилганда ҳамда экинлар СЗ-3.6 русумдаги сеялка билан экилганда 1 гектар майдон учун 86,6 литр ёнилғи сарфланган бўлса, тўғридан-тўғри экиш сеялкаси билан экилганда ўн баробар кам, яъни 10 литр ёнилғи сарфланди. Иқтисод қилинган ёнилғи миқдори 76,6 литрни ёки 90%ни ташкил этди. Бу шундан далолат берадики, келажакда тўғридан-тўғри экиш бутун дунёда





нефть маҳсулотлари тақчил бўлиб турган даврда анчайин тарраққий этган янги технологик йўналишлардан бири бўлиб қолиши мумкин. Таққослаш натижалари шуни кўрсатдики, литрларни сўмда ҳисоблаганимизда тўғридан-тўғри экиш усулида 47 000 сўм сарфланган бўлса, анъанавий усулда 407 020 сўм сарфланган ва олинган соф фойда 360 020 сўмни ташкил этди.

Агарда тежаб қолинган нефть маҳсулотларига қўшимча равишда иш ҳақи ва тракторлар амортизацияси сарфини ҳам қўшадиган бўлсак, бир гектар майдон ҳисобидан фермернинг тежамкорлик

ҳисобига оладиган фойдаси миқдори анча салмоқли бўлиши кўриниб турибди. Шунингдек, бу экин майдонига тупроққа ишлов бериш учун тракторлар кириши сони камайиши ҳисобига тупроқ зичлашиши жараёни анча кечикиши, яна қўшимча равишда экинлар ҳосилдорлиги ортинини англатади.

Тўғридан-тўғри экиш технологиясида инвертирланган Т-симон пичоқ ёки чизель оддий уйғунлаштирилган сеялкага бириктирилади (уруғ ва ўғит биргаликда экилади). Ушбу пичоқ ўзидан кейин бир вақтнинг ўзида уруғ қадаш ва ўғит солиш учун тупроқда энсиз ке-

сим (тилим) қолдиради. Бунда тупроққа минимал ишлов берилиб, унда кенглиги 5 см ва чуқурлиги 5–7 см бўлган энсиз тилим ҳосил бўлади. Чекловчи ғилдираклар тупроқнинг нотексиликларидан нусха олади ва чуқурлик бир хил бўлишини таъминлайди. Узаткич стратегик ҳолатда, уруғлар учун фаза бўйича сурилган иккилик дискларнинг ортида жойлаштирилган. Чеклаш вазифасидан ташқари, «v» да ўрнатилган ғилдирак йиғиб олинган сомоннинг ўрнини босади ва уруғларни ён томондан зичлаштиришга хизмат қилиб, жўякларда ҳаво пуфаклари пайдо бўлишининг олдини олади. Уруғлар қий-

3-жадвал

**Турли модификацияга эга бўлган сеялкаларнинг иқтисодий самарадорлиги**

Бажарилган ишлар	Қишлоқ хўжалиги техникалари ва машиналари	Ёқилғи сарфи, л/га	Харажатлар, сўмда
<b>Анъанавий усул</b>			
Шудгор	Магнум	40	
Сихмола/молалаш	ТЛС	25	
Чизеллаш	ТЛС	15	
Экиш	ТТЗ-80/1 СЗ-3.6	8,6	
Жами 1 га учун		86,6	407 020
<b>Тўғридан-тўғри экиш усули</b>			
Экиш	ТТЗ-80/ SA-9600	10	
Жами 1 га учун		10	47 000
Жами иқтисод қилинган		76,6	360 020

*Манба: Тажриба натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.*



Ҷос униб чиқиши учун буғдой уруғлари тупроқнинг намлиги кўпроқ чуқур ерига экилиши керак. Тўғридан-тўғри экиш сеялқалари уруғни нам кўпроқ ерига экишга ёрдам беради. Аньанвайи экиш сеялқалари экиш учун ер экишга тайёрланиши шарт ва тайёрланиш жараёнида бир неча тадбирлар ўтказилиши тупроқ намлигининг озайиб кетишига ҳам сабаб бўлади. Тупроқдаги намликнинг етарли бўлиши тупроқ унумдорлигини сақлаб қолади ва илдишларнинг яхши ўсиши ва текис тарқалишига имконият яратади. Тўғридан-тўғри экиш технологияси тупроқнинг намлиги пайдо бўлган макро-фоваклар унда сувнинг сингиши ва аэрациясига, шунингдек, илдишларнинг чуқурроқ ёйилишига кўмаклашади. Тупроқ юза қисмида органик моддаларнинг таркиби ошади ва тупроқ қатлами чуқурлашган сайин секин-аста камайиб боради. Тупроқ макро- ва микрофаунаси ва флораси тикланади.

– Янги технологиянинг иқтисодий самараси яққол кў-

**риниб турган бўлса, уни амалиётга кенг татбиқ этишга нима халал берапти?**

– Маҳаллий ҳокимият идоралари ҳам, фермерлар ҳам ерни ҳайдамай экин экишга ўтиш самара беришига ишонинмаяпти. Ваҳоланки, бу технологияда ерга ишлов бериш харажатлари камаяди, ҳосил етилиши ва миқдори учун вақт тежалади. Ушбу ҳосил миқдорини аънанавий усулда етиштирилган экин ҳосили билан солиштириш масалага ойдинлик киритади. ТХРТҚХА кўпинча фермернинг дунёқарашини ўзгартиришни талаб қилади: ерни ҳайдаш зарурлиги фермерлар онгида «фойдали» амал сифатида қаттиқ ўрнашиб қолган, шунинг учун ундан воз кечиш қийин бўлади. Бинобарин, лойиҳа учун тажриба давом этиши, ерни ҳайдамай экин экиш амалиётида иштирок этаётган фермерлар ишни давом эттиришлари, бошқалари билан ушбу технологиянинг барча сирлари ва афзалликлари билан ўртоқлашишлари муҳим аҳамиятга эга. Келаси

мавсумда ҳам лойиҳани давом эттириш айти технологиянинг бошқа афзал жиҳатларини ҳам намоён қилади ва манфаатдор томонлар уни амалиётга кенгроқ жорий этадилар, деган умиддамиз.

#### ABSTRACTS

##### THE FIRST STEPS OF SOIL PROTECTING AND RESOURCE SAVING AGRICULTURE IN KARAKALPAKSTAN AND FERGHANA REGION

The article is devoted to the new methods of carrying out agriculture in the regions of Uzbekistan. Soil protecting and resource saving agriculture is a one of the promising method for land use. It is not a separate technology, because it is a diverse and constantly changing agricultural technology and the ultimate goal is no tillage and reduction of nutrient loss. This helps to preserve a number of ecological functions that the soil can perform in natural conditions (ecosystems).

*Воҳид Умиров суҳбатлашди.*

# КЛАСТЕРНОЕ РАЗВИТИЕ ТЕРРИТОРИЙ: МИРОВОЙ ОПЫТ И ПЕРСПЕКТИВЫ ДЛЯ УЗБЕКИСТАНА

*Наиболее прогрессивным и инновационным подходом к развитию регионов в условиях «новой экономики» и ключевой роли информации в экономических процессах является кластерное развитие территорий. Кластеры – ведущие факторы, влияющие не только на экономический рост, но и на повышение конкурентоспособности муниципалитетов, регионов и стран.*

*Кластер – сконцентрированная на некоторой территории группа взаимосвязанных организаций (компаний, корпораций, университетов, банков и проч.): поставщиков продукции, комплектующих и специализированных услуг; инфраструктуры; научно-исследовательских институтов; вузов и других организаций, взаимодополняющих друг друга и усиливающих конкурентные преимущества отдельных компаний и кластера в целом.*

Кластер обладает свойствами взаимной конкуренции, а также кооперации его участников, формирования уникальных компетенций региона, концентрации предприятий и организаций на определенной территории<sup>1</sup>.

Кластерное развитие территорий закладывается в основу стратегий социально-экономического развития, программ развития отраслей региона и других стратегических документов. Кластеры формируют комплексные производственно-технологические пакеты для принятия выгодных инвестиционных решений, определяют приоритетные инвестиционные вложения и создают условия для перевооружения промышленности<sup>2</sup>.

Неоспоримые преимущества кластерного подхода в

<sup>1</sup> Семенова Н. Кластеризация – новое явление в мировой экономике и политике // [www.nikst.ru](http://www.nikst.ru).

<sup>2</sup> Михеев А.А. Развитие кластеров в региональных экономических системах: преимущества, проблемы, пути поддержки // Проблемы современной экономики. – 2012. – №3.

**На фото:** Современная теплица, построенная в фермерском хозяйстве «Растислава» (Ферганская область).



управлении развитием территории и кластерные инициативы учитывают документы территориального планирования, играющие важную роль в стратегическом развитии страны в целом и каждого ее региона. При этом основной проблемой учета стратегических приоритетов кластерного развития территории является отсутствие возможности установить четкие границы кластера, выделить для него отдельную промышленную площадку. Это обусловлено тем, что в пространственном выражении кластер представляет собой не конкретную территорию, имеющую строгие границы, а сетевую структуру. Чтобы решить проблему определения границ промышленного кластера, необходимо понять, каким образом и с каким уровнем детализации необходимо учитывать кластерное развитие при разработке различных документов стратегического планирования территориального развития региона.

Мировой опыт показывает высокую эффективность кластерной технологии в повышении конкурентоспособности предприятий. Кластерный подход подразумевает, что одна из отраслей народного хозяйства не может рассматриваться отдельно от остальных, и способствует развитию тесных связей между отраслями-поставщиками и отраслями-потребителями.

Существует три типа кластеров:

- Промышленные (группа тесно связанных отраслей);

Основной проблемой учета стратегических приоритетов кластерного развития территории является отсутствие возможности установить четкие границы кластера, выделить для него отдельную промышленную площадку. Это обусловлено тем, что в пространственном выражении кластер представляет собой не конкретную территорию, имеющую строгие границы, а сетевую структуру.

- Региональные (географическое объединение смежных отраслей и поддерживающих институтов);

- Инновационные (объединение предприятий для совместной генерации научных знаний и бизнес-идей). Так или иначе, понятие кластера, вне зависимости от его типа, подразумевает объединение промышленных предприятий, организаций по подготовке кадров, научно-исследовательских центров и владельцев капитала с целью получения синергетического эффекта и достижения общих поставленных целей.

Необходимым условием успешной реализации проектов по стимулированию кластеров является наличие региональной стратегии, в которой должны учитываться ключевые точки роста региона в целом.

Различают два вида стратегий, которые дополняют друг друга:

- ❖ стратегии, направленные на повышение использования знаний в существующих кластерах;

- ❖ стратегии, направленные на создание новых сетей сотрудничества внутри кластеров<sup>3</sup>.

В зависимости от стратегии развития кластеры можно разделить на следующие типы:

1. Инфраструктурно-инновационный кластер формируется вокруг системы гарантированного потребления продукции, используется уже существующая инфраструктура, но с применением принципиально новых технологических решений.

2. Инновационный кластер формируется на основе принципиально новых инфраструктур, не имеющих аналогов. В данном кластере невозможно просчитать гарантированный спрос продукции, и формирование данного кластера возможно только под гарантии государства.

3. Ультраструктурный или метапромышленный кластер формируется на основе преобразования существующей промышленности, причем создается наиболее передовая технология, вокруг которой формируется необходимая система предприятий.

<sup>3</sup> Цихан Т.В. Кластерная теория экономического развития // Теория и практика управления. – 2003. – №5.

4. Заимствованный кластер формируется на примере зарубежного опыта применения технологий и основывается на импортозамещающих технологиях.

Выбор той или иной кластерной стратегии зависит от комбинации следующих основных характеристик кластеров:

- ♦ географическая – построение пространственных кластеров экономической активности;

- ♦ горизонтальная – соединение нескольких отраслей в один большой кластер;

- ♦ вертикальная – присутствие в кластерах смежных этапов производственного процесса при выделении инициатора и конечного исполнителя инноваций;

- ♦ латеральная – объединение разных секторов, которые обеспечивают экономию за счет эффекта масштаба;

- ♦ технологическая – объединение отраслей, пользующихся одной и той же технологией;

- ♦ фокусная – объединение предприятий вокруг одного центра – предприятия, НИИ или учебного заведения;

- ♦ качественная – сотрудничество фирм, позволяющее подавлять инновационные процессы и поощрять защитное поведение<sup>4</sup>.

Высокая конкурентоспособность и стабильность кластерных хозяйственных систем определяется факторами, которые способствуют развитию региона:

- распространение новых технологий;

- характер и структура взаимодействия науки, образования, финансирования;

- государственная политика и промышленность.

В связи с этим можно выделить особенности кластерных систем:

- наличие крупного предприятия – лидера, определяющего долгосрочную хозяйственную, инновационную и иную стратегию всей системы;

- территориальная локализация основной массы субъ-

ектов экономики – участников кластерной системы;

- долговременная координация взаимодействия участников системы в рамках ее производственных программ, инновационные процессы основных систем управления, контроль качества и пр.;

- ориентация продукции кластеров на экспорт или импортозамещение<sup>5</sup>.

Создание кластеров в региональной экономической системе формирует целый ряд преимуществ<sup>6</sup>:

- ✓ снижает барьеры выхода на рынки сбыта продукции и поставок сырья и материалов, рабочей силы для средних и малых предприятий;

- ✓ повышает общую экономическую устойчивость предприятий как внутри кластеров, так и за его пределами и дает возможность предприятиям малого и среднего бизнеса получать доступ к финансовым ресурсам, которые раньше не были доступны;

- ✓ появляется инфраструктура для научно-исследовательских и опытно-конструкторских разработок;

- ✓ появляются возможности для более успешного выхода на внешние рынки и т.д.

Основу формирования кластеров в регионе составляют следующие компоненты:

- ❖ научные лаборатории, в которых создаются новые технологии;

- ❖ экспериментальные производства по созданию

Мировой опыт показывает высокую эффективность кластерной технологии в повышении конкурентоспособности предприятий. Кластерный подход подразумевает, что одна из отраслей народного хозяйства не может рассматриваться отдельно от остальных, и способствует развитию тесных связей между отраслями-поставщиками и отраслями-потребителями.

<sup>4</sup> Цихан Т.В. Кластерная теория экономического развития // Теория и практика управления. – 2003. – №5.

<sup>5</sup> Проект концепции территориальной экономической политики Республики Татарстан: [Электронный ресурс]. [www.mert.tatarstan.ru](http://www.mert.tatarstan.ru).

<sup>6</sup> Карпова Д.П. Использование кластерного подхода в управлении региональной экономикой // Региональная экономика и управление: электр. науч. журн. – 2007. – №4.

промышленных образцов и апробации новых технологий;

- ❖ промышленно-технологические группы, осуществляющие серийное производство;

- ❖ маркетинговые группы для продвижения товара и формирования устойчивого спроса;

- ❖ управленческие структуры, включающие совет инвесторов, который принимает решение о приоритетном финансировании того или иного проекта;

- ❖ экспертный совет, рассматривающий различные проекты по мере их подготовки к реализации<sup>7</sup>.

Логика развития наиболее успешных глобальных компаний и наиболее экономически развитых регионов и стран мира свидетельствует о том, что кластеризация – это закономерный этап эволюции форм комплексной организации хозяйствования, позволяющий связать воедино единичное и общее, сбалансировать интересы человека, фирмы и региона, задать вектор их совместного единого направленного развития. Таким образом, правильно принятая политика кластеризации в регионе – действенный инструмент конкурентоспособности региона, инновационного потенциала, темпов экономического роста, а также важное условие обеспечения устойчивости и экономической независимости региона в условиях глобализации.

Концепции формирования кластеров в разных странах

Понятие кластера, вне зависимости от его типа, подразумевает объединение промышленных предприятий, организаций по подготовке кадров, научно-исследовательских центров и владельцев капитала с целью получения синергетического эффекта и достижения общих поставленных целей.

мира имеют свои особенности.

В **США** на основе кластерного подхода основываются многие региональные экономики. Характерными чертами американских кластеров является способ взаимодействия элементов кластера, который основывается на принципах партнерства и участия государства в функционировании кластеров. Государство через федеральную контрактную систему безвозмездно предоставляет участникам кластера ресурсы из государственных фондов: оборудование, лаборатории, земли. Для дополнительного стимулирования НИОКР оно предоставляет налоговые льготы: досрочную амортизацию, субсидии на собственные разработки компаний кластера. Ярким примером кластера в США является «Кремниевая долина». Исследовательские центры, венчурный капитал привлекают все новые компании, в результате взаимодействия всех элементов кластера производятся инновации. В «Кремниевой долине» сосредоточена треть всего венчурного капитала США, что привлекает крупнейшие ИТ-компании формировать

свои подразделения в рамках кластера. На территории кластера сосредоточены высокотехнологичные компании, такие как Google, Intel, Oracle, расположены подразделения Asus, Microsoft, Facebook, Стэнфордский и Калифорнийский университеты.

В **Великобритании** политика государства направлена на использование уже существующих кластеров. В рамках государственной политики стимулируется процесс взаимодействия между бизнесом и сферой науки и образования. Примером может служить Эдинбургский центр трансфера технологий, предоставляющий оборудование для начинающих компаний, посредством упрощенного взаимодействия с лабораториями университета. В дополнение Эдинбургский центр осуществляет поддержку на начальном этапе развития бизнеса, организуя консультации с опытными бизнесменами.

Во **Франции** большее распространение получили промышленные кластеры. Со стороны государства уделяется большое внимание усилению связей между промышленностью и университетами с целью

<sup>7</sup> Михеев А.А. Развитие кластеров в региональных экономических системах: преимущества, проблемы, пути поддержки // Проблемы современной экономики. – 2008. – №3. – С. 355–358.

Таблица

## Рейтинг стран по количеству успешно развивающихся кластеров

Страна	Количество кластеров	Основная специализация
США	380	Компьютерные технологии
Италия	206	Производство потребительских товаров и пищевое производство
Великобритания	168	Биотехнологии и биоресурсы
Индия	106	Компьютерные технологии
Франция	96	Фармацевтика, косметика, производство продуктов питания
Дания	34	-
Германия	32	Химическая промышленность, машиностроение
Польша	61	Строительство
Нидерланды	20	-
Финляндия	9	-

*Источник:* Петухов Р.Н. Анализ мирового опыта формирования территориальных инновационных кластеров // Молодой ученый. – 2016. – №16. – С. 191–194. – URL <https://moluch.ru/archive/120/33267/> (дата обращения: 26.03.2019).

развития малого инновационного предпринимательства. Национальное агентство планирования Франции формирует заказ на исследования в области инноваций. Таким образом, кластеры Франции получают дополнительное государственное финансирование.

В **Германии** государство старается не играть решающей роли в структуре управления кластерами. Для участников кластеров важно иметь сотрудничество с исследовательскими организациями, поставщиками инновационных разработок, организациями, осуществляющими трансфер технологий. Одним из способов взаимодействия кластеров и государства в Германии является организация конкурсов

кластерных инициатив и проектов. Для участия в конкурсе проекты должны относиться к следующим категориям: разработка нового продукта или метода производства, перенос ноу-хау с одной технологической области в другую, сотрудничество с институтами.

Отличительной особенностью кластеров в **Японии** является ведущая роль одной или нескольких передовых компаний, которые окружены сетью средних и малых компаний. Кластеры в Японии создаются с целью развития наиболее современных научно-технических направлений, таких как нанотехнологии и робототехника, особое внимание уделяется биопроизводству, эко- и биоинформатике.

В «Кремниевой долине» сосредоточена треть всего венчурного капитала США, что привлекает крупнейшие IT-компании формировать свои подразделения в рамках кластера. На территории кластера сосредоточены высокотехнологичные компании, такие как Google, Intel, Oracle, расположены подразделения Asus, Microsoft, Facebook, Стэнфордский и Калифорнийский университеты.

В **Китае** в процесс создания и развития кластеров вовлечены власти трех уровней: центральное правительство, правительство муниципалитетов и развитых зон. С одобрения центрального правительства правительство муниципалитета может создать на своей территории зону развития высокотехнологичных отраслей. Центральное правительство также отбирает фирмы, достойные особых привилегированных мер.

Мировой опыт показывает, что региональный кластер – это точка роста экономики, ориентированной на инновации. Кластер формирует благоприятную среду для развития бизнеса разного масштаба и стимулирует развитие региона. Исходя из мирового опыта можно выделить основные предпосылки создания кластеров:

- наличие группы взаимодействующих компаний, ориентированных на динамично развивающиеся сегменты рынка;
- функционирование большого числа малых и средних предприятий со схожей специализацией;

Отличительной особенностью кластеров в Японии является ведущая роль одной или нескольких передовых компаний, которые окружены сетью средних и малых компаний. Кластеры в Японии создаются с целью развития наиболее современных научно-технических направлений, таких как нанотехнологии и робототехника, особое внимание уделяется биопроизводству, эко- и биоинформатике.

- наличие научных организаций, свободно предоставляющих оборудование и лаборатории для совместного использования;

- наличие развитой инновационной инфраструктуры, поддерживающей промышленное развитие и включающей технопарки, бизнес-инкубаторы и т.д.;

- активное участие вспомогательных организаций (торгово-промышленных палат, консалтинговых фирм) в процессах НИОКР, разработке инновационных проектов;

- политика региональных органов власти, направленная на развитие инновационной инфраструктуры.

Для успешного развития региональных кластеров эксперты выделяют несколько ключевых факторов, позволяющих добиться высокой эффективности кластера:

- ◆ компактность территории кластера (возможность перемещения на любое предприятие кластера за короткое время);

- ◆ отсутствие инвестиционных альтернатив высокотехнологическим отраслям;

- ◆ существование предприятий-лидеров, способных

возглавить инновационные процессы и объединить вокруг себя остальных участников кластера;

- ◆ тесное взаимодействие между университетами, научно-исследовательскими институтами и промышленными предприятиями;

- ◆ эффективность создаваемых венчурных компаний;

- ◆ сотрудничество венчурных компаний с ведущими компаниями и университетами;

- ◆ взаимодействие с другими кластерами региона;

- ◆ привлечение национального и зарубежного капитала за счет размещения акций.

### ПЕРСПЕКТИВЫ ДЛЯ УЗБЕКИСТАНА

Как следует из постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 19 сентября 2018 года «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию хлопково-текстильных производств», хлопково-текстильные кластеры в нашей стране займут 300 тысяч гектаров посевных площадей. Их количество уве-

личится до 44. Для организаторов хлопково-текстильного производства дополнительно введен ряд условий.

Напомним, что в 2018 году кластерная форма организации хлопково-текстильного производства по формированию рыночных отношений между фермерскими хозяйствами и предприятиями текстильной промышленности в экспериментальном порядке была внедрена в 20 районах республики на территории 160 тысяч гектаров. Суть ее заключается в том, что отечественные текстильные предприятия могут заказывать и авансировать производство хлопка-сырца напрямую у фермерских хозяйств и других сельскохозяйственных производителей.

Во-первых, эти организации содействуют эффективному и рациональному использованию земельных, водных и иных ресурсов, повышению урожайности и своевременному сбору выращиваемого хлопка-сырца, а также обеспечивают его дальнейшую углубленную переработку и увеличение производства продукции с высокой добавленной стоимостью.

Во-вторых, на них распространяются предусмотренные для фермерских хозяйств условия и порядок приобретения сельхозтехники в лизинг, поставки минеральных удобрений, посевных семян, горюче-смазочных материалов, средств химзащиты растений и других материальных ресурсов.

В-третьих, хлопковое волокно, производимое для собственных нужд в рамках хлоп-

Как следует из постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 19 сентября 2018 года «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию хлопково-текстильных производств», хлопково-текстильные кластеры в нашей стране займут 300 тысяч гектаров посевных площадей. Их количество увеличится до 44.

ково-текстильного производства, сертифицируется на добровольной основе. В общем порядке хлопковое волокно подлежит обязательной сертификации.

В-четвертых, объемы произведенного хлопкового волокна, превышающие потребность собственных производственных мощностей, организатор хлопково-текстильного производства может реализовать другим отечественным потребителям по прямым контрактам или через биржевые торги.

В документе отмечается ряд проблем, препятствующих дальнейшему ускоренному развитию сферы, внедрению современных технологий, модернизации производственных процессов и расширению экспорта готовой продукции.

При преодолении недостатков в организации и развитии кластерного производства возможны три вида экономи-

чески важных эффектов: социальный, экономический и бюджетный.

Социальный эффект будет выражен в создании новых рабочих мест, удовлетворении потребителей качеством товаров и услуг, возможности приобрести профессию или навыки производства товаров и услуг.

Экономическим эффектом является выгода предпринимателя, которая непосредственно преследуется при реализации любого проекта.

Развитие предпринимательских структур, увеличение их количества позитивно скажется на доходной части бюджетов всех уровней.

Документом утверждена схема финансирования производственного процесса. Банки кредитуют организаторов хлопково-текстильного производства за счет средств Фонда целевого финансирования государственных закупок сельскохозяйственной

продукции и оснащения техникой сельского хозяйства при Кабинете Министров. Размер кредитов – не менее 60% от расчетной потребности для финансирования выращивания и поставки хлопка-сырца (исчисляется с учетом действующих условий для фермерских хозяйств, реализующих хлопок-сырец в рамках госзаказа) по ставке не более 3% годовых и на условиях, предусмотренных для финансирования фермерских хозяйств, реализующих хлопок-сырец в рамках госзаказа.

Как отмечено в постановлении, в рамках внедрения кластерной формы организации хлопково-текстильного производства в 2018 году применены водосберегающие технологии на 3163 га хлопковых площадей посредством орошения полей гибкими пластиковыми трубопроводами, построены водоотводные системы и водоемы, в районах с трудным доступом к источникам орошения установлены 225 насосных агрегатов, закуплены 1285 единиц различной сельскохозяйственной техники, привлечены высококвалифицированные иностранные специалисты по сельскому хозяйству (агрономы, специалисты по современной технике и технологиям, специалисты на-

Получение статуса кластера имеет большое экономическое значение для региона, поскольку привлекает внимание инвесторов и способствует развитию торговых операций.

Государство готово оказывать финансовую поддержку регионам в создании кластеров. Органам власти в регионах необходимо сформировать и законодательно закрепить механизмы, направленные на формирование кластерной политики.

учных институтов), с выездом за рубеж изучен успешный опыт хлопководства в Турции, Израиле, Бразилии и США, создано свыше 4,3 тысячи новых рабочих мест.

Правительство поручило соответствующим министерствам и ведомствам, организаторам хлопково-текстильных производств и кластеров, фермерским хозяйствам разработать Программу по поэтапному внедрению в 2019–2023 годах современных систем капельного орошения в хлопководстве, в том числе на площадях, предоставленных организаторам хлопково-текстильных производств и кластеров.

В Куйичирчикском районе Ташкентской области будет создан современный агропромышленный кластер, где будет организовано выращивание хлопка-сырца, зерновых и других сельскохозяйственных культур, и их глубокая переработка.

Согласно информации, кластер будет создан британской компанией Paraglide Limited и российской «Петромаруз Капитал».

Также в Куйичирчикском районе планируется создать животноводческий и рыбноводческий комплексы за счет привлечения прямых иностранных инвестиций, средств международных финансовых институтов, кредитных линий иностранных банков и кредитов коммерческих банков.

Для реализации проекта будет создано предприятие с иностранными инвестициями Tashkent Cotton Textile Cluster.

В 2018 году кластерная форма организации хлопково-текстильного производства по формированию рыночных отношений между фермерскими хозяйствами и предприятиями текстильной промышленности в экспериментальном порядке была внедрена в 20 районах республики на территории 160 тысяч гектаров.

Предприятию предоставят с правом постоянного владения и пользования 35,4 тысячи гектаров орошаемых земель и 3,1 тысячи гектаров рыбноводческих прудов.

Кроме того, предприятию передадут по «нулевой» выкупной стоимости имущественный комплекс бывшего АО «Баликчи» для создания современного комплекса по выращиванию, переработке и реализации, в том числе на экспорт, широкого ассортимента рыбной продукции, с условием создания новых рабочих мест и внесения инвестиций в размере \$8,2 млн.

Общая стоимость проектов, которые будут реализованы на территории кластера, превысит \$217 млн.

Производственные мощности будут вводиться в строй поэтапно, начиная с 2020 и по 2023 годы.

Кластерный подход может стать инструментом обеспечения высоких темпов экономического роста и диверсификации экономики.

Получение статуса кластера имеет большое экономическое значение для региона, поскольку привлекает внимание инвесторов и способствует

развитию торговых операций.

Государство готово оказывать финансовую поддержку регионам в создании кластеров. Органам власти в регионах необходимо сформировать и законодательно закрепить механизмы, направленные на формирование кластерной политики.

## ABSTRACTS

### THE CLUSTER DEVELOPMENT OF TERRITORIES: WORLD EXPERIENCE AND PROSPECTS FOR UZBEKISTAN

The article examines the cluster development of territories and its perspectives for Uzbekistan. The most progressive and innovative approach to the development of the region in the conditions of the "new economy" and the key role of information in economic processes is cluster development of territories. Clusters are the leading factors that influence not only economic growth, but also increase the competitiveness of municipalities, regions and countries.

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА КАЙЗЕН БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ҚЎЛЛАШ ИМКОНИАТЛАРИ



**Тоҳиржон Раҳмонов,**  
АТ Халқ банки  
Бошқаруви Раисининг  
биринчи ўринбосари



**Анис Ҳамидов,**  
АТ Халқ банки Кредит  
операциялари департаменти  
бош мутахассиси

**Сўнгги йилларда банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида хизмат кўрсатишнинг бозор механизмлари жорий қилинмоқда, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли кенг қатламига мақбул келадиган молиявий хизматлар турларини кенгайтириш, истеъмолчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларига риоя қилиш, молиявий хизматлар оммабоплигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ва банк тизимида бўлган ишончни янада юқори даражага олиб чиқиш борасида катта ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.**

**Х**усусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги 3620-сонли қарорига асосан банк хизматлари оммабоплигини ошириш мақсадида банкларга бир қатор вазифалар белгилаб берилди, жумладан:

- филиалларнинг кредит ажратишда бош банклар билан қўшимча келишувсиз мустақил қарорлар қабул қилиш бўйича ҳуқуқларини кенгайтириш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жисмоний

шахслар томонидан халқаро тўлов карталарига сотиб олинган хорижий валютани тижорат банклари томонидан белгиланган лимитлар доирасида нақд шаклда ечиб олиш механизмини жорий этиш;

- хориж тажрибасидан фойдаланиб қулай тўлов хизматларини яратиш ва ривожлантириш;

- нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда инновацион маҳсулотларни, шу жумладан, бевосита мулоқотсиз ва мобиль технологияларни ривожлантириш;

- масофавий банк хизматлари кўрсатишни ривожлантириш бўйича замонавий ва илғор банк хизматлари турларини амалиётга жорий этиш ташаббусларини илгари суриш, янги ахборот технологияларини жорий этиш ва бошқа вазифалар белгиланган.

Бугунги кунда замонавий тижорат банкининг энг долзарб вазифаларидан бири унинг ишончилигини оширадиган рақобатбардош маҳсулот ва хизматларни тақдим этиш қобилиятини изчил ривожлантириш моделини шакллантиришдан иборатдир. Ташқи муҳитнинг юқори ўзгарувчанлиги, рақобат курашининг мураккаблашуви, ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ҳамда

Бугунги кунда замонавий тижорат банкининг энг долзарб вазифаларидан бири унинг ишончилигини оширадиган рақобатбардош маҳсулот ва хизматларни тақдим этиш қобилиятини изчил ривожлантириш моделини шакллантиришдан иборатдир.

Молиявий муносабатларнинг глобаллашуви шароитида банк бизнесини ривожлантириш унинг рақобат устунликларини шакллантириш ва уларни самарали бошқариш масаласини тижорат банклари кундалик фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айлантиради.

Молиявий ва тижорат қарорларининг самарадорлиги соҳага оид ахборот майдонидаги маълумотларнинг ишончилиги ҳамда улардан фойдаланиш технологияларига боғлиқ. Бу табиий равишда зарарни камайтириш ва даромадларни кўпайтиришга олиб келади. Банк хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ битимларни тузишда мавжуд ахборот базасидан тўғри фойдаланиш молиявий йўқотишлар эҳтимолини минимал даражага туширади. Айниқса, кредит хизматлари

кўрсатиш тўғрисидаги ҳар қандай қарор мижозлар ва уларнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларга асосланади. Ахборотнинг сифати қарор қабул қилинганда эмас, балки унғача баҳоланиши керак. Чунки бугунги даврда ахборот тез эскирмоқда, ундан фойдаланиш усуллари эса тижорат банклари мутахассислари томонидан аниқланади. Маълум бир ахборот тизими ва уни тавсифловчи кўрсаткичларга асосланган бошқарув технологияларини жорий этиш банк бизнесини бошқариш тизимига стратегик ўзгаришларни киритишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Замонавий тижорат банкларининг интеллектуал ва молиявий ресурсларини шакллантиришга ходимларнинг билим ва малакасини

ошириш тизими сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Уларнинг рақобатбардошлик салоҳияти, асосан, банк бошқарув тизимига замонавий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг самарали усуллари ва технологияларидан фойдаланишга тайёр бўлган малакали ходимларни жалб қилиш ҳисобига шаклланади<sup>1</sup>.

Барча ривожланган мамлакатлардаги банк тизими авваламбор мижозга қаратилган стратегиялар асосида ривожланмоқда. Шундай экан, мижозларни банк тизимига янада кўпроқ жалб қилиш, уларга замонавий банк хизматларини кўрсатиш билан бирга янги илмий ғояларга асосланган инновацион банк хизмат турларини ишлаб чиқиш асосий мақсадлардан бири бўлиб келмоқда.

Шундай қилиб, мураккаб молиявий, техник ва технологик вазифаларни ҳал қилувчи махсус билим ва кўникмаларга эга мутахассислар банк муассасалари рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосини ташкил этади. Шубоис, банкнинг мижозлар билан ўзаро муносабат ўрнатиш учун етарли билим ва сало-

Ташқи муҳитнинг юқори ўзгарувчанлиги, рақобат курашининг мураккаблашуви, ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ҳамда молиявий муносабатларнинг глобаллашуви шароитида банк бизнесини ривожлантириш унинг рақобат устунликларини шакллантириш ва уларни самарали бошқариш масаласини тижорат банклари кундалик фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айлантиради.

<sup>1</sup> Андреева А. В., Хатламаджиян Д. Г., Шелепов В. Г. Управление компетенциями персонала в системе обеспечения конкурентоспособности банка // Пространство экономики. 2012. №2 – 3.

Маълум бир ахборот тизими ва уни тавсифловчи кўрсаткичларга асосланган бошқарув технологияларини жорий этиш банк бизнесини бошқариш тизимига стратегик ўзгаришларни киритишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

хиятга эга мутахассисларига банк капиталининг барқарор юқори ўсиш даражасини таъминлайдиган самарали номоддий актив сифатида қараш мумкин.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, банк хизматларига бўлган талабнинг ўсиши ва банклараро рақобатнинг фаоллашуви банк бошқаруви янги банк маҳсулотларини яратиш ҳамда уларни стандартлаштириш, банк бошқарувида замонавий ахборот технологияларига асосланган самарали тузилмавий ўзгартиришларга эътибор қаратишини тақозо этади.

Банкларни бозордаги кескин ва ўзгарувчан рақобат муҳитига мослаштириш ҳамда банкнинг ишончлилигини таъминлаш учун кадрлар сиёсати ва ташкилий тузилманинг барча поғоналаридаги ходимларни бошқаришнинг самарали усулларини қўллаш талаб этилади.

Замонавий бошқарув назарияси асосчиларидан бири Питер Друкер таъкидлаганидек, ҳар қандай компаниянинг асосий мақсади ўзи учун истеъмолчиларни яратишдир. Айнан мазкур ғоя компаниянинг барча ходимлари томо-

нидан яқдил қўллаб-қувватланиши унга эришишнинг энг тезкор ва омилкор усули сифатида эътироф этилади<sup>2</sup>.

Мижозларга йўналтирилган бошқарув стратегиясини амалга оширишда қўлланиладиган самарали бошқарув тизимларидан бири кайзен тизимидир.

«Кайзен» (改善) ибораси япон тилида «узлуксиз такомиллашув ёки доимий яхшиланиш» деган маънони англатади. Кайзен фалсафаси ҳаётнинг барча жабҳалари (меҳнат, ижтимоий ва хусусий) доимий яхшиланишга ёки ривожланишга йўналтирилган бўлиши кераклигини уқтиради.

Биринчи маротаба кайзен тамойиллари япониялик олим Масааки Имаи томонидан 1986 йилда Англияда чоп этилган «Кайзен – япон компанияларининг муваффақият калити»<sup>3</sup> номли илмий китобда тўлиқ тавсиф этилган.

Бунда Кайзен фалсафаси қуйидаги ёндашувларни назарда тутаяди:

- ҳар бир соҳада яхшироқ ўзгаришлар қилиш учун энг кичик имкониятларни излаб топиш ва унинг анъана бўлиб қолишига эришиш;

- мавжуд муаммоларга кўз юммай, балки уларни онгли равишда тан олган ҳолда бартараф этиш чораларини кўриш;

- ўз-ўзини ташкил этиш ва тартибга солиш. У ходимнинг ўз ваколати доирасида нималар қилиши кераклиги ва ўсиш учун имкониятларни доимий таҳлил қилиб боришини назарда тутаяди;

- узлуксиз ўрганиш, янгиликка интилиш;

- эзгулик, мулойимлик ва бағрикенглик.

Кайзен тизимнинг асосий ғояси – ишлаб чиқариш энг аввало истеъмолчига йўналтирилиб, уларнинг эҳтиёжлари ва талабларини қондириш орқали фойда миқдорини оширишга эришишдан иборат.

Кайзен бошқарув стратегиясининг ўзига хослиги шундан иборатки, анъанавий бошқарув тизими натижага қаратилган бўлса, кайзенда жараёнга йўналтирилган фикрлаш диққат марказида туради. Тизим асосан инсонларнинг тафаккури ва фикрлашига ўзгартириш киритилишига қаратилиб, ком-

Мураккаб молиявий, техник ва технологик вазифаларни ҳал қилувчи махсус билим ва кўникмаларга эга мутахассислар банк муассасалари рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосини ташкил этади.

<sup>2</sup> Татарнинова Л.Ю. Об эффективности организации гетва-менеджмента в банках // Финансы и кредит. 2012. №35 (515).

<sup>3</sup> Имаи М. Кайзен: Ключ к успеху японских компаний. Пер. с англ. – 5-е изд. – М.: Альпина Паблишерз, 2011. – С. 274.

паниянинг юқори менежерларидан тортиб то оддий ишчи-ходимларигача ўзгариш ва ривожланиш жараёнида иштирок этишларини назарда тутди.

Кайзен тизимида такомиллашишга қўйидагилар орқали эришилади:

- самарадорликни ошириш;
- маҳсулот сифатини ошириш;
- логистикани такомиллаштириш;
- йўқотишларни камайтириш;
- захираларни қисқартириш;
- ишлаб чиқариш объектларининг тайёргарлик даражасини ошириш;
- иштирокчиларни рағбатлантириш;
- жамоада бир ёқадан бош чиқариб ишлаш;
- ходимларнинг жавобгарлигини ошириш;
- корпоратив бошқарув услубларига устуворлик бериш;
- иерархик тузилма поғоналаридаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш;
- компания тузилмасининг барча поғоналарида ходимларнинг билим ва маънавиятини узлуксиз ошириб бориш.

Кайзен тизимининг инновацион ривожланишдан афзаллиги шундаки, уни амалга оширишда ҳамма вақт ҳам замонавий техника ва технологиялар ҳамда йирик инвестициялар талаб этилмайди ва, халқ ибораси билан айтганда, «дўппини ечиб, бир оз чуқурроқ ўйлаб иш кўриш»дан иборатдир.

«Кайзен» (改善) ибораси япон тилида «узлуксиз такомиллашув ёки доимий яхшиланиш» деган маънони англатади. Кайзен фалсафаси ҳаётнинг барча жабҳалари (меҳнат, ижтимоий ва хусусий) доимий яхшиланишга ёки ривожланишга йўналтирилган бўлиши кераклигини уқтиради.

Ҳар қандай компанияда кайзен тизимини жорий этиш қўйидаги тамойилларга асосланиши мақсадга мувофиқ:

- тизим, энг аввало, ташкилотнинг раҳбарияти томонидан жорий этилиши ва бошқарилиши, яъни энг юқори даражада корпоратив фаолият натижалари доимий равишда қўллаб-қувватланиши ва такомиллашиши лозим. Бунда бирор бир ходим эътибордан четда қолмай, доимий мулоқот, жамоавий фаолият, ахлоқий тамойиллар ва интизомга катта эътибор қаратилади;

● натижага эмас, жараёнга эътибор берилади. Унга кўра, ташкилий тузилманинг барча поғонасидаги ходимларнинг ўй-фикри ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнидаги хато ва камчиликларнинг бартараф этилишига йўналтирилади;

● «режалаштириш-бажариш-текшириш-таъсир ўтказиш» тамойилига амал қилиш: такомиллаштириш мақсадларини белгилаш («режа»); режани амалга ошириш («бажариш»); жараённи кузатиш ва натижани таҳлил қилиш, жараённи такомиллаштириш ёки муаммоларни бартараф этишга қаратилган янги тартиб-таомилларни яратиш ва стандартлаштириш

(«таъсир»). Агар гап янги жараён ҳақида борадиган бўлса, унинг энг мақбул вариантини танлаш ва стандартлаштириш амалга оширилади;

● сифатни таъминлаш. Кайзен тизимида сифат устувор аҳамиятга эга бўлиб, ишлаб чиқариш ёки операцион харажатларни тежаш имконияти бўлмаса ҳам унга эришишни таъминлаш;

● зарур ахборотга эга бўлиш. Кенг қамровли ва ишончли ахборот ва маълумотларга эга бўлиш тўғри қарор қабул қилишга ёрдам беради;

● истеъмолчига йўналтирилганлик. Кайзенда ҳар қандай жараёнга етказиб берувчи – истеъмолчи схемасига амал қилинади. Яъни ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида маҳсулот тўлиқ тайёрланиб, сотувга чиқарилгунга қадар ҳар бир ходим ҳам етказиб берувчи, ҳам истеъмолчи бўлиши мумкин. Сифат учун масъулият ҳар бир етказиб берувчи бўғинида таъминланади.

● сарф-харажатларни камайтириш. Тизим бутун компания ички захираларидан фойдаланган ҳолда доимий яхшиланишни таъминлайди. Тизим барча поғоналарида маҳсулот ва хизматларнинг маълум бир

Кайзен тизимнинг асосий ғояси – ишлаб чиқариш энг аввало истеъмолчига йўналтирилиб, уларнинг эҳтиёжлари ва талабларини қондириш орқали фойда миқдорини оширишга эришишдан иборат.

қийматини таъминлаш ва харажатларини оқилона даражага тушириш учун «Кайзен-Костинг» тизимидан фойдаланилади. Бундай ёндашув нафақат қилинадиган харажатларни тўлиқ қоплашни, балки зарар келтирадиган фаолиятни тўхтатишни ҳам назарда тутди.

Тижорат банкларида кайзен тизимини самарали жорий этиш учун банк ходимларини ўз ишини юқори сифатли бажаришга ундовчи рақобат, ижтимоий дастурлар, корпоратив қадриятлар ва ҳамкорлик воситаларидан фойдаланиш мумкин.

Россиянинг Сбербанки бошқарувида кайзен тизими инновацион ривожланишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қабул қилиниб, у янги банк маҳсулотларини

яратиш, мавжудларини такомиллаштириш орқали хизмат кўрсатиш ҳажми ва сифатини ошириш ҳамда операцион харажатларни қисқартиришга қаратилган.


Кайзен тизими такомиллашуви натижасида Гемба Кайзен тизими шаклланди. 1997 йилда Масааки Имаининг «Гемба кайзен: харажатларни қисқартириш ва сифатни яхшилаш йўллари» номли иккинчи китоби нашр этилди<sup>4</sup>.

«Гемба» сўзи «воқеа содир бўлган жой» маъносини англатади. Гемба – вазиятни тўлиқ тушуниш учун иш жараёни амалга ошириладиган жойга ташриф буюриш ва жойида қарор чиқариш демакдир. Гемба раҳбарга ҳар қандай муаммони ҳал этиш учун узоқда эмас, балки жойида

ечим топиш кераклигини тушунтиради<sup>5</sup>.

Шунингдек, Гемба Кайзен тизимида «Муда», «Мура» ва «Мури» сўзлари кўп ишлатилади. Японияда «Муда», «Мура» ва «Мури» сўзлари кўпинча биргаликда ишлатилади ва «учта МУ» деб номланади. Муда кайзенни бошлаш учун фойдали рўйхатни тақдим этганидек, мура ва мури сўзлари Гемба кайзенни бошлаш учун қулай эслатма сифатида ишлатилади. Босим яратадиган ёки тартибсиз характерга эга бўлган ҳар қандай ҳолат муаммо мавжудлигидан далолатдир. Бундан ташқари, Мура ва Мури иккаласи биргаликда Мудани ҳосил қилади<sup>6</sup>.

Кайзенда узлуксиз такомиллашувда асосий эътибор ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган муаммоларни бартараф этишга қаратилган. Унга кўра, бошқарувчи ёки ходим ўз вақтининг асосий қисмини офисда эмас, балки ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш объекти (Гемба)да ўтказиши керак.



Манба: муаллифлар томонидан тузилган.

<sup>4</sup> Имаи М. Гемба Кайдзен. Путь к снижению затрат и повышению качества. М.: Альпина Паблшерз. 2005. – С. 178.

<sup>5</sup> Ўша жойда.

<sup>6</sup> Ўша жойда.

Кайзен 5S тизимининг беш асосий қоидаси



Манба: муаллифлар томонидан тузилган.

Чунки ўша ерда асосий жараён амалга оширилади ва тўғри қарор қабул қилиш учун унинг қай даражада мураккаблигини тушуниш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 сентябрдаги 3939-сонли қарорига асосан ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш комиссияси ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ҳудудий гуруҳлар ташкил этилган бўлиб, улар тадбиркорларнинг ечими топилмаётган масалаларини ва муаммоларини жойига чиқиб ўрганишмоқда. Бу ўз навбатида тадбиркорларнинг лойиҳалари бюрократик тўсиқларсиз амалга оширилишига кўмаклашмоқда.

Тижорат банклари фаолиятида Кайзеннинг 5S тизimini қўллаш қулай ва самарали иш муҳитини оптимallasштириш воситаларидан бири сифатида эътироф этилади. Унинг моҳияти қуйидаги беш асосий қоида билан изоҳланади<sup>7</sup>:

1) тартиблаш – иш жойини кераксиз материаллардан ва ёрдамчи банк ҳужжатларидан тозалаш;

2) оқилона жойлашув – банк ходимининг жорий иши учун самарали иш жойини шакллантириш;

3) тозалаш – иш жойи ва жиҳозларини тоза сақлаш (компьютер, ёрдамчи ускуналар);

4) стандартлаштириш – иш жойида ёки маълум бир банк операцияларини амалга оширишда энг мақбул тартибни ўрнатиш (одат шаклланиши). Бунда молиявий, меҳнат ва вақт ресурсларининг оқилона сарфини алоҳида-алоҳида ёки комплекс кўриб чиқиш мумкин;

5) такомиллаштириш – банк ходимлари иш жойини яхшилаш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш.

Ушбу қоидаларга ўрганган ходимлар меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, фаолият стандартларини қайта кўриб чиқиш ва модернизациялаш билан доимий равишда шуғуллана бошлайдилар. Ушбу тизимнинг афзалликлари қуйидагиларда акс этади:

1) ишда ташаббус ва ижодкорликни намоиш этиш;

2) иш жойини самарали ташкил этиш;

3) ходимлар ўртасидаги маънавий ва руҳий муҳитни яхшилаш;

4) операцион рискларни камайтириш;

«Гемба» сўзи «воқеа содир бўлган жой» маъносини англатади. Гемба – вазиятни тўлиқ тушуниш учун иш жараёни амалга ошириладиган жойга ташриф буюриш ва жойида қарор чиқариш демакдир. Гемба раҳбарга ҳар қандай муаммони ҳал этиш учун узоқда эмас, балки жойида ечим топиш кераклигини тушунтиради.

<sup>7</sup> Татаринова Л.Ю. Об эффективности организации гемба-менеджмента в банках // Финансы и кредит. 2012. №35 (515).

Кайзенда узлуксиз такомиллашувда асосий эътибор ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган муаммоларни бартараф этишга қаратилган. Унга кўра, бошқарувчи ёки ходим ўз вақтининг асосий қисмини офисда эмас, балки ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш объекти (гемба)да ўтказиши керак. Чунки ўша ерда асосий жараён амалга оширилади ва тўғри қарор қабул қилиш учун унинг қай даражада мураккаблигини тушуниш мумкин.

5) ҳамкасблар ўртасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш.

Бундан ташқари, ушбу тизим ходимларнинг фавқулодда ҳолатларда янада уюшқоқлик билан фаолият кўрсатишларини таъминлайди.

Бугунги кунда ривожланган хориж мамлакатларининг банк амалиёти шуни кўрсатадики, тижорат банклари фаолиятидаги янгиликлар кунма-кун ўзгариб бораёпти. Банк фаолиятида онлайн хизматларнинг кенг татбиқ этилишига одатий ҳол сифатида қаралмоқда. Албатта, онлайн хизматлар сифатида Интернет-банкнинг, Mobile-банкнинг, SMS-banking, TV-banking, ATM-banking ва бошқа кўплаб хизматларни келтиришимиз мумкин. Ушбу хизматларнинг кўпчилиги маҳаллий банкларимиз фаолиятида ҳам анчадан бери қўлланилаётир<sup>8</sup>.

Бу борада Япония банклари энг илғор саналиб, бугунги кунда улар томонидан 300дан ортиқ турдаги банк хизматлари таклиф этилмоқда. Шунингдек, АҚШ, Англия ва Германия банклари 120дан ортиқ хизматларни тақдим этмоқда. МДХ мамлакатларининг энг муваффақиятли тижорат банклари 80тагача турдаги банк хизматларини кўрсатади. Банк хизматлари орқали олинган даромадлар ресурс базасини шакллантиришнинг асосий манбаларидан бирига айланган<sup>9</sup>.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тижорат банклари бошқарувида Кайзен тизимини қўллашга банкнинг рақобатбардошлигини мижозларга йўналтирилган стратегия асосида ошириш учун ходимларнинг малакасини бошқариш тизимини модер-

низациялаш жараёни сифатида қараш мумкин. Унда мижозларни жалб қилиш бўйича мақсадли тадбирларни ишлаб чиқиш ва такомиллашган банк технологиялари асосида иш олиб бориш тизимини шакллантириш банкнинг узоқ муддатли изчил ривожланиши омили бўлиб хизмат қилади.

## ABSTRACTS

### THE POSSIBILITIES TO APPLY KAIZEN MANAGEMENT SYSTEM IN IMPROVING THE COMPETITIVENESS OF COMMERCIAL BANKS


The article examines the possibilities to apply kaizen in the commercial banks of Uzbekistan. As a result of reforms carried out in the banking system in recent years, the market mechanisms for the provision of services are being introduced and expanding the range of financial services that are widely available to the public. Positive changes were made in the areas of the availability of financial services, improving the service culture and increasing confidence to the banking system.

Тижорат банкларида кайзен тизимини самарали жорий этиш учун банк ходимларини ўз ишини юқори сифатли бажаришга ундовчи рақобат, ижтимоий дастурлар, корпоратив қадриятлар ва ҳамкорлик воситаларидан фойдаланиш мумкин.

<sup>8</sup> Тангишев М.Р. Инновацион банк маҳсулотлари: банклар учун энг долзарб масала // Бизнес-эксперт №6(90)-2015.

<sup>9</sup> Трифонов Д. А. Основные направления диверсификации банковской деятельности в условиях кризиса // Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета. 2009. №3.

# ЧАКАНА БАНК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ



**Шухрат Мирмухамедов,**  
«Трастбанк» хусусий  
акциядорлик банкининг  
«Тошкент» филиали  
бошқарувчиси

**Т**растбанк фаолиятининг изчил ривожиди Президентимиз ва ҳукуматимизнинг банк тизимида бўлган алоҳида эътибори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бу борада юритилаётган оқилона сиёсат, банклар фаолияти истиқболи учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда, энг асосийси, соҳадаги мавжуд мустаҳкам қонунчилик базасининг шакллантирилгани муҳим омил бўлаётганини қайд этиш жоиз. Булар самарасида ўтган вақт мобайнида банк ўз мижозлари учун ишончли шерик сифатида ёрқин шаклланган кенг қамровли молия институтига айланди.

Банк ва мижоз ўртасида ўзаро муносабатлар банк маҳсулотлари сотиб олиш/сотиш жараёнида пайдо бўлади. Улар орасида бугунги кунда энг омалашгани – кредит бериш, депозит ҳисобварақлари очиш,

*«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки молия-банк хизматлари бозорида 25 йиллик фаолият йўлини босиб ўтди. Ушбу вақт мобайнида банк ривожланишнинг шонли тарихига ва ўз анъаналарига эга бўлди.*

*Банк учун бу йиллар шаклланиш, изчил ривожланиш ва сермахсул ўзгаришларни амалга ошириш даври бўлди. Чунки унинг равнақи мамлакатимиз мустақиллигининг самаралари билан узвий боғланиб, уларда ўзининг ёрқин аксини топмоқда. Бунга банк мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда фаол иштирок этган ҳолда кўпгина истиқболли лойиҳалар ташаббускори сифатида ўзини намён қилгани ёрқин мисолдир.*

қимматли қоғозларни сотиш ёки сотиб олиш, валюта муносабатлари, тўловларни амалга ошириш, қимматликларни сақлаш ва бошқалардир.

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг Тошкент филиалида чакана банк хизматлари турли-туман бўлиб, уларга валюта операциялари, муддатли, муддатсиз ва жамғарма омонатлари, депозит сертификатлари, депозитарийлар, ис-

теъмол кредитлари, брокерлик, консултатив ва бошқа бир қанча хизматларни мисол келтириш мумкин. Ушбу хизматларнинг барчаси бугунги кунда банк тизими ривожланган Америка Қўшма Штатлари, Европа мамлакатлари, Япония ва ривожланган бошқа давлатларда мижозларга кенг кўламда таклиф этилади. Ўзбекистон банк тизими амалиётида эса ушбу тармоқ янги, ёш йўналиш бў-

Мижозларга кечаю-кундуз хизмат кўрсатувчи 24/7 банкоматлар филиалнинг ўзида ва мижозлар кўп ташриф буюрувчи савдо шохобчаларида ўрнатилган бўлиб, ушбу банкоматлар орқали мижоз барча турдаги коммунал, солиқ ва бошқа тўловларини амалга ошириши, нақд пул ечиши ва, қолаверса, валютани сўмга айирбошлаши учун имконият яратилган.

либ, ўтган асрнинг 90-йиллари-дан бошлаб шакллантирилди ҳамда бугунги кунда мижозлар эҳтиёжи тўлалигича қамраб олингани йўқ.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, республикамизда чакана банк хизматларини ривожлантиришга қаратилган маркетинг стратегиясини шакллантириш, бунда мижозларнинг чакана банк хизматларига бўлган талабларини тўлиқ ҳисобга олиш, чакана хизматлар бозорини банк рақобат устунлигидан келиб чиқиб, мувофиқ сегментлаш муаммоларини илмий жиҳатдан ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунга келиб муомаладаги пластик карталар сони ошиб бориши бунга яққол мисолдир.

Чакана хизматларда банкларнинг асосий рақобатчилари мобиль илова тўлов тизимлари бўлиб, дунё банкларининг 80 фоизи бу таҳдид жуда жиддий эканлигини ва бунда банклар олдида фақат икки йўл борлигини, биринчиси, Fintech ва технология компаниялари стартаплари билан ҳамкорлик қилиш бўлса, иккинчиси, Fintech ва технология компаниялари товар ва хизматларини банклар томонидан ишлаб чиқиш эканлигини таъкидлашмоқда.

Чакана хизматларни ривожлантириш йўлида банклар

инновацияга қаратилган инвестициялар миқдорини мунтазам ошириб бормоқда. Банклар инновация ва инвестиция орқали мижозларга хизмат кўрсатиш, хизмат каналлари ва жараёнларини ривожлантириши лозим. Смартфонлардаги иловалар орқали кўрсатилаётган мобиль банкинг, банк чакана хизматлари, call-марказлар фаолияти ва филиалларда кўрсатиладиган хизматлар орқали мижозлар талабини қондириш мумкин. Бунда асосий сабаблардан бири инсон омили бўлса, иккинчиси масофа ва вақт тафовути йўқлигидир.

Маълумки, масофадан онлайн ва мобиль банкинг хизматларидан фойдаланувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Улар жисмоний шахс бўладими ёки юридик шахсми, албатта масофадан банк хизматларини кўрсатиш тизимларидан фойдаланадилар.

Трастбанкнинг Тошкент филиалида ҳам масофадан хизмат кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Мижозларга кечаю-кундуз хизмат кўрсатувчи 24/7 банкоматлар филиалнинг ўзида ва мижозлар кўп ташриф буюрувчи савдо шохобчаларида ўрнатилган бўлиб, ушбу банкоматлар орқали мижоз барча турдаги коммунал, солиқ ва бошқа

тўловларини амалга ошириши, нақд пул ечиши ва, қолаверса, валютани сўмга айирбошлаши учун имконият яратилган.

Чакана хизматларни янада ривожлантириш мақсадида Трастбанк Тошкент филиалининг мини-банклари томонидан VISA карталарнинг қуйидаги турларидан фойдаланиш тавсия қилинмоқда:

- ◆ VISA CLASSIC
- ◆ VISA BUSINESS
- ◆ VISA GOLD

Банк VISA картасининг «Visa Classic», «Visa Gold» ва «Visa Business Electron Card» каби турларини эмиссия қилади ва мижозга берилган картанинг хизмат қилиш муддати 3 йил ҳисобланади. Бу жараёнда, албатта, VISA картасидан фойдаланишнинг аниқ муддати мижоз билан VISA картасини эмиссия қилган филиал ўртасида тузилган шартнома ва/ёки «VISA International» халқаро тўлов тизими қоидаларига асосан белгиланади.

VISA картасидан фойдаланишга оид муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, «VISA International» халқаро тўлов тизими қоидалари ва мижоз билан филиал ўртасида тузилган шартномага асосан тартибга солинади.

Филиалнинг масъул таркибий тузилмаси томонидан VISA картасини очиш учун мурожаат қилган мижозга ушбу картанинг турлари, имкониятлари ва ундан фойдаланиш тартиби ҳақида батафсил маълумот берилади.

Филиалнинг масъул таркибий тузилмаси томонидан мижознинг VISA картасини очиш ҳақидаги аризаси қабул қи-

Чакана хизматлар бозорида филиал фаолиятида мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш имкониятлари билан боғлиқ хулосалар чиқариш учун етакчи ва энг кўп талаб қилинадиган хизматлар комплексини кўриб чиқиш зарур. Аввало, бундай хизматларга депозит хизматлари киради.

лингандан сўнг, Бош банкнинг масъул таркибий тузилмасига бу ҳақда хабар берилади. Бош банкнинг масъул таркибий тузилмаси ходими VISA картаси эмиссиясини амалга ошириш мақсадида PRIME дастурига қуйидаги мажбурий реквизитларни киритади ва бу ҳақда банк ҳамкорга белгиланган тартибда хабар беради:

а) VISA картаси эгаси – жисмоний шахснинг исми ва фамилияси;

б) корпоратив VISA картаси эгаси – юридик шахс (якка тартибдаги тадбиркор)нинг расмий номи;

в) Банкнинг логотипи ва тўлиқ номи;

г) VISA картасининг амал қилиш муддати.

Шунингдек, VISA картасига мажбурий реквизитлар инглиз тилида киритилади ҳамда VISA картаси махсус ҳисобварағидаги қолдиққа фоизли даромад ҳисобланмайди.

Албатта, йирик корпоратив мижозлар аллақачон банк хизматлари билан қамраб олинган ва корпоратив хизматлар соҳасида рақобат кучайган. Ўз навбатида, бу чакана бозор шакллантирилиб, катта ўсиш потенциалига эгаллигини билдиради. (Статистик маълумотларга кўра, аҳолининг 50–60 фоизи амалда банк хизматларидан фойдаланмайди).

Аҳоли даромадлари ўсгани сари жамғармалар ҳам ўсиб боради, бу эса банклар учун мажбуриятлар шаклланишининг муҳим манбаи бўлиб, улар аҳолини кредитлаш учун қўшимча маблағ сифатида хизмат қилиши мумкин. Истеъмол кредитларини тақдим этиш орқали нафақат банк фаолиятини

Банкнинг ҳар бир филиалида, шу жумладан, Тошкент филиалида 2018 йилнинг 1 декабридан бошлаб аҳолининг ижтимоий заиф қатлами, яъни эшитиш қобилияти паст ва сўзлашув имкониятидан маҳрум бўлган инсонлар учун «Сурдо-онлайн» хизмат кўрсатувчи Call-марказ билан ҳамкорликда мижозларга имо-ишора тилида банк хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилди.

кенгайтириш, балки аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга эришилади.

Чакана хизматлар бозорида филиал фаолиятида мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш имкониятлари билан боғлиқ хулосалар чиқариш учун етакчи ва энг кўп талаб қилинадиган хизматлар комплексини кўриб чиқиш зарур. Аввало, бундай хизматларга депозит хизматлари киради.

Аҳолига тақдим этиладиган депозит хизматлари бозори чакана банк бозорининг сегментидир. Бугунги кунда депозит операциялари тижорат банклари манбаларининг 10дан 80 фоизгача қисмини ташкил этмоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Трастбанкнинг Тошкент филиали томонидан аҳоли учун қулайлик яратиш мақсадида жозибадор омонат турлари таклиф этилмоқда. Бугунги кунга келиб Тошкент филиали аҳоли омонатлари қолдиғи 2019 йилнинг 1 март ҳолатига жами 27 млрд. 900 млн. сўмни ташкил қилгани ҳолда узоқ муддатли омонатлар 16 млрд. 250 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Бугунги кунда банкларда чакана банк хизматлари учун аниқ бошқарув тизимини яратиш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида, тақдим

этилаётган чакана банк хизматлари турларини қатъий таснифлаш зарур. Бу эса банкнинг молиявий ресурсларини оптимал тақсимлаш учун истеъмол бозорининг чакана банк хизматларидаги реал эҳтиёжлари асосий йўналишларини тузишга имкон беради.

Банк хизматлари оммабоплигини ошириш, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишончни янада мустаҳкамлаш, нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда инновацион маҳсулотларни, шу жумладан, бевосита мулоқотсиз ва мобиль технологияларни ривожлантириш ҳамда илгари суриш мақсадида «Трастбанк» ХАБ томонидан «TrustPay» мобиль дастурининг янгиланган версияси жорий қилинди. Мазкур мобиль илова мижознинг уяли алоқа телефонига юкланиб, мижоз банкка ташриф буюрмасдан туриб барча банк хизматларидан фойдаланиши, жумладан, бюджет, коммунал, уяли алоқа, солиқ ва бошқа турдаги тўловларини амалга ошириши, ҳисобрақамидаги пул маблағлари ҳақидаги маълумотларни билиши, бошқа мижознинг пластик картасига пул ўтказмаларини амалга ошириши, ортиқча пул маблағларини банкнинг муддатли омонат-

Тижорат банклари молиявий воситачилар сифатида иш юритиб, улар компаниялардаги пул капиталини тармоқлараро ва ҳудудлараро қайта тақсимлаш механизмини таъминлайди.

ларига жойлаштириши ҳамда валюта маблағларини конверсия қилиш каби амалиётларни амалга ошириши йўлга қўйилди.

Юртимизда эшитиш ва сўзлашиш қобиляти заиф инсонларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва маънавий жиҳатдан қўллаш борасида банк тизимида устувор вазифалар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 11 июндаги «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки сўзлашиш ва эшитиш қобиляти заиф инсонлар ҳаётида қулай ижтимоий шарт-шароитлар яратиш борасида ижобий натижаларга эришмоқда.

Жумладан, «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки томонидан ушбу қарор асосида кенг қўламли чора-тадбирлар олиб борилди. Унга кўра, банкнинг ҳар бир филиалида, шу жумладан, Тошкент филиалида 2018 йилнинг 1 декабридан бошлаб аҳолининг ижтимоий заиф қатлами, яъни эшитиш қобиляти паст ва сўзлашув имкониятидан маҳрум бўлган инсонлар учун «Сурдонлайн» хизмат кўрсатувчи Call-марказ билан ҳамкорликда мижозларга имо-ишора ти-

лида банк хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилди.

Банк хизматларини ривожлантиришда жаҳон тажрибасига кўра, маҳаллий ва хорижий олимлар халқаро ва Россия банклари амалиётида қўлланиладиган асосий тушунчаларни аниқлашга катта эътибор беришади. Банк терминологиясида икки ўхшаш тушунча жуда кенг тарқалган: банк ва банк маҳсулоти (яъни хизматлари). Ушбу тушунчаларни ажратиш олиш керак. Тижорат банклари молиявий воситачилар сифатида иш юритиб, улар компаниялардаги пул капиталини тармоқлараро ва ҳудудлараро қайта тақсимлаш механизмини таъминлайди. Шу билан бирга, улар асосий банк операцияларидан ташқари, кўрсатиладиган банк хизматларида муайян мижознинг эҳтиёжларини қондирадиган ва банк операцияларини мижознинг номидан амалга оширадиган банк хизматларини аниқ белгилаш билан мос келадиган муайян йиғим учун амалга оширилишини таъминлайдиган бир ёки бир неча банк операцияларини ҳам амалга оширади.

Ўз навбатида, банк ўз операцияларини фаол ва пасив тарзда тақсимлайди ва улар банкларнинг лизинг, факторинг ҳамда ишончли операциялари каби молиявий хизматлари орасида ҳисобга олинади. Бу банкларнинг кон-

салтинг хизматлари баланسدан ташқари операцияларга нисбатан қўлланилишини англатади, чунки уларни таъминлаш активлар ва мажбуриятларнинг ошишига олиб келмайди ва тўлов комиссияси ҳисобланади. Умуман олганда, банк операциялари ва банк хизматлари концепциялари ўртасидаги фарқланиш муаммоси бўйича маҳаллий олимларнинг фикрига эътибор қаратсак, банк хизматларини банк операциялари тури сифатида кўриб чиқишга асосий эътибор берилади.

Сирасини айтганда, «Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг энг устувор вазифаси илғор технологияларни жорий қилган ҳолда мижозлар учун сифатли банк хизматлари кўрсатишдан иборатдир.

## ABSTRACTS

### DEVELOPMENT OF THE BANKING SERVICES MARKET

The article is devoted to the activity of Trustbank and its contribution to the development of banking services. The private joint stock Trustbank has been working in the financial and banking services market for more than 25 years. During this time, the Trustbank has been gradually developing and creating its own tradition. Now, the Trustbank actively participates in the country's socio-economic reforms and is the initiator of many promising projects.

# ХАЛҚ БАНКИДА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

*Яқинда Ўзбекистон миллий матбуот марказида Халқ банки томонидан юртимизнинг етакчи оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси таҳлили ва бу борада белгиланган чора-тадбирлар» мавзuida матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Халқ банки раҳбарияти ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.*

Тадбирда банк мутахассислари томонидан тизимда амалга оширилаётган янгиликлар ҳамда жорий этилаётган замонавий банк хизмат турлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

– Бугунги кунда юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида Халқ банкининг 197та филиали, 30та мини-банки, 687та жамғарма ва махсус касаси, 206та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси, 100га яқин валюта айрибошлаш шохобчалари, умуман олганда, банкнинг 3200дан ортиқ муассасалари мижозлар учун хизмат кўрсатиб келмоқда, – деди **АТ Халқ банки департамент директори Самибой Бўстонов**.

Маълумотларга кўра, Қарор ижроси доирасида ўтган йилнинг июль ойидан бошлаб Халқ банкининг барча филиалларида мижозлар дастлабки рухсатларсиз ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз банк биносига кириш ва банк хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, мижозлар эҳтиёжини доимий мониторинг қилиб бориш мақ-

садида «Кюматик» русумидаги навбат кутиш тизими жорий этилмоқда.

Қолаверса, ўтган йили 197та филиалдан 185тасида «Банк хизматлари маркази» фаолияти ташкил этилиб, унга асосан хизмат кўрсатиш тизими «Фронт-офис» ва «Бэк-офис»га ажратилган ҳолда ташкил этилди. Бугунги кунда қолган 11та филиалда ҳам капитал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда, таъмирлаш ишлари яқунлангач, уларда ҳам «Банк хизматлари маркази» фаолият бошлайди.

Шунингдек, банк томонидан аҳолига кенг қулайликлар яратиш мақсадида, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда, синов тариқасида Тошкент шаҳри Амалиёт бўлими ва Шайхонтоҳур филиалларида «24/7 Электрон

офис»лар ташкил этилди. Яна қўшимча равишда жорий йил давомида 20та «24/7 Электрон офис»ни ишга тушириш режалаштирилган.

Халқ банки мижозлар учун ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда турли интерактив хизмат турларини жорий этиш йўналишида ҳам фаол иш олиб бормоқда. Шундай хизмат турларидан бири «Интернет банкинг»дир. Ушбу хизмат тури орқали мижозлар (юридик шахслар) ўз ҳисобрақамларини дунёнинг исталган нуқтасидан бошқаришлари мумкин. Худди шундай яна бир хизмат тури – мижозлар (юридик шахслар)га ўз ҳисоб рақамларини мобиль алоқа воситаларига ўрнатилган махсус дастурий таъминот орқали бошқариш имконини берувчи «Корпоратив Мобиль банкинг» хизмат тури. Бунга қўшимча

2019 йил июль ойидан бошлаб Халқ банкининг барча филиалларида мижозлар дастлабки рухсатларсиз ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз банк биносига кириш ва банк хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

равишда Халқ банкининг «Халқ mobile» мобил иловаси ҳам жорий қилинган. Мазкур илова орқали мижозлар учун Халқ банки филиалларида халқаро «Виза» тўлов картасини очган ҳолда «онлайн» режимида исталган вақтда валюта конверсиясини амалга ошириш имконияти яратилган. Шу билан бирга, жисмоний шахслар учун хорижий валютани нақд шаклда ечиб олиш механизми ҳам жорий этилган.

Қайд этиш жоизки, банк томонидан аҳоли ва юртимиз меҳмонларига қулай шароитлар ва янги хизмат турларини жорий этиш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинмоқда. Жумладан, банкнинг барча филиаллари «24/7» валюта терминаллари билан таъминланиб, сайёҳлар кўпроқ борадиган жойларда «24/7» ёки куну тун режимида ишлайдиган ўнлаб автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчалари ташкил этилди. Қўшимча равишда яна 5та автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчалари қисқа муддатда аҳоли гавжум жойларга ўрнатилиши режалаштирилган. Шу кунларда мазкур қурилмалар банкнинг Андижон, Наманган, Фарғона ва Сурхондарё вилоятлари Амалиёт бўлимлари ҳамда Қашқадарё вилояти

Халқаро «Visa» тўлов карталарини очиш 2019 йилнинг 1 апрелига қадар бепул этиб белгиланди ҳамда Халқ банки томонидан эмиссия қилинган халқаро тўлов карталаридаги маблағларни ечиш 2019 йилнинг 1 апрелига қадар мутлақо бепул бўлди.

Шаҳрисабз филиалига ўрнатишмоқда.

Бундан ташқари, банк томонидан аҳоли учун яратилган қулайликларни янада кенгайтириш мақсадида банк тарифларига тегишли ўзгартиришлар киритилди. Жумладан: халқаро «Visa» тўлов карталарини очиш 2019 йилнинг 1 апрелига қадар бепул этиб белгиланди ҳамда Халқ банки томонидан эмиссия қилинган халқаро тўлов карталаридаги маблағларни ечиш 2019 йилнинг 1 апрелига қадар мутлақо бепул бўлди. Ҳатто Интернет-тўлов ва SMS-хабарларга уланиш ҳам бепул. Халқаро тўлов картасининг депозит суммаси эса 25 АҚШ долларидан 15 АҚШ долларига туширилди.

Яна бир муҳим масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Марказий банк томонидан берилган кўрсатмага асосан Халқ банки валюта айирбошлаш шохобчаларида бир хорижий давлатнинг нақд валютасини бошқа хорижий

давлатнинг нақд валютасига алмаштириш (конверсия) операцияси йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари ўртасида Халқ банкининг филиаллари орқали «Миллий валютадаги пул ўтказмаси» тизимини амалиётга жорий этиш юзасидан зарурий ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу тизимли хизмат тури банк мижозлари учун жорий йилнинг апрель ойидан ишга туширилади.

## ABSTRACTS

### THE MODERN BANKING SERVICES ARE INCREASING THE HALK BANK

The article is devoted to the activity of Halk bank. Recently, in the National Press Center of Uzbekistan, the Halk bank held a press conference with the participation of leading media of Uzbekistan with the agenda Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dd. March 23, 2018 "On additional measures to improve the availability of banking services". The representatives of Halk bank and mass media attended the event.

Банк томонидан аҳолига кенг қулайликлар яратиш мақсадида, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда, синов тариқасида Тошкент шаҳри Амалиёт бўлими ва Шайхонтоҳур филиалларида «24/7 Электрон офис»лар ташкил этилди.

*Бобур Муҳаммадиев тайёрлади.*

# ИЧКИ АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

**Азамат Жабборов,**

*Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти*

*«Бюджет ҳисоби, аудит ва молиявий назорат тизимини такомиллаштириш лойиҳаси» бош мутахассиси*

**Шахноза Хонбобоева,**

*Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти*

*«Бюджет ҳисоби, аудит ва молиявий назорат тизимини такомиллаштириш лойиҳаси» етакчи мутахассиси*

**Олимжон Ғайбуллаев,**

*Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти*

*«Бюджет ҳисоби, аудит ва молиявий назорат тизимини такомиллаштириш лойиҳаси» 1-тоифали мутахассиси*

**Ички аудитнинг ривожланиши кўп жиҳатдан қўйилган вазифаларга аввало сифат жиҳатдан эришишни, йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларни аниқлаш ва ўз вақтида, яъни фаолиятнинг моҳиятига ҳамда натижаларига салбий таъсир кўрсатмасдан бартараф этишни таъминлаши мумкин.**

**Ш**унинг учун ҳам кўпгина ривожланган, асосан бозор иқтисодиёти амал қиладиган мамлакатларда ички аудитнинг ривожланиши иқтисодиёт ривожланишининг омилларидан бири сифатида кўрилади. Давлат ташкилотлари даражасида эса сиёсат ва маблағлар ўртасида мақсадлар ва манбаларни мувофиқлаштириш, манфаатлар мувозанатини таъминлаш ҳамда ўзаро тийгиб туриш функцияларини ҳам бажариб келмоқда. Аудит – фаолият доирасида белгиланган қоидаларга қандай амал қилишни эмас, балки ушбу қоидалар нималардан иборат

бўлиши кераклиги ва қандай натижаларга олиб келиши лозимлигини белгилаб бериши билан ҳам жуда муҳим.

Аудитни, хусусан, унинг таркибий қисми бўлган ички аудит фаолиятини янада чуқурроқ тунтириш учун унинг тарихига назар солиш фойдадан холи бўлмайди. Ички аудитнинг ривожланиш тенденциялари билан 1-жадвал маълумотлари орқали танишиш мумкин.

Ички аудит тенденциялари ўзгариши жараёни улар фаолиятининг мазмунига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Ҳозирги кунга келиб ички аудит масалалари билан шуғулланувчи бир нечта халқаро ташкилот

ва институтлар мавжуд бўлиб, улар ичида халқаро ички аудиторлар институти (The Institute of internal auditors) етакчилик қилади. Ушбу институт 1941 йилда ташкил этилган бўлиб, у ҳозирги кунда қуйидаги вазифаларни бажармоқда<sup>1</sup>:

1. Ташкилотларнинг ички аудит мутахассисларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш.

2. Профессional таълим ва ривожланиш, стандартлар ва бошқа professional амалиёт қўлланмаси ҳамда сертификатлаш дастурларини таъминлаш бўйича ҳар томонлама имконият тақдим этиш.

3. Ички аудитнинг бошқарилиши ва татбиқ этилиши, унинг назоратдаги, риск бошқаруви ва амалиётдаги ҳамда манфаатдор томонлардаги ролини ўрганиш.

4. Амалиётчи ва бошқа аудиторларни ички аудитнинг замонавий усуллари бўйича ўқитиш.

5. Барча мамлакатларнинг ички аудиторларини маълумот ва тажриба алмашиш учун бирлаштириш.

Ички аудитга турли даврларда турлича таърифлар берилган ва бу, юқорида келтирилганидек, аудит бажарган вазифалардан келиб чиққан, дейиш мумкин. Ҳозирги кунда ҳам ички аудитга турлича таърифлар мавжуд бўлиб, уларнинг энг кўп учрайдиган таърифлари қуйидагичадир:

<sup>1</sup> <https://global.theiia.org/about/about-the-iia/Pages/About-The-Institute-of-Internal-Auditors.aspx>.

Ички аудит – ташкилот фаолиятини яхшилаш ва унинг қийматини оширишга мўлжалланган мустақил, объектив аудиторлик ва консултатив фаолиятдир.

**Ички аудит**<sup>2</sup> – ташкилот фаолиятини яхшилаш ва унинг қийматини оширишга мўлжалланган мустақил, объектив аудиторлик ва консултатив фаолиятдир. У ташкилотларга ўз фаолиятини баҳолашга тизимли ва интизомий ёндашувни жорий этиш орқали ўз мақсадларига эришишга, рискларни бошқариш жараёни, назорат ва корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, МДХга аъзо мамлакатлар парламентлараро ассамблеяси томонидан 2015 йил 16 апрелда тасдиқланган «Давлат сектори ташкилотларида ички аудит тўғрисида»ги намунавий қонунда ички аудитга қуйидагича таъриф берилган<sup>3</sup>:

Ички аудит – текшириш, баҳолаш ва маслаҳат бериш орқали давлат сектори ташкилотларининг қонунларга амал қилиши, фаолиятида самара ва натижаларга эришишини таъминлашга қаратилган мустақил ва объектив фаолиятдир.

Яна бир таъриф эса Жаҳон банкининг мамлакатларда «Давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик (Public Expenditure and Financial

Accountability (PEFA))»ни баҳолаш бўйича дастури баҳолаш тартибларида келтирилган бўлиб, унга кўра «Ички аудит<sup>4</sup> фаолияти ички назоратнинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган бўлиши зарур». Ички аудит фаолияти функцияси сифатни таъминлаш жараёнини ўз ичига олиши ҳамда профессионал стандартларга асосланган бўлиши керак. Ушбу дастур бўйича 2012 йилда мамлакатимизда ўтказилган баҳолаш маълумотларига кўра ички аудит ҳолати «D+» даражасида<sup>5</sup> баҳоланган. Бу эса ўлчанаётган хусусият самарадорликнинг асосий даражасидан пастроқда эканлигини ёки ушбу ўлчовни баҳолаш (баллаш) учун маълумот етарли даражада эмаслигини билдиради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ички аудит бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Хусусан, ҳозирги замонавий иқтисодиётда давлат секторида ички аудитнинг мақсади, вазифаси ва принципларини аниқлаш катта аҳамият касб этади.

Мавзуга доир маълумотларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда ички

аудитнинг асосий мақсади – ташкилотлар эришиши лозим бўлган натижаларга (мақсадларга) элтувчи йўللарни ишлаб чиқишда қатнашиш ва бу жараёнда юзага келиши мумкин бўлган рискларни олдиндан аниқлаш орқали уларни ўз вақтида бартараф этишга қаратилган маслаҳатлар беришдир. Яъни ички аудит – ташкилотда ресурсларнинг тўғри сарфланиши ёки улардан қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланилишини эмас, балки, аввало, ташкилотнинг ўз олдига қўйган (ёки унинг олдига қўйилган) мақсадларига эришиши учун хизмат қилиши лозим.

Бутун жаҳон ички аудиторлар институти стандартларига асосан ички аудитнинг асосий вазифаси – рискларга асосланган объектив ишончни тақдим этиш ҳамда маслаҳат ва тушунча бериш орқали ташкилот қийматини ошириш ҳамда ҳимоя қилишдир. Шунингдек, ушбу вазифани бажариш учун қуйидаги принциплардан фойдаланилиши белгиланган<sup>6</sup>:

1. Бир бутунликни намён қилиш;
2. Компетентлик ва ишга профессионал ёндашувни намён қилиш;
3. Мустақиллик, яъни таъсирлардан озодлик ва объективлик;
4. Ташкилотнинг стратегияси, мақсадлар ва рискларга мос келиши;

<sup>2</sup> <https://global.theiia.org/standards-guidance/mandatory-guidance/Pages/Definition-of-Internal-Auditing.aspx>.

<sup>3</sup> МДХга аъзо мамлакатлар парламентлараро ассамблеяси томонидан 2015 йил 16 апрелда тасдиқланган «Давлат сектори ташкилотларида ички аудит тўғрисида»ги намунавий қонуннинг 2-моддаси.

<sup>4</sup> [http://pefa.org/sites/default/files/PEFA%20Framework\\_English.pdf](http://pefa.org/sites/default/files/PEFA%20Framework_English.pdf). – 78-бем.

<sup>5</sup> <http://pefa.org/assessment/uz-dec12-pfmp-final-en>. Бу ташкилот томонидан баҳолаш 4 босқичда амалга оширилади ва самарадорликка қараб А, В, С ёки D даражаси белгиланади.

<sup>6</sup> <https://global.theiia.org/standards-guidance/mandatory-guidance/Pages/Core-Principles-for-the-Professional-Practice-of-Internal-Auditing.aspx>


1-жадвал

## Ички аудитнинг замонавий ривожланиш тенденциялари

№	Ички аудитнинг қисқача тарихи	Ички аудит томонидан амалга оширилган ишлар мазмуни	Йиллар
1	Бухгалтерия ҳисоботларини текшириш (Check accounts records)	Бухгалтерия ёзувларини (ҳисоботларини) текшириш. Аудитор жамоасига ёзувларнинг (ҳисоботларнинг) тўғри ёки нотўғрилигини текшириш вазифаси юклатилган. Бу ҳолатда аудиторлар фаолиятига улар томонидан аниқланган хато ўтказмалар сонига қараб баҳо берилган.	1950–1960
2	Мувофиқликни баҳолаш (Evaluation of conformity)	Ички аудит жамоаси молия ва бухгалтерия бўлимлари фаолиятида белгиланган тартиб-қоидаларга (процедураларга) амал қилинишини назорат рўйхатлари асосида эълон қилмасдан текширишни амалга оширдилар. Бу уларга хатоларни ўша жараённинг ўзида аниқлаш имконини берди.	1960–1970
3	Тартиб-қоидаларни текшириш (Examination of procedures)	Ички аудитда 1960 йилдан кейин тўғри тартиб-қоидаларга эътибор қаратила бошланган. Ички аудитнинг роли муаммоларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш бўйича зарур тавсияларни ишлаб чиқиш, ёзувларни текшириш ва муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳужжатларни текширишдан иборат бўлган. Бундан ташқари, аудиторлар аниқ бўлмаган ёки тартиб-қоидаларни нотўғри талқин қилиш натижасида келиб чиққан хатолар ва муаммоларни аниқлаш бўйича ишлаб бошлаганлар ва уларни яхшилаш учун ечимлар таклиф қилганлар. Шунинг учун ички аудиторлар фикрлари бошқарув учун фойдали бўла бошлади ва ички аудитнинг ролини талқин қилишда янги уфқларни очди.	1970–1980
4	Назоратни баҳолаш (Evaluation of controls)	Бунда назоратнинг бир неча турлари ривожланиши билан ички аудитга назорат турлари ва уни бошқариш бўйича маслаҳат бериш функцияларини бажариш вазифаси кўйилди. Бундай ҳолларда ташкилотнинг фаолияти тартиб-қоидаларга мувофиқлик натижаси сифатида қабул қилинмайди, аммо ходимлар вазифаларни бажариш учун фойдаланиш ҳуқуқига эга барча назорат инструментларининг ўзаро таъсири ўрганилади. Шунинг учун ҳам ички аудиторлар мунтазам ташкилот фаолияти чегарасидан ташқарида ва ташкилотда қўлланилиши мумкин бўлган назоратнинг турли хил усулларига нисбатан бошқарув бўйича маслаҳатчи вазифасини бажарди.	1980–1990
5	Ички назорат тизими бўйича ҳисобот (Report on the internal control system)	Ички аудит ривожланишининг янги босқич ва янги даври корхона ички назорат тизимига мустақил баҳо бериш жараёни бошланиши билан кечди. Бу 1980–1990 йилларга тўғри келиб, ички аудит учун восита ва услубларнинг кўпчилиги биринчи марта фойдаланилди.	1990–2000
6	Рискни бошқариш тизимини баҳолаш (Evaluation of the risk management system)	1990 йилларда кўпгина корхоналарда бошқарув жараёнидаги муаммолар юзага келиши билан рискларни аниқлаш ва баҳолашга зарурият сезилди. Бу эса корхоналарни кўпгина ноҳуш ҳолларда асровчи восита сифатида кўрилди ва рискни бошқариш учун ички аудиторлар масъул этиб белгилана бошлади. Бу ҳолат айниқса давлат улушига эга, корпоратив бошқарув мавжуд корхоналарда ички аудитнинг асосий вазифасига айланди. Бундай ривожланиш натижасида кўпгина ташкилотлар ички аудитга кўпроқ эътибор қаратадилар ва рискларни бошқариш тизимини амалга оширадидилар. Бу вазиятларда ички аудиторлар бошқарув жамоаси томонидан риск бошқаруви жараёнларини амалга оширишни баҳолаши ва текшириши керак бўлган. Улар, шунингдек, жараёнларнинг етарли ва самарали бўлишини текширишлари керак эди, ва ниҳоят, уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва ҳисоботлар тузардилар.	2000
7	Рискни бошқариш тизимини такомиллаштириш (Improvement of the risk management system)	Бу даврда аудиторлар фаолияти стандартлар орқали бирхиллаштирилди ва фаолият моҳиятининг янги ўзгаришлари юзага келди. Бу ўзгаришлар риск бошқаруви концепциясининг кенг ривожланишига асосланди. Рискни бошқаришнинг янги ва кенгайтирилган концепцияси кўпчиликда хавотир уйғотди ва кутилаётган, аниқланган рискларни баҳолаш ва бартараф этиш бўйича маслаҳатлар бериш фаолияти ички аудит вазифаларига кўшилди.	2001
8	Бажарилган ишлар бўйича ҳисобот (Reporting the activity performed)	Гарчи ички аудит ишлари мақсадларга эришишда ташкилот бошқарувини қўллаб-қувватлаш ва уни стандартлар асосида амалга оширишни кўзласа-да, амалда ташкилот бошқарувининг юқори даражасига ички аудит ишининг натижалари бўйича ҳисоботлар тайёрлаш амалиёти пайдо бўлди. Биринчи босқичда ушбу ҳисобот ички аудит фаолияти йиллик ҳисоботи шаклида тақдим этилди ва унга асосан бошқарув ўз «кун тартиби»ни ўзгартириши амалга ошди.	2002
9	Қиймат қўшиш (Adding a value plus)	Бу атама Ҳалқаро ички аудиторлар институти (I.I.A.) томонидан қуйидагича таърифланади: «Ташкилотларнинг роли қўшимча қийматни ошириш ёки уларнинг эгаларига, мижозларига ва бошқа томонларга қулайликлар яратишдир. Хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш қиймати хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш натижалари, шунингдек, ушбу ишлаб чиқаришлар ва хизматларни рағбатлантириш мақсадида фойдаланилган ресурслар ҳисобланади. Ички аудиторлар операциялар ва уларнинг ташкилотлар учун жуда фойдали бўлиши эҳтимоли бор такомиллаштириш имкониятлари ҳақида батафсил билимга эга бўладилар». Шу тариқа жуда керакли бўлган маълумотлар консалтинг, маслаҳатлар ва бошқа шаклларда бошқарувга етказилиши лозим.	2003
10	Ички аудитни умумлаштириш (Consolidation of the internal audit)	Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда ички аудит алоқалар, жараён ва бошқарув тизими ҳақида фикр билдирадиган сифатли тизимдир. Ички аудит бошқарув жараёнларини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, бошқарув назоратини кучайтиришга асосланган бошқарув жараёнларини давом эттириш учун турли ижро даражасига олиб келадиган масъулиятли ва услубий ҳаракатларнинг асосий мақсадини ўз ичига олади.	2004–2005
11	Молиявий рискларни бошқариш имкониятлари (Capacity of managing financial risk)	2013 йилда ички аудит бўйича рискларни бошқариш масалаларини яхлит бошқариш асосида янги стратегик ёндашув белгиланди. Бу баёнотлар асосий миллий ва кўп миллилати ташкилотлар таркибидаги ички аудит бўлиминининг ҳозирги вазиятларига асосланади, улар молиявий риск назорати қобилиятини сезиларли даражада оширган бўлсалар-да, бозор тенденциялари ва акциядорлар, риск бошқаруви етуқлигининг жорий даражаси билан фаолиятни уйғунлаштириш бўйича келиб чиқаётган янги қийинчиликларга дуч келмоқдалар.	2010дан ҳозирга қадар

**Манба:** Victor Munteanu, Dragos Laurentiu Zaharia . 5th World Conference on Educational Sciences 2013, Current Trends in Internal Audit. ScienceDirect, Procedia – Social and Behavioral Sciences 116 ( 2014 ) 2239 – 2242.

**Давлат секторида аудитнинг асосий тамойиллари**



*Манба: Чизма муаллиф томонидан ISSAI\_100га асосан ишлаб чиқилган.*

5. Ресурсларни тўғри жойлаштириш ва адолатли таъминлаш;

6. Сифат ва доимий ўсишни намоён қилиш;

7. Самарали мулоқот қилиш;

8. Рисклар бўйича ишончли кафолатни таъминлаш;

9. Ташаббускорлик, фаоллик ва келажакка йўналганлик;

10. Ташкилот фаолияти ривожланишини таъминлай олиш.

Бундан ташқари, давлат секторида аудитни ташкил этиш бўйича ҳалқаро ташкилотлардан бири бўлган ҳалқаро олий аудит институтлари ташкилоти (The International Organisation of Supreme Audit Institutions (INTOSAI)) томонидан ишлаб чиқилган «Давлат секторида аудитнинг асосий тамойиллари (ISSAI-100)»га асосан давлат секторида аудитнинг асосий тамойиллари 1-чизмада келтирилган.

Чизма маълумотларидан кўриш мумкинки, аудитнинг умумий тамойиллари ҳар қандай фаолиятни қамраб олиш имкониятини яратишга қаратилган.

Шу билан бирга, халқаро тажрибада ички аудитнинг амалиётга татбиқ этилиши бўйича даражалар ишлаб чиқилган бўлиб, улар тизимни ривожлантиришнинг босқичларини белгилаб бериши мумкин.

2-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, ички аудит ўз тарихи давомида асосан 5та даражани босиб ўтган. Бу даражаларни таҳлил қилиш орқали Ўзбекистон мавжуд ички аудит тизимининг биринчи, яъни бошланғич даражасида, дейиш мумкин. Матрицага кўра биринчи даражада ички аудит фаолияти тизимсиз ва вазиятга боғлиқ бўлиши, ташкилотларда катта ташкилий бирликнинг бир қисми ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, бу босқичнинг асосий жиҳатлари сифатида ҳужжатлар ва ўтказмаларнинг ўрнатилган тартиб ва талабларга мувофиқлиги ва ишончлилиги бўйича алоҳида аудитор текширувидан ўтказилиши, аудит текшируви натижаси аудитор лавозимини эгаллаган ходимнинг малакасига боғлиқ бўлиши, аудиторлик ташкилотлари тажрибасидан бошқа аудит фаолияти

бўйича махсус профессионал тажрибанинг мавжуд эмаслиги, фаолиятни молиялаштириш зарурат юзасидан амалга оширилиши, инфратузилманинг мавжуд эмаслиги, институционал салоҳият шаклланмаганлиги, шу билан бирга, жараённинг махсус ёки муайян соҳаси белгиланмаганлиги ажратиб кўрсатилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимизда давлат бюджетидан маблағ олувчи ташкилотларда ички аудитнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Давлат бюджетидан маблағ олувчи ташкилотларнинг вазифа ва мақсадларини доимий инвентаризациядан ўтказиб бориш ва мақбуллаштириш.

2. Мақсадларни белгилаб олиш ва уларга эришилишини «ўлчаш» учун индикаторлар ишлаб чиқиш.

3. Ишлаб чиқилган индикаторларга эришиш даражасини баҳолаш ва юзага келган рискларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича бошқарувга таклиф, маслаҳат ва тавсиялар бериш.

2-жадвал

**Ички аудитни ривожлантириш даражалари матрицаси**

Ички аудит даражалари	Ички аудит тизими элементлари					
	Ички аудит функцияси ва роли	Ходимлар бошқаруви	Касбий амалиёт	Бошқарув натижалари ва ҳисоботлари	Корпоратив маданият ва алоқалар	Бошқарув тизими
1-даража: Бошланғич	Вазиятга боғлиқ ва тизимсиз; ҳужжатлар ва ўтказмаларнинг ўрнатилган тартиб ва талабларга мувофиқлиги ва ишончилиги бўйича алоҳида аудитор текширувидан ўтказиш; аудит текшируви натижаси аудитор лавозимини эгаллаган ходимнинг малакасига боғлиқ; профессионал аудиторлик ташкилотлари тажрибасидан бошқа аудит фаолияти бўйича махсус профессионал тажрибанинг мавжуд эмаслиги; зарурат юзасидан фаолиятни молиялаштириш; инфратузилманинг мавжуд эмаслиги; аудиторлар ташкилотда катта ташкилий бирликнинг бир қисми ҳисобланади; институционал салоҳиятнинг шаклланмаганлиги, шу билан бирга, жараёнинг махсус ёки муайян соҳаси белгиланмаганлиги.					
2-даража: Инфратузилма	Мувофиқлик аудити	Индивидуал профессионал ривожлантириш. Малакали ходимларни профессионал танлаш ва ишга ёллаш	Профессионал амалиёт ва стандартлар. Аудит режаси бошқарув ва/ёки манфаатдор томонларнинг манфаатларига асосланган	Ички аудитнинг қутилаётган бюджети. Ички аудит режаси	Ички аудит фаолиятини бошқариш	Корпоратив, активлар ва меҳнат ресурслари бўйича маълумотлардан тўлиқ фойдаланиш ваколатлари
3-даража: Интеграллашган	Консултация. Фаолият самарадорлигининг аудити	Жамоа тузилмасини яратиш (teambuilding), кўникма ва малакаларни шакллантириш. Малакали ходимларни жамлаш. Меҳнат ресурсларини мувофиқлаштириш	Сифатли бошқарув асосларини яратиш. Аудитнинг riskни баҳолашга йўналтирилган режалари	Натижадорликни баҳолаш. Харажатлар бўйича маълумот. Ички аудит бошқаруви бўйича ҳисобот	Бошқа назорат гуруҳлари билан мувофиқ фаолият олиб бориш. Бошқарув гуруҳининг ажралмас ташкилий қисми	Ички аудит фаолияти устидан бошқарув назорати. Молиялаштириш механизми
4-даража: Бошқарилувчи	Умумбошқарувни амалга ошириш кафолатлари, рисклар менежменти ва назорат	Ички аудит ходимларни бошқариш жараёнини ривожлантиришга кўмаклашади. Ички аудит ташкилот профессионал тизимининг элементларини қўллаб-қувватлайди. Ишчи кучини режалаштиради	Ички аудит стратегияси ташкилотда riskларни бошқариш жараёнини яхшилайд	Фаолиятни миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолаш	Ички аудит раҳбари бошқарув органларининг қабул қилаётган қарорлари бўйича маслаҳат бериши ва таъсир ўтказиши мумкин	Ички аудит фаолияти устидан мустақил назорат
5-даража: Оптимал (мақбул)	Ички аудит – ўзгаришларнинг асосий агенти	Профессионал тизимда етакчилик институтини жорий этиш. Ишчи кучини лойиҳалаштириш	Профессионал амалиётни мунтазам такомиллаштириб бориш. Ички аудитни стратегик режалаштириш	Ички аудит самарадорлиги бўйича ҳисоботларни чоп этиш	Самарали ва узок муддатли алоқалар	Мустақиллик, ички аудитни бошқаришга ваколатларнинг мавжудлиги

**Манба:** <https://na.theiia.org> – «Internal Audit Capability Model (IA-CM) for Public sector».

4. Ички назорат ва молиявий назорат тадбирларида уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва тўғри олиб борилишини баҳолаш нуқтаи назаридан иштирок этиш.

5. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиниши ҳолатини уларнинг реал ҳолат-

ни тартибга солиш имконияти нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш ва уларни ўзгартириш, янгилаш ва/ёки бекор қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Шунингдек, халқаро тажриба асосида мамлакатимизда ички аудитни ривожлантириш-

ни таъминлаш учун қуйидаги босқичлар таклиф этилади.

**ABSTRACTS**

**THE INTERNATIONAL THEORETICAL ANALYSIS OF INTERNAL AUDIT**

The article is devoted to the theoretical analysis of internal audit. The development of internal audit, in the first place, is directed to the reaching the quality, detecting the possible mistakes and timely preventing, i.e. without side affects on the essence of activity and its results can be avoided.

3-жадвал

**Ўзбекистонда давлат секторида ички аудитни ривожлантириш босқичлари**

Босқичлар	Амалга ошириладиган ишлар
1-босқич: Услубий таъминот.	Ички аудит Концепцияси, Намунавий низом ва уни амалиётга татбиқ этиш натижалари асосида «Давлат сектори ташкилотларида ички аудит тўғрисида»ги қонун, ички аудитнинг халқаро стандартлари асосида миллий стандартлар ишлаб чиқиш
2-босқич: Инфратузилмани шакллантириш.	Ички аудит хизмати учун ходимлар тайёрлаш ва малакасини ошириш. Ташкил этилган ички аудит хизматларининг фаолияти натижаларини умумлаштириш. Аудиторлар учун маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ошириш.
3-босқич: Натижадорлик.	Ички аудит хизматлари фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ҳамда унга баҳо бериш ва таклифлардан фойдаланиш.

**Манба:** Жадвал муаллифлар томонидан тайёрланган.

# ҲУДУДИЙ ДАРОМАД СИЁСАТИ МОТИВАЦИЯСИНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

**Бекзод Норматов,**

*Жиззах вилояти Молия бош бошқармаси даромад бўлими бошлиғи*

***Замонавий давлатчиликда маҳаллий бюджет даромадлар сиёсатини самарали ташкил этиш ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги вазифаларни ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Даромад сиёсатини ишлаб чиқишда бюджет тизимида солиқ ва тўловларни мобилизация қилиш бўйича ҳудудлар имкониятларини объектив баҳолаш, маҳаллий бюджет даромадларининг шаклланиш механизmlарига таъсир этувчи омиллар самардорлигини ошириш ва юзага келиши мумкин бўлган салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларни баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.***

**М**аҳаллий бошқарув органлари жавобгарлиги ва ваколатларини такомиллаштириш ҳамда ислоҳ қилиш масаласи ривожланган, ривожланаётган мамлакатларнинг давлат молиясини бошқариш амалиётидаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда маҳаллий органлар бошқарув механизмларини такомиллаштириш жараёнлари демократик ва ижтимоий стандартлар назарда тутилган ҳолда амалга оширилмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

Ривожланган давлатларда даромадлар сиёсатини самарали олиб боришда маҳаллий бюджетнинг даромад базасини белгилашдаги солиқ потенциали, маҳаллий бюджет даромадлар таркибини шакллантириш тартиби, солиқли даромадларнинг турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланиши механизмлари каби омиллар муҳим роль ўйнайди.

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида маҳаллий бюджет даромадлари базасини ошириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, ҳудудлар, туман ҳамда шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестиция муҳитини яхшилаш орқали ҳудудларга хорижий сармояларни фаол жалб этиш каби устувор вазифалар белгиланган бўлиб<sup>1</sup>, мазкур вазифаларни таъминлашда ривожланган давлатлар илғор тажрибасини ўрганиш, уларнинг ижобий натижаларини республикада қўллаш муҳим масала ҳисобланади.

Жумладан, ҳудудларни барқарор ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни молиялаштириш учун маҳаллий бюджет-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

Германиянинг ҳудудий сиёсат соҳасидаги тажрибаси Ўзбекистон учун аҳамиятли бўлиши мумкин, чунки ҳар иккала мамлакатда марказлашув даражаси етарли даражада юқори, бошқача айтганда, бюджет маблағларини ҳудудлараро қайта тақсимлаш кўлами катта ҳамда мамлакат ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида марказий давлат ҳокимияти муҳим роль ўйнайди.

ларнинг маблағлари етарли эмаслиги таъкидлаб ўтилган<sup>2</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маҳаллий бюджетлар даромадини ошириш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширишда маҳаллий бюджет даромадлар сиёсатини самарали олиб бориш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишда мазкур масалага тизимли ёндашиш муҳим ўрин тутди. Хусусан, ривожланган давлатларда даромадлар сиёсатини самарали олиб боришда маҳаллий бюджетнинг даромад базасини белгилашдаги солиқ потенциали, маҳаллий бюджет даромадлар таркибини шакллантириш тартиби, солиқли даромадларнинг турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланиши механизмлари каби омиллар муҳим роль ўйнайди.

### **ХУДУДИЙ ДАРОМАД СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ: ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

ЕИнинг 2014–2020 й. ҳудудий сиёсатида 351,8 млрд евро маблағ ажратилиши (умумий бюджетнинг 35%ини

ташқил этади) кўзда тутилган<sup>3</sup>. «Ўсиш ва бандлик учун инвестициялар» деб номланувчи ҳудудий сиёсат йўналиши бўйича молиялаштириш ҳажмининг катта қисми кам ривожланган ҳудудлар учун (less developed regions – валюта харид қобилияти паритети ҳисобга олинганда, аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи ЕИ бўйича ўртача даражанинг 75%игача бўлган) мўлжалланган, ажратмалар ҳажмининг қолган қисми ўтиш типдаги (transition regions – аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи ЕИ бўйича ўртача даражанинг 75%идан 90%игача бўлган) ва нисбатан ривожланган (more developed regions, аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи ЕИ бўйича ўртача даражадан 90%дан ошган) ҳудудларга ажратилади.

Германиянинг ҳудудий сиёсат соҳасидаги тажрибаси Ўзбекистон учун аҳамиятли бўлиши мумкин, чунки ҳар иккала мамлакатда марказлашув даражаси етарли даражада юқори, бошқача айтганда, бюджет маблағларини ҳудудлараро қайта тақсимлаш кўлами катта ҳамда мамлакат ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлани-

шида марказий давлат ҳокимияти муҳим роль ўйнайди. Германиянинг ҳудудий ўзига хос хусусиятларидан бири мамлакатда ҳудудий ривожланишни федерал тартибга солиш Асосий қонунида мамлакат барча ҳудудларида тенг турмуш шароитларини яратиш кераклиги кенг декларация қилинишидир.

Германияда молия тизимида бюджетлараро муносабатлар ёки ҳудудлар бюджети даромадларини тенглаштириш 4 босқичга ажратилган<sup>4</sup>:

1) солиқларни вертикал тақсимлаш – солиқ тушумларининг федерал, ерлар ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланиши (даромад солиғи (федерал ва ҳудудларнинг улуши 45,2%ни ташқил этади, 15% солиқ тушумлари маҳаллий бюджетга ўтказилади), корпоратив даромад солиғи (федерал ва ҳудудлар бюджетига 50%дан) ва ҚҚС (тақсимланиши федерал ва ҳудудларнинг ўз харажатларини қоплашга бўлган тенг ҳуқуқларидан келиб чиқиб йиллар бўйича ўзгариб туради);

2) солиқларни горизонтал тақсимлаш, яъни алоҳида ҳудудлар бюджетларига бир қатор солиқлар ўтказиб берилиши

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

<sup>3</sup> Региональная политика стран ЕС / Отв. ред. А.В. Кузнецов. – М.: ИМЭМО РАН, 2009. – 230 с.

<sup>4</sup> Der bundesstaatliche Finanzausgleich / Bundesministerium der Finanzen ([http://www.bundesfinanzministerium.de/Content/DE/Standardartikel/Themen/Oeffentliche\\_Finanzen/Foederale\\_Finanzbeziehungen/Laenderfinanzausgleich/BFAG.pdf](http://www.bundesfinanzministerium.de/Content/DE/Standardartikel/Themen/Oeffentliche_Finanzen/Foederale_Finanzbeziehungen/Laenderfinanzausgleich/BFAG.pdf)).

маълум қоидалар билан назарда тутилган;

3) бюджет даромадларини тенглаштириш – уларни «камбағал» ва «бой» ерлар (Länderfinanzausgleich) ўртасида горизонтал қайта тақсимлаш;

4) «камбағал» ерларга федерал бюджетдан қўшимча грантлар (ажратмалар).

Шундай қилиб, биринчи босқичдаги молиявий тенглаштириш умумий солиқдаги ерларнинг улушига қараб ўрнатилади. Иккинчи босқичда солиқли даромадларни горизонтал тақсимлаш алоҳида ерлар бўйича солиқларни тақсимлаш қоида билан аниқланади. Умумий қоидага кўра, солиқлар қайси ҳудуддан ундирилса, солиқ ушбу ҳудудлар бюджетларига ўтказилади, бироқ даромад солиғи, корпоратив даромад солиғи ва ҚҚС бундан мустасно. Даромад солиғининг ҳудудлар бюджетига ўтказилиши фуқаролар яшаш жойи принципи бўйича амалга оширилади. Корпорация даромадига солиқ корпорация штаб-квартираси жойлашган жой бўйича ундирилади ва кейинчалик корпорация ҳақиқатда ўзининг бизнес фаолиятини юритадиган ҳудудлар бўйича тақсимланади. ҚҚСни тақсимлаш қоида анча мураккаб бўлиб, ҚҚСдаги ҳудудларнинг 25%гача улуши аҳоли

жон бошига даромад солиғи, корпорация даромадига солиқ ва маҳаллий солиқ тушумлари ҳисоб-китобида мамлакат бўйича ўрта кўрсаткичдан паст бўлган ҳудудларга ўтказилади. Ҳудудларнинг ҚҚСдаги 75% улуши ҳудудлардаги аҳоли сонига пропорционал равишда тақсимланади. Бундай тартибда ҚҚСнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши ҳудудларнинг бюджет таъминоти даражасидаги фарқлари қисқаришига олиб келади.

Молиявий тенглаштиришнинг учинчи босқичида аҳоли жон бошига янада кўпроқ маблағларга зарурати бўлган ҳудудий шаҳарлардан (Гамбург, Бремен, Берлин) ташқари, маблағларни қайта тақсимлашда аҳоли жон бошига бюджет даромадларидаги эҳтиёжларнинг барча ҳудудларда бир хиллигидан келиб чиқилади. Бюджет доирасида ҳудудий шаҳарлар аҳоли сонини тенглаштиришда 1,35 коэффицент билан олинади. Бундан ташқари, аҳоли сони зичлиги паст ҳудудларга нисбатан унчалик юқори бўлмаган кўтарувчи коэффицент қўлланилади<sup>5</sup>.

Германиядаги ҳудудий сиёсат иккита таркибий қисмдан, яъни юқорида кўрсатиб ўтилган ЕИ ҳудудий сиёсати ҳамда федерал ва ҳудудларнинг ҳамкор-

лигидан иборат бўлиб, унинг вазифаси ҳудудий иқтисодий тузилмани такомиллаштиришдан иборат. Бугунги кунда мазкур вазифа бўйича ҳар бир ҳудудда амалга ошириладиган лойиҳа харажатларининг 50%и федерал бюджет ҳисобидан амалга оширилиши лозим бўлиб, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамкорликда молиялаштиришдан ташқари, лойиҳаларнинг ишлаб чиқиш ва реализация билан боғлиқ тадбирлар (жумладан, лойиҳаларни танлаш)да иштироки таъминланади. Мазкур вазифаларда ишлаб чиқаришга ва ишлаб чиқариш инфратузилмасига инвестициялар ва инвестицион тадбирлар қўллаб-қувватланади.

Шу билан бирга, ҳамкорликдаги вазифа доирасида амалга ошириладиган режалар маълум муддатда (охирини режа 2007–2013 ва 2014–2020 йилларга тасдиқланган) қайта кўриб чиқилади: муаммоли ҳудудларни қўллаб-қувватлаш йўналиш ва параметрлари, қўллаб-қувватланадиган ҳудудлар таркиби, уларни танлаш принципларига тузатишлар киритилади. Ҳудудий режалаштириш Иқтисодиёт вазирлиги томонидан амалга оширилмайди. Ҳудудий режалаштириш Қурилиш ва транспорт билан боғланган бўлиб, инфратузилманинг (шу жумладан, ком-

Италияда ҳудудий сиёсатнинг амалга оширилиши сифатини баҳолаш учун миллий ва ҳудудлар даражасида фаолият кўрсатувчи давлат инвестициялари мониторинги ва баҳолаш Миллий тизими ташкил этилган. Харажат қилинадиган маблағларнинг шаффофлигини таъминлаш учун миллий статистика тизими таркибий қисми сифатида «Давлат ҳудудлари ҳисоби» (I Conti Pubblici Territoriali, CPT) махсус маълумотлар базаси яратилган.

<sup>5</sup> Gesetz über den Finanzausgleich zwischen Bund und Ländern (Finanzausgleichsgesetz – FAG), Stand: 15.07.2013.

Испанияда ҳудудий ривожланишнинг вазифаси кичик ва ўрта бизнесни, шунингдек, туризм соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат. Махсус иқтисодий зоналарга ҳудудлар ривожланишидаги муҳим инструментлар сифатида қаралмоқда.

мунал) ривожланиши ҳудудларнинг комплекс ривожланишида муҳим ҳисобланади. Ҳудудларни ташкил этиш қонуни бўйича Курилиш, шаҳарлар ва ҳудудий тадқиқотлар федерал институти томонидан тайёрланган ҳисоботларда қуйидаги масалалар ўз аксини топиши лозим:

- мамлакат ҳудудларининг ривожланиш хусусияти ва тенденциялари;
- ЕИ ва федерал ҳукуматларнинг лойиҳалаштирилган ва амалга оширилган режа ва чора-тадбирлари ҳудудий тақсимланиши;
- Германиянинг ҳудудий ривожланишига ЕИ сиёсатининг таъсири.

Ушбу ҳисоботда ҳокимиятлар ижтимоий-иқтисодий сиёсати йўналишларининг турли ҳудудий жиҳатлари таҳлили амалга оширилади. Бу орқали тармоқ ва ҳудудлар сиёсати координацияси учун асослар яратилади.

Италияда ҳудудий сиёсатнинг амалга оширилиши сифатини баҳолаш учун миллий ва ҳудудлар даражасида фаолият кўрсатувчи давлат инвестициялари мониторинги ва баҳолаш Миллий тизими ташкил этилган. Харажат қилинадиган маблағ-

ларнинг шаффофлигини таъминлаш учун миллий статистика тизими таркибий қисми сифатида «Давлат ҳудудлари ҳисоби» (I Conti Pubblici Territoriali, СРТ) махсус маълумотлар базаси яратилган<sup>6</sup>. Ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида маҳаллий ҳокимиятлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш амалга киритилган бўлиб, уларнинг олдига қўйилган вазифалар бажарилганлиги учун пул мукофотлари тўловлари амалга оширилади<sup>7</sup>.

Испанияда автоном ҳудудлар нафақат ер майдонлари ва аҳоли сони бўйича, балки аҳоли жон бошига ЯИМ ва ҳудудий ялпи маҳсулот улушларига қараб ривожланган, ўрта ривожланган ва кам ривожланган гуруҳларга фарқланади: ривожланган (аҳоли жон бошига ҳудудий ялпи маҳсулот ЯИМ кўрсаткичига нисбатан юқори); ўрта ривожланган (аҳоли жон бошига ҳудудий ялпи маҳсулот ЯИМ кўрсаткичига нисбатан 100–90%); кам ривожланган (аҳоли жон бошига ҳудудий ялпи маҳсулот ЯИМ кўрсаткичига нисбатан 90%дан кам бўлган).

Шубҳасиз, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий даражаси

бўйича фарқланиш кўламини баҳолашда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми билан чекланилмайди. Миллий статистикада ҳудудларни қиёсий ўрганишда ҳудуддаги аҳоли сони, ҳудуд аҳолиси сонининг мамлакат аҳолиси умумий сонидеги улуши, аҳолининг ёш таркиби, аҳоли зичлиги ва ўртача яшаш муддати, ташқи ва ички миграциялар ва бандлик тузилмаси кўрсаткичлари, бандлик ва ишсизлик даражаси, ишчи кучи қиймати ва иш ҳақи миқдори ҳамда уларнинг турли компонентлари, таълим даражаси ва бошқа шу каби демографик кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Испания давлатидаги бюджетлараро муносабатлар ўзида бир томондан автоном ва иккинчи томондан маҳаллий (муниципалитетлар, провинциялар, ороллар) ҳамжамиятларни молиялаштиришни назарда тутди. Марказ билан Басклар ва Наварра муносабатларига махсус статус берилган бўлиб, улар «форал» қонунчилик билан тартибга солинади ва икки томонлама асосда амал қилади (ўз-ўзини бошқариш ва қонунчилик, солиқ солиш, божхона чегаралари соҳасида). Охириги йилларда давлат томонидан ажратилган маблағларнинг тахминан 70 фоизга яқини маҳаллий ҳамжамиятларни молиялаштиришга, муниципалитетларга йўналтирилмоқда, 20%дан ортиқроқ қисми Басклар мамлакати провинцияларига, тахминан 7%и умумий режимдаги провинциялар ва 3%и оролларга сарфланади. Барча давлат маблағлари 75% ҳудудларнинг

<sup>6</sup> <http://www.dps.tesoro.it/cpt-eng/cpt.asp>.

<sup>7</sup> Anselmo I. The 2007–2013 Italian performance reserve – measurable objectives for public services provision in Mezzogiorno. January, 2012 ([http://ec.europa.eu/regional\\_policy/sources/docgener/evaluation//performancepdf](http://ec.europa.eu/regional_policy/sources/docgener/evaluation//performancepdf)).

Мамлакат солиқ потенциали ҳудудлар солиқ потенциали йиғиндисидан иборат, ҳудудлар солиқ потенциали ўз навбатида солиқ тўловчиларнинг солиқ ва йиғимларни тўлаш салоҳияти сифатида изоҳланиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг мақомидан келиб чиқиб, маъмурий-ҳудудий бирликларни солиқли даромадлар билан таъминлаш даражаси билан боғлиқ.

демографик кўрсаткичларидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тақсимланиб, маблағларнинг қолган 25%и ҳудуд аҳолиси сонининг мамлакат аҳолиси умумий сонидаги улуши, меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар сонига (16 ёшгача ва 64 ёшдан юқори бўлган) мутаносиб равишда амалга оширилади.

Кўшимча давлат маблағлари аҳоли зичлиги даражаси ўртачадан паст бўлган автоном ҳудудларга йўналтирилади. Ҳамкорлик Фонди ва рақобатбардошлик Фондининг ташкил этилишига тизимнинг янги элементи сифатида қаралмоқда. Янги молиявий тузилманинг мақсади ҳудудлар ўртасидаги даромад даражасидаги фарқни пасайтириш бўлиб, эндиликда ҳудудлар даромад солиғининг ярмини (аввалги 33% ўрнига) ўзларида олиб қолишмоқда. Бунда ҳудудларга солиқ ставкалари ва солиқ чегирмалари, шунингдек, солиқ солинмайдиган минимал даромад миқдорини ўрнатиш ваколатлари берилган. Шунингдек, ҚҚС тушумларининг 50 фоизини (аввалги 35% ўрнига) ҳудудлар ўзларида олиб қолишлари мумкин.

Испанияда ҳудудий ривожланишнинг вазифаси кичик ва ўрта бизнесни, шунингдек, туризм соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва

амалга оширишдан иборат. Махсус иқтисодий зоналарга ҳудудлар ривожланишидаги муҳим инструментлар сифатида қаралмоқда. Бугунги кунда мамлакатда турли шаклдаги зоналарга фаолият юритиб келмоқда, буларга инновацион фаолият учун технологик парклар, замонавий саноат-ишлаб чиқариш комплекслари ривожланиши учун технологик парклар, эркин иқтисодий зоналар киради.

АҚШда федерал трансфертлар штатларга коммунал инфратузилмани сақлашга, кўп болали муҳтож оилаларга тўловларга, бандликни таъминлаш ва профессионал кадрлар тайёрлашга, ногиронлар таълимига, иммигрантларни ўқитишга, студентлар стипендия ва қарзларига, бахтсиз ҳодиса ва табиий офатлардан жабрланганларга ёрдамга, болалар суғуртаси ва мактаб овқатланиш дастурларига, ногиронлар нафақаларига ва бошқа кўпгина ижтимоий тўловларга ажратилади<sup>8</sup>. Штат бюджетларидан бериладиган молиявий ёрдамлар маҳаллий бюджет харажатларининг 33–35 фоизини ташкил этиб, бу маблағлар йўл қурилиши (барча харажатларнинг 1/3 қисми), ижтимоий таъминот (80%), таълим (50%), соғлиқни сақлаш (40%) харажатларини қоплайди. Муниципалитетларнинг соғлиқни сақлашга харажатларида штат

бюджети улуши 40%ни, федерал бюджет улуши эса 18%ни ташкил этади.

Солиқлар ва бюджетларро трансфертлардан ташқари, муниципал облигациялардан даромадлар молиялаштиришга бўлган талабни қондириш канали ҳисобланади. Охириги йилларда муниципал облигациялар сотишдан олинadиган даромад ҳисобидан инфратузилмани ривожлантиришга 3,2 трлн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар инвестиция қилинган бўлиб, катта қисми муниципал уй-жой қурилишига йўналтирилган ва маҳаллий даражадаги давлат уй-жой сиёсати аҳолининг кам таъминланган қисмига молиявий ёрдам бериш ва қулай шароит яратишда муҳим аҳамиятга эга.

### ҲУДУДЛАР СОЛИҚ ПОТЕНЦИАЛИНИ БАҲОЛАШДА УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР

Юқоридаги бўлимда кўрсатиб ўтилганидек, «Репрезентатив солиқ тизими» (РСТ) иқтисодиётнинг замонавий ривожланиш босқичидаги солиқ амалиётида ҳудудлар солиқ потенциалини баҳолашнинг комплекс усули ҳисобланади. Ҳудудлар солиқ потенциалини баҳолашнинг комплекс усули сифатида Репрезентатив солиқ тизими усули солиқ потенциали ҳажмини бюджетга тушадиган

<sup>8</sup> Statistical Abstract of the United States. – Wash., D.C., 2011. P. 304.

солиқ тўловлари суммаси сифатида аниқлайди, яъни солиқ юки, солиқ таркиби ва ставкалари барча ҳудудларда ўртача даражада белгиланади. Бу эса, ўз навбатида, барча ҳудудлар бўйича солиқ солишга оид тўлиқ маълумотлар йиғиш заруриятини келтириб чиқаради. Ҳудуддаги ҳақиқатда йиғилган солиқ ва тўловлар ҳамда ҳақиқатдаги солиқ солиш базалари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш ҳудуд бўйича солиқ тушумлари миқдорини ҳисоб-китоб қилиш имконини беради. Ҳудуд бўйича ҳисоб-китоб орқали аниқланган солиқ тушумлари миқдорини ҳудуд солиқ потенциали ҳажми деб ҳисоблаш мумкин.

С.И. Ислямудинов томонидан ишлаб чиқилган иккинчи гуруҳдаги услублар регрессион таҳлилга асосланган бўлиб, бу услуб солиқ ва йиғимлардан олинган даромадлар, солиқ бўйича қарздорликлар, тақдим этилган солиқ имтиёзлари ҳисобига камайган солиқ даромадлари ва макроиқтисодий кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Репрезентатив солиқ тизимининг регрессион усули ўрта ва узоқ муддат учун прогноз қилишда самарали ҳисобланиб, бу усул бюджет даромадлари ҳажмини аниқловчи маълум ўзаро боғлиқ иқтисодий кўрсаткичлар тўпламларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Мазкур усулнинг камчилиги унинг мураккаблигида бўлиб, турли иқтисодий характердаги маълумотлардан фойдаланиш ҳудудлар солиқ потенциали кўрсаткичларининг сезиларли фарқланишига олиб келади.

Бундан ташқари, солиқ потенциалини ҳисоблашнинг тузатиш коэффициентлари усули замонавий талабларга жавоб бериш ва максимал миқдордаги омилларни ҳисобга олиш имкониятини берувчи универсал усул ҳисобланади. Мазкур усулда аҳоли меҳнат самарадорлиги коэффициенти, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси коэффициенти, солиқ йиғилувчанлиги коэффициенти ва ҳудуд фаолияти самарадорлигини характерловчи бошқа ижтимоий-иқтисодий коэффициентларни ҳисобга олиш имконияти мавжуд.

Умуман олганда, мамлакат солиқ потенциали ҳудудлар солиқ потенциали йиғиндисидан иборат, ҳудудлар солиқ потенциали ўз навбатида солиқ тўловчиларнинг солиқ ва йиғимларни тўлаш салоҳияти сифатида изоҳланиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг мақомидан келиб чиқиб, маъмурий-ҳудудий бирликларни солиқли даромадлар билан таъминлаш даражаси билан боғлиқ.

Солиқ потенциали макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисобга олиши билан бирга солиқ тўловчининг солиққа тортиш тартиби юзасидан танловини ҳам эътиборга олишни назарда

тутади. Бу ўз навбатида мамлакатда қўлланилаётган солиқ сиёсати самарадорлиги ва солиқ маъмурчилиги натижадорлиги кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради.

## МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАД СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда маҳаллий бюджетларнинг даромадлари базасини тубдан мустаҳкамлаш, унинг юқори турувчи бюджетлар ажратмаларига қарамлигини қисқартириш мақсадида ҳудудларни комплекс ривожлантириш барқарор молиялаштирилишини таъминлаш, марказ бюджетига қарамликни кескин камайтириш, бюджетлараро муносабатларни тубдан ислоҳ қилиш орқали маҳаллий бюджетлар маблағларини бошқаришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг мустақил иш олиб боришини кучайтириш мамлакат бюджет сиёсатининг асосий вазифалари этиб белгиланган<sup>9</sup>.

Мазкур устувор вазифаларнинг бажарилиши ҳамда ма-

Солиқ потенциали макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисобга олиши билан бирга солиқ тўловчининг солиққа тортиш тартиби юзасидан танловини ҳам эътиборга олишни назарда тутади. Бу ўз навбатида мамлакатда қўлланилаётган солиқ сиёсати самарадорлиги ва солиқ маъмурчилиги натижадорлиги кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5075-сонли Фармони.

ҳаллий бюджетлар даромад базасини кенгайтириш ва харажатларини мақбуллаштиришда уларнинг манфаатдорлигини оширишни таъминлайдиган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатлари ва мажбуриятларини белгилашнинг замонавий механизмларини жорий этишда қуйидагилар кўрсатиб ўтилган:

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига ўз ҳудудидаги солиқ тўловчиларни тўлиқ қамраб олиш ва солиқлар йиғилувчанлигини ошириш, янги ишлаб чиқариш корхоналарини

барпо этиш, ишламаётган, иқтисодий ночор корхоналарнинг фаолиятини қайта тиклаш орқали маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш;

- тегишли бюджетларнинг тасдиқланган даромадлари режасини бажариш, қонунчилик доирасида харажатлар, шу жумладан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминлаш;

- Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг умумий ҳажмидан 1 фоиз миқдорида туман ҳокимликлари захира жамғармалари шакллантирилиши;

- бир молия йилидан ортиқ бўлган даврдаги касса узиллишлари юқори бюджетдан 2 йилгача бўлган муддатга йиллик 2 фоизли бюджет ссудалари олиш орқали қопланиши ва тегишли бюджетлар ҳар чорак якунида шакллантириладиган даромадлар режасидан ортириб бажарилган қисмининг мустақил тасарруф этилиши маҳаллий бюджетлар даромадлар сиёсати мотивациясини оширишда муҳим аҳамият касб этади<sup>10</sup>.

Меъёрий ажратмалар ва бириктирилган даромадларни тақомиллаштириш орқали маҳаллий бюджетларнинг даромад

Жадвал

**Турли даражалардаги бюджетлар ўртасида солиқлар ва тўловларни тақсимлаш**

Т/р	Солиқнинг номи	Республика бюджети	Вилоят бюджети	Туман (шаҳар) бюджети
1	Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ			2,7 трлн. сўм
2	Жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиғи			
3	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи			
4	Маҳаллий йиғимлар (айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш учун йиғим)			
5	Бозорлардан олинадиган даромадлар			
6	Ягона ер солиғи			
7	Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови		4,3 трлн. сўм	1,1 трлн. сўм
8	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови	0,8 трлн. сўм		
9	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи			
10	Юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи			
11	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	1,9 трлн. сўм	2,8 трлн. сўм	0,5 трлн. сўм
12	Давлат божи (лицензиядан ташқари), жарима ва санкциялар, бошқа турдаги йиғим ва тўловлар	1,4 трлн. сўм	1,5 трлн. сўм	7,2 трлн. сўм
13	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ			
14	Бензин, дизель ва газ истеъмоли учун солиқ			
15	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ			
16	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	18,4 трлн. сўм	5,3 трлн. сўм	
17	Қўшилган қиймат солиғи			
18	Акциз солиғи			
19	Қўшимча фойда солиғи	1,3 трлн. сўм	0,1 трлн. сўм	
	Таълим ва тиббёт соҳасида иш ҳақи харажатларини қоплаш учун мақсадли ижтимоий трансфертлар	-7,2 трлн. сўм		+7,2 трлн. сўм
	Жами – даромадлар/харажатлар	16,4	14,0	11,5

Манба: Молия вазирлиги маълумотлари, 2018 й.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш ва маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги масъулиятини ошириш тўғрисида»ги ПҚ-3042-сонли Қарори.

Худудлар даромадлар базасини тўлиқ аниқлаш, турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги солиқлар тақсимоти ва бюджетлараро трансфертларнинг оптимал миқдорини белгилаш, солиқ тушумлари барқарорлигини таъминлаш ва, шунингдек, илмий асосланган солиқ тушумлари прогнозини ишлаб чиқиш ҳудудий даромад сиёсати мотивациясининг муҳим жиҳатлари ҳисобланиб, худудларнинг солиқ потенциалини баҳолашда муҳим ўрин тутди.

сиёсати мотивациясини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда турли даражалардаги бюджетлар ўртасида солиқлар ва тўловларни тақсимлашда худудларнинг солиқ потенциалини баҳолаш ва, шунингдек, худудларнинг демографик кўрсаткичлари ҳамда уларнинг ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тақсимланиши меъёрларини ишлаб чиқиш, солиқларни ҳам вертикал, ҳам горизонтал тақсимлаш, яъни алоҳида худудлар бюджетларига бир қатор солиқларнинг ўтказиб берилиши механизмлари қўлланилишини талаб этади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганлардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, маҳаллий бошқарув органлари асосий принципларидан бири унинг молиявий мустақиллиги бўлиб, маҳаллий бюджетларда даромад даражаси етарлилигини таъминламасдан мазкур принципга риоя қилиш мумкин эмас. Шу боис, худудларнинг даромад сиёсати мотивацияси муҳим аҳамиятга эга. Худудлар даромадлар базасини тўлиқ аниқлаш, турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги солиқлар тақсимоти ва бюджетлараро трансфертларнинг оптимал миқдорини белгилаш, солиқ тушумлари барқарорлигини таъминлаш ва, шунингдек, илмий асосланган солиқ тушумлари

прогнозини ишлаб чиқиш ҳудудий даромад сиёсати мотивациясининг муҳим жиҳатлари ҳисобланиб, худудларнинг солиқ потенциалини баҳолашда муҳим ўрин тутди. Худудлар солиқ потенциалини баҳолашда худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, жумладан, ҳудудий ялпи ички маҳсулот тузилмаси, солиқ базаси ва солиқ тўловчилар таркиби каби кўрсаткичларни ифодаловчи тузатиш коэффициентларининг қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад потенциалини худуддаги кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш (солиққа тортиш тизимини ва солиқларнинг бириктирилиши тартибини такомиллаштириш орқали), солиқсиз тушумлар улушини кўпайтириш мақсадида ер ва кўчмас мулкларни ижрага бериш тартибини такомиллаштириш, турли йўналишларда (жумладан, инфраструктура соҳаси бўйича) маҳаллий давлат органлари ва хусусий сектор шерикчилигини йўлга қўйиш, шу билан бир қаторда муниципал уй-жой қуришга йўналтирилган муниципал облигацияларни чиқариш, олинган даромад ҳисобидан инфратузилмани ривожлантиришга инвестиция қилиш ҳамда худудлар даражасидаги давлат уй-жой сиёсати ва аҳолининг

кам таъминланган қисмига молиявий ёрдам бериш ва қулай шарт-шароит яратишга йўналтириш орқали ошириш мумкин.

Шу билан бирга, худудларнинг демографик кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда тақсимланиш меъёрларини ишлаб чиқиш ҳамда солиқли даромадларни ҳам вертикал, ҳам горизонтал тақсимлаш, яъни алоҳида худудлар бюджетларига бир қатор солиқларнинг ўтказиб берилиши механизмлари қўлланилиши муҳим ҳисобланади.

## ABSTRACTS

### THE MAIN ASPECTS TO MOTIVATE THE REVENUE POLICY OF TERRITORIES

The article examines the aspect to motivate the revenue policy of territories. Efficient organization of local budget policy in modern state, solving problems of socio-economic development of regions plays an important role. While developing revenue policy, it is important to assess the regions ability to pay taxes to the budget, increase the effectiveness of factors affecting the mechanisms of local budget revenues.

# ИНКЛЮЗИВНЫЙ БИЗНЕС В УЗБЕКИСТАНЕ: ТЕКУЩЕЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

**Бахтишод Хамидов,**  
Международная исламская академия Узбекистана,  
преподаватель

**Сегодня инклюзивные бизнес-модели (ИБМ<sup>1</sup>) в силу их важности для социально-экономического развития страны становятся фокусом экономической политики многих государств, институтов развития и доноров<sup>2</sup>. ИБМ охватывают более половины населения мира, обеспечивая доступ к основным товарам и услугам 4 млрд. малообеспеченных людей<sup>3</sup>, а также расширение возможностей для них.**

ИБМ, в отличие от традиционных, это модели, направленные на вовлечение в экономическую деятельность (производство, распределение, обмен и потребление) уязвимых слоев населения. Трудоспособные люди из уязвимых кругов могут выступать как поставщиками сырья и услуг, сотрудниками, дистрибьюторами, продавцами, так и покупателями товаров и услуг, непосредственно произведенных специально для их нужд (водоснабжение, санитария, жилье и здравоохранение), что открывает перед ними экономические возможности, позволяющие устойчиво получать средства к существованию и удовлетворять первичные потребности.

Начиная с нового тысячелетия, активное внимание стало уделяться переходу от помощи бедным посредством предоставления «пособий» к помощи посредством предоставления «возможностей». Это основывалось на предположении, что у бедного населения есть потенциал в сфере потребления, производства, инноваций и предпринимательской деятельности, который практически не реализуется. Так, в условиях роста возможности сбора информации об этих рынках и накопленного опыта жизнеспособных бизнес-стратегий многие страны начали обращать особое внимание на возможности, которые представляют собой рынки для бедных. Следователь-

но, для частного бизнеса становится актуальным определение новых резервов развития рынков для бедных, создание новых бизнес-моделей, разработка новых продуктов и расширение инвестиций. Для правительства, в свою очередь, важно проводить реформы в сфере улучшения бизнес-среды для инклюзивного бизнеса.

Следует отметить, что многонациональные компании были первыми, кто официально организовал инклюзивный бизнес, особенно в сфере продовольствия и потребительских товаров (например, Groupe Danone). Крупные национальные компании также считаются самыми инновационными в удовлетворении потребностей бедных в таких сферах, как строительство жилья, сельское хозяйство, производство потребительских товаров, финансовые услуги (например, Tsinghua Tongfang) и др. Малые стартап-предприятия только начинают развиваться. Самые успешные инклюзивные бизнес-модели в этой сфере функционируют, например, в мобильной телефонии (Celtel, Vodafone).

В условиях Узбекистана, где на государственном уровне социальная ориентированность экономики ставится наравне с

<sup>1</sup> В статье понятия «инклюзивный бизнес» и «инклюзивные бизнес-модели» используются как синонимы.

<sup>2</sup> Подробнее см.: 20 challenge on Inclusive Business Innovation, IFC, 2012.

<sup>3</sup> В статье понятия «уязвимые люди (слои населения)», «бедные», «малообеспеченные» и «малоимущие» используются как синонимы. На практике, когда речь идет о «бедных» слоях населения, обычно под этим понимаются люди, у которых ограничен доступ к «продуктам» первичной необходимости (включая продовольственные и непродовольственные товары). Вместе с тем, современная литература к «продуктам» первичной необходимости относит не только еду, воду, одежду, кров, но и санитарию, образование и здравоохранение.

задачами перехода к рыночной экономике, существует большой спрос на инклюзивный бизнес как со стороны государства, так и со стороны частного бизнеса (частные предприятия находятся в поиске новых рынков именно внутри страны в силу географической отдаленности республики от мировых морских путей и на фоне снижения спроса со стороны основных стран-партнеров).

В нашей стране пока наблюдаются отдельные фрагменты функционирования ИБМ. Программа развития ООН в Узбекистане с партнерами из частного сектора осуществляет работу по выявлению и поддержке инклюзивных бизнес-проектов для создания бизнес-возможностей в сельских районах. Например, в Намангане был открыт центр по сбору молока, который покупает молоко у сельских домохозяйств и мелких фермеров по рыночным ценам и, таким образом, гарантирует стабильность получения средств к существованию среди местного населения. Кроме того, путем объединения усилий пяти агентств ООН в Узбекистане, включая ПРООН, ЮНЕСКО, ВОЗ, ЮНФПА и Добровольцев ООН, в тесном сотрудничестве с Министерством Экономики Республики Узбекистан и

Советом Министров Республики Каракалпакстан осуществляется совместная программа «Обеспечение жизнедеятельности населения, пострадавшего в результате кризиса Аральского моря», направленная на создание эффективной системы управления, улучшение экономической обстановки, совершенствование систем образования и здравоохранения, а также защиту окружающей среды в зоне экологического бедствия.

Вместе с тем, существуют определенные виды деятельности, которые говорят о высоком уровне спроса на инклюзивный бизнес (например, привлекательность крупных оптовых центров Абу-Сахий, Бек-Барака и др. для обычных потребителей, покупка продуктов крупными партиями на центральных дехканских базарах, так как это обходится намного дешевле, рынки товаров «second-hand» для мебели, электротехники и др., развитость института добрососедства и взаимобмена предметами первичной необходимости, рынки дешевых товаров длительного пользования без системы последующего обслуживания, развитость пунктов приема макулатуры, металлолома и др.). Однако в силу неформального характера

этих видов деятельности они пока лишены возможности вывода людей из «ловушки бедности».

Обобщение мирового опыта по ИБМ позволяет определить основные факторы их развития и распространения<sup>4</sup>: использование существующих сетей и технологий как необходимое условие развития компаний, бизнес которых направлен на охватывание широких кругов малоимущих покупателей; устранение преград в финансовой поддержке малоимущих покупателей, дистрибьюторов и поставщиков, которые повышают риск неудачи инклюзивного бизнеса; сотрудничество нескольких сторон, заинтересованных в развитии ИБМ.

Следовательно, большой потенциал расширения имеют формы инклюзивного бизнеса, где уязвимые люди являются только частью их рынка и круга поставщиков (бизнес для богатых дает возможность окупать вложения и расширять бизнес в направлении бедных), которые имеют доступ к сетевым технологиям (что обеспечит эффективный доступ к широкому кругу поставщиков, дистрибьюторов, продавцов, покупателей) и которые активно сотрудничают с заинтересованными кругами (где стороны будут покрывать недостатки друг дру-

В условиях Узбекистана, где на государственном уровне социальная ориентированность экономики ставится наравне с задачами перехода к рыночной экономике, существует большой спрос на инклюзивный бизнес как со стороны государства, так и со стороны частного бизнеса (частные предприятия находятся в поиске новых рынков именно внутри страны в силу географической отдаленности республики от мировых морских путей и на фоне снижения спроса со стороны основных стран-партнеров).

<sup>4</sup> Одним из источников, содержащих анализ мирового опыта развития ИБМ, является доклад *Scaling up Inclusive Business: Advancing the Key Knowledge and Action Agenda*, IFC, 2010.

Большой потенциал расширения имеют формы инклюзивного бизнеса, где уязвимые люди являются только частью их рынка и круга поставщиков (бизнес для богатых дает возможность окупать вложения и расширить бизнес в направлении бедных), которые имеют доступ к сетевым технологиям (что обеспечит эффективный доступ к широкому кругу поставщиков, дистрибьюторов, продавцов, покупателей) и которые активно сотрудничают с заинтересованными кругами (где стороны будут покрывать недостатки друг друга).

га). Китайская компания Tsinghua Tongfang предлагает компьютеры и обучение для фермеров по доступной цене с использованием недорогой операционной системы и программного обеспечения, которое могут легко освоить покупатель с низким уровнем образования, за счет этого расширив рынок своей продукции. В Демократической Республике Конго, где банковский сектор был уничтожен во время войны, компания мобильной связи Celtel International предложила населению услугу перевода денег с помощью SMS-сообщений. Сегодня в этой стране услугами компании пользуются два миллиона клиентов. Транснациональная продовольственная корпорация Groupe Danone в Польше объединила усилия с государственной организацией по вопросам детского здоровья и питания (для бедных), производителем продуктов быстрого приготовления и самой крупной в стране сетью розничной торговли продуктами и предложила потребителям дешевую молочную смесь для детей, обогащенную витаминами и минералами.

Учитывая вышеизложенное, в перечень мер и механизмов, способствующих созданию, развитию и распространению ИБМ в условиях Узбекистана, предлагается включить следующее:

◆ глубокая переработка сельхозкультур и экспорт на рынки развитых стран: существует огромный потенциал переработки плодоовощной продукции, а развитие отрасли имеет свой мультипликативный эффект для всей экономики. Следует разработать территориальные программы производства ликвидных и экспортноориентированных видов продукции с высокой добавленной стоимостью на основе кооперации местных сообществ с крупными предприятиями (кооперативами или крупными фермерами, посредническими предприятиями, непосредственно заказчиками) по принципу «одно село – один продукт»;

◆ разработка общереспубликанской программы развертывания класса специальных интернет-порталов для аренды, обмена вещами и предложения услуг в целях сокращения транзакционных и временных издержек в поиске нужных предметов и услуг населением; удовлетворения потребностей малоимущих людей, не имеющих возможности купить относительно дорогие предметы хозяйствования; максимального использования потенциала временно неиспользуемых имуществ владельцев;

◆ разработка территориальных программ внедрения ми-

крокредитных продуктов, в том числе и беззалоговых, в отраслях производства и переработки животноводческих и плодоовощных продуктов в приусадебных хозяйствах республики;

◆ развитие преимущественно трудоемких секторов экономики: несмотря на то, что наблюдается избыток вполне образованных трудовых ресурсов, большая часть инвестиций идет в такие капиталоемкие сектора экономики, как добывающая, химическая промышленность, металлургия и др.

## ABSTRACTS

### THE INCLUSIVE BUSINESS IN UZBEKISTAN: CURRENT CONDITION AND DEVELOPMENT PROSPECTS

The article is devoted to the inclusive business. Today, inclusive business models, due to their importance for the socio-economic development of the country, are becoming the focus of the economic policies of many states, development institutions and donors. Inclusive business models cover more than half of the world's population, providing access to basic goods and services for low-income segments of the population.

# ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК: АВВАЛ ВА ҲОЗИР

**Кейинги йилларда давлат-хусусий шериклик тушунчаси нафақат кўп қўлланилаяпти, балки бу механизмдан фойдаланишга астойдил киришилмоқда. Шундай экан, у ўзи нима, деган саволга аниқ ва тўғри жавобни топмоқ керак. Бунда бизга давлат-хусусий шериклик жараёнининг дунё миқёсидаги амалиётини таҳлил қилган халқаро экспертларнинг фикр-мулоҳазалари ёрдам бериши мумкин.**

Кўпгина манбаларда келтирилишича, чет эл тажрибасига кўра, давлат билан хусусий бизнес ўртасидаги шериклик турли йўналишдаги бизнес-модель ва муносабатлардир. Тадқиқотларда бу тушунчага турли таърифлар ҳам мавжуд. Лекин, умуман олганда, бу тушунча хусусий сектор ресурсларидан умумжамиyat эҳтиёжларини қондиришда фойдаланиш маъносини англатади. Яъни бундай ҳамкорлик доирасида хусусий ва давлат ресурслари ҳамда активлари бирлашади, ваколатлар тақсимланади, натижада бир томоннинг куч-салоҳияти иккинчи томон учун ҳам хизмат қилади. Одатда ҳар бир ҳамкор ўз инвестициясига мутаносиб равишда фойда кўради. Бундай хусусий бизнес оддий хусусий корхонадан давлат учун хизмат кўрсатиш билан фарқ қилади. Масалан, хусусий корхона ўз маблағини таваккалчилик асосида жалб қилиши, давлат эса ҳеч қандай харажатсиз қўшимча даромад олиши ёки ортиқча тўловларсиз бирор-бир хизматни йўлга қўйиши мумкин.

Шу соҳани ўрганган россиялик эксперт Н. Агазаряннинг ёзишича, давлат-хусусий шерикликнинг дунё миқёсидаги ривожига учта босқичга бўлинади. Биринчи босқичда Латин Америкаси, Шарқий Европа, шунингдек, МДҲ мамлакатлари турибди. Улар томонидан шериклик учун ҳуқуқий ҳужжатлар ва стандартларни ишлаб чиқиш устида иш олиб борилмоқда, бу йўналишдаги бозорни шакллантиришга, биринчи навбатда жорий этиладиган лойиҳаларни аниқлашга киришилмоқда. Таҳлилчининг таъкидлашича, ушбу мамлакатлар давлат-хусусий шерикликни қай йўсинда амалга ошириш керак, бу борадаги хатарлар (риск) қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини етарлича тушунмасдан шундай ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳаракат қилишмоқда.

Иккинчи босқич АҚШ, Канада, Янги Зеландия, Япония,

Россия, Германия, Франция, Испания, Италия каби ривожланган мамлакатларни қамраб олади. Уларда давлат-хусусий шериклик тузилмаси шакллантирилган, норматив-ҳуқуқий база яратилган, янги секторлар қўшилган ҳолда бу соҳадаги лойиҳалар қамрови кенгайтирилган.

Биринчи босқични фақатгина Буюк Британия, Австралия, Жанубий Корея ва Ирландия эгаллашган, холос. Бу мамлакатларда давлат-хусусий шериклик механизми такомиллашгани, унинг ривожига йўлидаги ҳуқуқий тўсиқлар бартараф қилингани, шериклик лойиҳалари бўйича маълум оқим пайдо бўлгани, инфратузилма соҳасида бундай ҳамкорликка қўшилиш истагидаги инвесторлар сони кўпайгани кузатилади.

Энди ушбу жараённинг асл моҳиятига қайтсак. Давлат билан бизнес-ҳамкорлик умумиқтисодий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишга йирик хусусий инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим омилдир. Яъни, давлат билан хусусий бизнес ҳамкорлигига эҳтиёж аввало эгаси давлат ҳисобланган умумий фойдаланиш объектлари — транспорт, коммунал, ижтимоий инфратузилма, маданий объектлар, тарихий ёдгорликлар ҳамда архитектура иншоотларини таъ-

Давлат билан бизнес-ҳамкорлик умумиқтисодий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишга йирик хусусий инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим омилдир.

Давлат билан хусусий бизнес ҳамкорлиги инфратузилма объектлари лойиҳасини ишлаб чиқиш, режалаштириш, молиялаштириш, қуриш ва фойдаланиш мақсадида йўлга қўйилган давлат билан хусусий сектор ўртасидаги хўжалик муносабати бўлиб, бундай алоқалар қўшимча молия манбаларини жалб қилиш мақсадида узоқ муддатга мўлжалланади.

мирлаш, реконструкция қилиш ва шу каби кўплаб жараёнларда туғилади. Давлат эса бундай объектлардан тўла воз кеча олмайди ва мулк эгаси бўлиб қолади ҳамда назорат фаолиятини сақлашга мажбур. Давлат билан хусусий бизнес ҳамкорлиги инфратузилма объектлари лойиҳасини ишлаб чиқиш, режалаштириш, молиялаштириш, қуриш ва фойдаланиш мақсадида йўлга қўйилган давлат билан хусусий сектор ўртасидаги хўжалик муносабати бўлиб, бундай алоқалар қўшимча молия манбаларини жалб қилиш мақсадида узоқ муддатга мўлжалланади.

Шуни таъкидлаш керакки, давлат билан хусусий бизнес ҳамкорлиги механизми кўпгина афзалликларга эга бўлиб, ҳар қандай давлат учун стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни самарали амалга оширишнинг кучли қуроли ҳисобланади. Аввало, давлат ва хусусий бизнес шерикчилиги ўзида бюджет орқали молиялаштиришнинг муқобил шаклини намоён қилади. Давлат билан хусусий бизнес ҳамкорлиги тарзидаги хўжалик юритиш ишлари мамлакат иқтисодий секторига қўшимча манабаларни жалб қилиш имконини беради. Худди шу аснода, тегишли шартнома орқали пайдо бўладиган ўзаро муносабат

орқали хўжалик юритувчи субъектлар – давлат билан хусусий сектор ўртасидаги ресурс ва салоҳият бирлашади. Бу жараёндаги энг муҳим жиҳат шуки, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлиги сезиларли даражада ошади.

### ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Узоқ тарихга эга бўлган давлат билан хусусий сектор ҳамкорлигининг бир неча йўналиш-ни ўз ичига олган асосий тамойиллар мавжуд.

Биринчидан, томонлар тенг манфаатларга эга бўлиб, унинг мазмунини давлат-хусусий шериклик шартномасини имзолаш ҳуқуқи барча хусусий компанияларга берилиши билан изоҳланади. Шунингдек, бунда ҳамкорлар улар олдида турган мақсадга эришиш шакл ва усуллари танлашда эркин ҳаракат қилиш имкониятидан фойдаланишади.

Тегишли шартнома орқали пайдо бўладиган ўзаро муносабат орқали хўжалик юритувчи субъектлар – давлат билан хусусий сектор ўртасидаги ресурс ва салоҳият бирлашади. Бу жараёндаги энг муҳим жиҳат шуки, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлиги сезиларли даражада ошади.

Иккинчидан, тузилган шартнома барқарор, шу билан бирга, унга тегишли ўзгартишларни киритиш имконияти мавжуд бўлиши керак. Чунки одатда бундай шартномалар узоқ муддатга имзоланади ва бу даврда белгиланган шартларга тузатишлар киритишга олиб келувчи ҳолатлар пайдо бўлиши мумкин.

Учинчидан, шартнома шартларини бажаришга нисбатан масъулият муҳим омиллардан бири бўлиб, хусусий компания мазкур ҳамкорлик лойиҳасидаги ишларни тўхтатишга ҳақли эмас. Чунки бу ҳолат лойиҳа амалиётининг истеъмолчиси – кенг жамоатчилик манфаатларига зиён келтириши мумкин. Бундай ҳолларда хусусий компания муаммони давлат билан тегишли мулоқотларни олиб бориш орқали ҳал этиши лозим.

Тўртинчидан, давлат билан хусусий шериклик шартномасини имзолаш учун ўтказиладиган танлов чоғида рақобат тамойили намоён бўлади. Хусусий компаниялар ўртасида ташкиллаштириладиган танлов давлат учун ўзаро шериклик лойиҳасида иштирок этувчилар орасидан самарали ҳамкорни ажратиб олиш имконини беради.

Аҳоли жамият манфаатлари йўлида хизмат қилувчи йирик лойиҳа амалиётининг иштирокчиси бўлган хусусий корхона фаолияти ҳақида маълумотга

эга бўлиши лозимлиги давлат-хусусий шерикликнинг ўзига хос тамойили саналади. Бундай ҳамкорликнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, давлат-хусусий шериклик шартномаси тузилганидан кейин давлат ҳамкор компания молия-хўжалик фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

Шунингдек, давлат мазкур шаклдаги ҳамкорлик лойиҳасига хусусий компанияларни жалб этишни рағбатлантириш тизимини қўллаши лозим. Биргаликда молиялаштириш, солиқ ва божхона имтиёзлари, фойдани тақсимлаш кафолати кабилар шулар жумласидандир. Давлат-хусусий шериклик шартномаси ҳаракатининг давлат томонидан тўхтатилиши ҳолатларида хусусий ҳамкорга унинг инвестицияси бадали тўланиши, олинмаган фойданинг компенсация қилиниши мазкур ҳамкорликнинг ўзига хос тамойилларидан биридир.

Бошқа бир тамойилга кўра йирик лойиҳани амалга оширишда хорижий хусусий корхона ҳам тегишли танловда иштирок этиши, мамлакатдаги мавжуд ҳуқуқлардан маҳаллий тадбиркорлар билан бир хилда фойдаланиши мумкин.

### **МАНФААТДОРЛИК ВА ФОЙДА — МУШТАРАК МАҚСАД**

Ҳар қандай ҳамкорликда бўлгани каби, давлат-хусусий шерикликдан ҳам кўзлангани мақсад умумийлик ва ўзига хослик шаклида намоён бўлади. Давлат бундай ҳамкорликни бир қатор омилларни ҳисобга олган ҳолда ўзи учун фойдали,

Манфаатлари йўлида хизмат қилувчи йирик лойиҳа амалиётининг иштирокчиси бўлган хусусий корхона фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлиши лозимлиги давлат-хусусий шерикликнинг ўзига хос тамойили саналади. Бундай ҳамкорликнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, давлат-хусусий шериклик шартномаси тузилганидан кейин давлат ҳамкор компания молия-хўжалик фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

деб ҳисоблайди. Бу, биринчидан, юқори самарадорлик, яъни анча кам харажат, анча юқори хизмат даражаси, таваккалчилик хатарининг пастлиги билан изоҳланади. Иккинчидан, давлат бошқача йўли бўлмаган шароитда муҳим ва тезкор лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур капитал манбаига эга бўла олади. Ҳамкор ўз фойдасини олиши учун белгиланган ишни тезроқ тугатишдан кўпроқ манфаатдорлиги давлат учун лойиҳанинг ўз вақтида якунланиши ва натижасига нисбатан кўпроқ умидворлик кафолати бўлиб хизмат қилади.

Ўз навбатида, хусусий компания учун бундай ҳамкорликнинг ўзига хос фойдали жиҳатлари бор. У узоқ муддат давомида наф олишни таъминловчи давлат активларига эгалик қилади ва ундан фойдаланади. Амалга оширган инвестициясининг қайтарилиши ҳамкор сифатида давлат томонидан кафолатланади. Меҳнат унумдорлигини оширган ҳолда ўз бизнеси даромадлилигига ва компания барқарорлигига эришади.

Кўриниб турганидек, ҳар икки томоннинг ўзига хос йў-

налишдаги манфаатлари ўзаро уйғун тарзда бирлашиб, бу пировард натижада қўшма лойиҳани биргаликда муваффақиятли якунлашдан иборат умумий мақсадга қаратилган.

Шу ўринда Жаҳон банки экспертлари фикрларига таяниб қайд этиш жоизки, давлат-хусусий шериклик механизмни қўллаш том маънода шартнома даврида аҳолига хизмат кўрсатишдаги сифат ва нарх мутаносиблигини таъминлаган ва бундай амалиёт халқаро тажрибада кўп бор синалган.

### **ABSTRACTS**

#### **PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP: BEFORE AND NOW**

The article examines the public private partnership in Uzbekistan. In recent years, the concept of public-private partnership is not only widely used, but also its mechanism is applied. Here, the right answer to the question of what is PPP must be found. Opinions of international experts on this issue are of vital importance.

# ОЛТИН ТАНГАЛАР ҲАР ҚАНДАЙ ДЕПОЗИТДАН ҲАМ ФОЙДАЛИРОҚ

**Ўзбекистон қимматбаҳо металллар бозорида тажриба лойиҳаси амалга оширилмоқда.**

**Ҳап шундаки, 2018 йил 28 ноябрдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан олтин ва кумушдан тайёрланган эсдалик тангалари муомалага чиқарилди. Жаҳон тажрибаси ва амалиётдан келиб чиқиб, ҳаётга татбиқ қилинаётган бу янгиликдан кўзланган асосий мақсад, энг аввало, аҳолининг инвестиция ва жамғариш имкониятларини кенгайтириш, қолаверса, қимматбаҳо металллар бозори фаолиятини ривожлантиришдир.**

**М**арказий банкдан маълум қилишларича, 1994–2009 йилларда зарб этилган, 2 хил олтин ҳамда 14 хил кумуш эсдалик тангалари сотувга қўйилган. Жумладан, олтиндан тайёрланган тангаларнинг жами сони 1900тани, кумуш асосли тангалар эса 6900тани ташкил этади. Бу қимматбаҳо металлдан ишланган тангаларнинг оғирлиги 31,1 грамм бўлиб, асиллик даражаси 999,9га тенг.

Эсдалик тангалари шу каби техник хусусиятларини тасдиқловчи асиллик сертификатлари билан сотувга чиқарилаётгани қувонарлидир. Уларнинг нархи эса Марказий банк томонидан ҳар ҳафтада камида бир марта миллий валютада белгиланади.

Хўш, ўтган салкам уч ой ичида қимматбаҳо металллар бозорида нарх-наво қайси томонга ўзгарди?

Таҳлилларга қараганда, ўтган давр ичида олтин тангалар

нархи ўртача 1 миллион сўмга, кумуш тангалар нархи эса 29 минг сўмга ошган.

Марказий банк Пул-кредит сиёсати департаменти директори Беҳзод Ҳамроевнинг айтишича, эсдалик тангалари баҳоси қимматлашишига жаҳон бозорида олтинга бўлган талаб ортиб, нархининг кўтарилиши ҳам таъсир қилди. Натижада бўш пул маблағларини қимматбаҳо металллар бозорига йўналтирган юртдошларимиз ютишди.

Дарҳақиқат, йиллик ҳисобда олганда олтин тангалар нархи 35 фоиз, кумуш тангалар нархи эса қарийб 55 фоиз

кўтарилган. Бу рақамлар тангалар сотиб олишга маблағ киритиш ҳозирча ҳар қандай депозит маҳсулотларидан кўра манфаатлироқ ва фойдалироқ бўлиб турганини тасдиқлайди.

Айтайлик, агар ўтган йили 28 ноябрда 12,7 миллион сўм маблағингизни АҚШ доллари сотиб олишга йўналтириб, айти шу кунларда қайта сотганингизда 147 320 сўм, ўша пайтдаги энг қиммат бўлган 21 фоизлик депозитга қўйганингизда эса 599 162 сўм даромад кўрган бўлардингиз.

Марказий банк қимматбаҳо металллардан тайёрланган эсдалик тангаларни механик шикаст етмайдиган шароитларда сақлаш кераклиги ҳақида огоҳлантирмоқда. Хусусан, уларни таркибида фаол кимёвий бирикмалар мавжуд бўлган маиший кимё маҳсулотлари, косметика ва дори воситалари билан бирга сақлаш мумкин эмас. Шунингдек, тангаларни қолип (қаттиқ ва шаффоф капсулалар)сиз поливинилхлориддан тайёрланган альбомларда (рангсиз, шаффоф пластмасса, термопластик полимер) сақлаш ҳам тавсия

Марказий банкдан маълум қилишларича, 1994–2009 йилларда зарб этилган, 2 хил олтин ҳамда 14 хил кумуш эсдалик тангалари сотувга қўйилган. Жумладан, олтиндан тайёрланган тангаларнинг жами сони 1900тани, кумуш асосли тангалар эса 6900тани ташкил этади.

**” МАЪЛУМОТ УЧУН**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки олтин ва кумушдан тайёрланган эсдалик тангаларни муомалага чиқариш бўйича тажриба лойиҳасини амалга оширмоқда.**

Марказий банк ахборот хизматининг маълум қилишича, аҳолининг инвестиция ва жамғариш имкониятларини кенгайтириш, мамлакатда қимматбаҳо металллар бозори фаолиятини ривожлантириш мақсадида ҳамда жаҳон тажрибаси ва амалиётдан келиб чиқиб ушбу лойиҳа амалга оширилмоқда.

Сотувга 1994-2009 йилларда зарб этилган, 2 хил олтин ҳамда 14 хил кумуш эсдалик тангалари қўйилган бўлиб, уларнинг асиллик даражаси 999,9 ҳамда оғирлиги 31,1 граммдан иборат.

Сотувга жами 1900 дона олтин ҳамда 6900 дона кумуш эсдалик тангалари қўйилган.

Мазкур эсдалик тангалар уларнинг техник хусусиятларини тасдиқловчи асиллик сертификатлари билан сотувга чиқарилади. Тангалар «PROOF» сифатига мувофиқ тайёрланган.

Эсдалик тангаларни сотиш нархи Марказий банк томонидан ҳар ҳафтада камида бир марта миллий валютада белгиланади.

2018 йил 28 ноябрдан бошлаб эсдалик тангаларини тижорат банкларининг айрим филиалларида нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар асосида сотиб олиш мумкин (банк филиаллари рўйхати манзиллари кўрсатилган ҳолда илова қилинади).

Эсдалик тангасининг оғирлиги, ишлаб чиқариш хусусиятларидан келиб чиқиб, кўрсатилган параметрлардан 0,01 граммга фарқ қилиши мумкин.

**ЎЗА материаллари асосида.**

этилмайди. Негаки, поливинилхлорид вақт ўтиши билан ёрилади ва ўзидан хлорорганик бирикмаларни чиқариб, тангаларда яшил доғларни

пайдо қилиши, оқибатда сифатининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин.

Эсдалик тангаларини нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб-

лар асосида сотиб олиш мумкинлиги яна бир қулайликдир.

**ABSTRACTS****THE GOLDEN COINS ARE MORE PROFITABLE THAN DEPOSITS**

The article examines the investment to the golden and silver coins. The fact is that on November 28, 2018, the Central Bank of the Republic of Uzbekistan issued golden and silver coins. Based on world experience and practice, the main goal of this event is primarily to increase the investment and saving opportunities of the population as well as improve the performance of precious metals market.




Йиллик ҳисобда олганда олтин тангалар нархи 35 фоиз, кумуш тангалар эса қарийб 55 фоиз кўтарилган. Бу рақамлар тангалар сотиб олишга маблағ киритиш ҳозирча ҳар қандай депозит маҳсулотларидан кўра манфаатлироқ ва фойдалироқ бўлиб турганини тасдиқлайди.

**Саид Раҳмонов тайёрлади.**

# ИНВЕСТИЦИЯ РЕСУРСЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

*Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, жумладан, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқларнинг аҳамияти катта, улар ёрдамида давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий дастурларини амалга оширишга замин яратилади. Бунинг учун солиқларнинг функцияларидан молиявий унсур сифатида самарали фойдаланиш зарур.*

*Азамат Камолов,  
Бухоро вилояти давлат  
солиқ бошқармаси  
ўз хавфсизлик бўлими  
бошлиғи*



*Фотосуратда: Устюрт газ-кимё комплекси.*

**Д**арҳақиқат, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясидаги иқтисодий-ни ривожлантириш ва либераллаштириш номли учинчи устувор йўналишда солиқ юкни камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш, инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларига инвестицияларни фаол жалб қилиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилди<sup>1</sup>.

Инвестиция фаолияти капитал, тадбиркорлик, молия, инновация, ижтимоий, истеъмол ва бошқа инвестицияларнинг ҳамма турлари билан боғлиқ бўлиб, одатда, солиқларнинг фискал ва тартибга солиш функцияларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Солиқларнинг тартибга солувчилик функцияси билан фойдаланган ҳолда

миллий иқтисодийнинг ўзидаги чекланган ресурсларни инвестициялашда давлат ва хусусий манфаатлар нисбатини мақбуллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Миллий иқтисодий тизимни ривожлантириш ва барқарорлигини мустаҳкамлашда инвестициялар муҳим аҳамият касб этади – иқтисодий тартибга солувчи бўлиб, иқтисодий ўсиш суръатлари аҳоли турмуш даражаси ва корхоналар рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради. Инвестиция жараёнларини молия-кредит механизмлари орқали рағбатлантиришда эса энг мақбул восита солиқ механизми ҳисобланади. Шу сабабдан иқтисодий тизимга инвестиция

ресурслари фаол жалб қилинишини кучайтиришда солиқ механизмнинг энг таъсирчан ва самарали дастакларини татбиқ этиш зарурлиги ҳозирда муҳим ва долзарб масалалардан бирига айланган.

Инвестиция жараёнига солиқларнинг таъсир этиш муаммолари бўйича инглиз иқтисодчи олими Жон Мейнард Кейнс 1930 йилдаги «Пуллар ҳақидаги трактат»да инвестициялар – жамғармаларга тенг, деган тезиснинг номувофиқлигини асослаб берган. Кейнс назариясининг марказий ғояси солиқлар иқтисодий тартибга солишнинг ягона воситаси экани ва унинг муваффақиятли ривожланиши таркибий қисмларидан

Инвестиция фаолияти капитал, тадбиркорлик, молия, инновация, ижтимоий, истеъмол ва бошқа инвестицияларнинг ҳамма турлари билан боғлиқ бўлиб, одатда, солиқларнинг фискал ва тартибга солиш функцияларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади.



ЎзА фотоси.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февраль Фармони.



Миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш ва барқарорлигини мустақкамлашда инвестициялар муҳим аҳамият касб этади – иқтисодиётда рўй бераётган таркибий ўзгаришлар, иқтисодий ўсиш суръатлари, аҳоли турмуш даражаси ва корхоналар рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради. Инвестиция жараёнларини молия-кредит механизмлари орқали рағбатлантиришда эса энг мақбул восита солиқ механизми ҳисобланади.

бири эканидан иборат эди. Кейнснинг фикрича, иш билан бандлик ортиши туфайли миллий даромад, демак, истеъмол ортади, аммо истеъмол даромадга нисбатан секинроқ ортади, чунки даромад ортиши билан жамғаришга интилиш кучаяди. Унинг асосий психологик қонуни шундан иборатки, одамлар одатда даромадлар ортиши билан истеъмолни ҳам оширади, аммо бу ўсиш даромадлар даражасида бўлмайди. Оқибатда даромадлар ўсиши билан жамғариш ортади ва истеъмол нисбатан камайиб боради. Пировардида самарали талаб камаяди, талаб шундай йўл билан ишлаб чиқариш ҳажмлари ва бандлик даражасига таъсир этади<sup>2</sup>.

Кейинчалик неокейнсчилик вакиллари (Е. Домар, Ф. Перу, Р. Харрод, Э. Хансен) Ж.М. Кейнснинг «Бандлик ва фоизнинг умумий назарияси» асаридаги ишлаб чиқариш воситаларида янги инвестициялар ва истеъмол талабини шакллантиришда давлатнинг рағбатлантирувчи роли ғоясини қўллаб-қувватлайдилар<sup>3</sup>.

Инвестицияларнинг мазмун ва моҳиятини очиб

беришда Д.Ф. Ғозибековнинг «Инвестицияларни молиялаштириш масалалари» номли илмий асаридаги инвестицияларнинг макро-даражали ва ишлаб чиқариш назарияси, молия назарияси ва, умуман, иқтисодиётдаги фикрлари алоҳида аҳамиятга эга. Олимнинг фикрига кўра, инвестицияларнинг моҳиятини таърифлаб ўтганда уларнинг турли хил хатарлар ва кутилаётган даромадлар

Иқтисодиётимизга инвестиция ресурслари фаол жалб қилинишини кучайтиришда солиқ механизмнинг энг таъсирчан ва самарали дастакларини татбиқ этиш зарурлиги ҳозирда муҳим ва долзарб масалалардан бирига айланган.

<sup>2</sup> Кейнс Дж. М. «Трактат о деньгах», перев. с англ. – Москва, Гелиос АРВ, –1930. – С. 468.

<sup>3</sup> Кейнс Дж. М. *Общая теория занятости, процента и денег.* – Москва, Гелиос АРВ, 1999. – С. 352.

билан боғлиқлигини ҳамиша ёдда тутмоқ зарур. Инвестиция ана шу белгилари билан бошқа маблағ солишлардан фарқланиб туради<sup>4</sup>.

И.Я.Лукаевич томонидан таҳлил қилинган инвестициялар моҳиятининг замонавий сифат таснифлари 1-жадвалда келтирилган.

Даромадлар ва/ёки бойлик аввало яратилиши ва ундан кейин истеъмол қилиниши керак, бу эса шуни англатадики, ишлаб чиқариш омилларига солиқларнинг таъсири, яъни капитал ва ишчи кучи бойлик яратилишида айниқса муҳим ҳисобланади. Корпоратив ва акциядорлик солиқлари капитал яратилишини ва инвестициялар рағбатлантирилишини пасайтиради. Инвестицияларнинг камлиги сермахсул ишчилар камайиши ва мос равишда иш ҳақи анча пасайишини англатади<sup>5</sup>.

Ҳозирги кунга келиб солиққа тортишнинг биринчи дастагидан, яъни ставкаларни пасайтириш тарзидаги дастакдан етарлича фойдаланилмоқда. Мисол учун, фойда солиғи ставкаси 1995 йилдаги 38 фоиздан 2017 йилда 7,5 фоизга ёки 22 йил мобайнида 5 баробардан зиёдга камайтирилди.

М.А. Забалуева иқтисодиёт ривожланишини рағбатлантиришга солиқ тўловчининг ихтиёрида солиқ тўлангандан кейин қоладиган маблағларни ошириш ҳисобига эришилади, деб илмий асослаб берган<sup>6</sup>. Профессор Т.Маликов солиқларнинг фаолликка таъсири ҳақида тўхталиб, «солиқлар ёрдамида тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу тармоғи ривожланишига таъсир кўрсатиш мумкин»лигини таъкидлаб ўтган<sup>7</sup>.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Д.Ф.Ғозибеков ва Т.М.Қоралиевларнинг «ин-

вестиция даромад (фойда) ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбилармонликнинг давлат томонидан тақиқланмаган фаолиятларига жалб қилинадиган (сарфланадиган) барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал бойликлардир» деган таърифларига тўлиқ қўшилиш мумкин<sup>8</sup>.

Молия-кредит тизими – мамлакатнинг инвестиция муҳитини шакллантирадиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади. А.Вахабов фикрича, бунда корхоналар ва аҳолининг инвестиция фаол-

1-жадвал

## Инвестициялар моҳиятининг замонавий сифат таснифлари

Таърифлар	Ишлаб турадиган соҳаси	Инвестициялар амалга ошириладиган мақсадларнинг аниқ ифодаланиши
Маблағлар	Асосий фондлар	Даромадлар олиниши
Қимматликлар	Асосий капитал	Фойда олиниши
Ресурслар	Ишлаб чиқариш маблағлари	Капитални кўпайтириш
Харажатлар	Халқ хўжалиги тармоқлари	Пул бойликларининг ўсиши
Капитал қўйилма	Ишлаб чиқариш сектори	Фойдали натижа (самара)га эришиш
Капитал захираларининг ўсиши	Юридик шахс	Ижобий иқтисодий натижа (самара)га эришиш
Бўнак (аванс) бериш	Тадбиркорлик объектлари	Ижобий ижтимоий натижа (самара)га эришиш
Жараён	Иқтисодий объект	Такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш
Активлар алмашуви	Дастурлар	Ишлаб чиқариш секторининг ишлаб туриши
Мулк ўзгариши	Лойиҳалар	Иқтисодиёт ўсишини молиялаштириш

**Манба:** Лукаевич И.Я. Теория инвестиций. Инвестиции: Учебник. – М.: Вузовский учебник: ИНФРА-М, 2011. – 413 с.

<sup>4</sup> Ғозибеков Д.Ф. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: «Молия», 2003. – 329-бет.

<sup>5</sup> William McBride. Солиқларнинг иқтисодий ўсишга таъсири // Tax Foundation, National Press Building, 2012. №207, 529 14th Street N.W., Suite 420, Washington, USA, DC 20045, <http://www.TaxFoundation.org>.

<sup>6</sup> Забалуева М.А. Налоговое стимулирование инвестиций в инновационное развитие экономики России. – Москва, «ИНФРА», 2005. – С. 213.

<sup>7</sup> Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: «Академия», 2002. – 204-бет.

<sup>8</sup> Ғозибеков Д.Ф., Қоралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. – Т.: «Молия», 1993. – 46-бет.

Корхона ва ташкилотлар фойдасининг ўсиши республикамизда солиқ юки ва фойда солиғи ставкалари ўзгаришларига тескари боғлангандир. Бироқ ставканинг пасайиши натижасида корхона ихтиёрида қоладиган суммани инвестиция жараёнига жалб этиш сушт кечмоқда ва кутилган натижани бермаяпти.

лигини рағбатлантириш ҳамда республика иқтисодиётига хорижий капитални кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилиши зарур<sup>9</sup>.

Давлат томонидан фойданинг юқори солиққа тортилиши натижасида хўжалик субъектларининг инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятлари секинлашади. Корхоналар фойдасини солиққа тортишда фақат фискал услублар билангина чекланиш керак эмас, балки хусусий тадбиркорлик ва инвестиция фаолиятларини ҳам рағбатлантириш зарур, дея таъкидлайди профессор Ш.Тошматов. У корхона ва ташкилотлар фойдасининг ўсиши республикамизда солиқ юки ва фойда солиғи ставкалари ўзгаришларига тескари боғланганлигини илмий асослаб берган<sup>10</sup>.

И.А. Майбууров томонидан «Солиқлар ва солиққа тортиш» дарслигида келтирилган солиқ механизми таърифига тўхталадиган бўлсак, солиқ

механизми – ўзида мамлакатнинг мавжуд бўлишини таъминлаш учун унинг солиқ тизимини бошқариш тартибини белгилайдиган ҳуқуқий меъёрлар тизими ва ташкилий чораларни ифодалайди. Солиқ механизмини ташкил этиш пойдевори – мамлакат солиқ тизимини бошқариш функцияларини амалга оширишга масъул бўлган аниқ субъектларни, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғиндисини, солиқ муносабатларининг субъектлар таркибини ва бу механизмни амалга оширишнинг аниқ қонун-қоидаларини белгилайдиган солиққа оид қонун ҳужжатлари ҳисобланади<sup>11</sup>.

М.В. Поповнинг «Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда инвестицияларни солиқ инструментлари орқали рағбатлантириш» мавзусидаги илмий мақола-сида жаҳоннинг айрим ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида чел эл инвесторларига тақдим этиладиган имтиёзлар келтирилган (2-жадвал)<sup>12</sup>.

Шунингдек, Н.А. Филиппованинг «Инвестиция фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солиш» илмий мақола-сида инвестиция фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш усуллари таҳлил қилинган<sup>13</sup>.

Солиқ механизми – солиқларни ташкил қилишда иштирок этадиган солиқ солиш билан боғлиқ элементлар йиғиндисидир. Солиқ солиш билан боғлиқ элементлар Солиқ кодексининг 24-моддасида<sup>14</sup> белгиланган бўлиб, солиқлар орқали инвестицион жараёнларни тартибга солишда солиққа тортиш тизимининг асосан икки дастагидан кўп-

Ҳар ким имкони борича камроқ солиқ тўлашни ва кўпроқ даромад олишни истайди ва шу билан бирга даромаднинг бир қисмини келгусида кўпроқ даромад олиш учун риск сабабли сафарбар этишни ёки, бошқача айтганда, ундан ажралишни хоҳламайди.

<sup>9</sup> Вахабов А.В. ва бошқалар. Хорижий инвестициялар. – Т.: «Молия», 2010. – 328-б.

<sup>10</sup> Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 40-бет.

<sup>11</sup> Майбууров И.А. Налоги и налогообложение. Учебник. 6-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. – С. 487.

<sup>12</sup> Попов М.В. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда инвестицияларни солиқ инструментлари воситасида рағбатлантириш. Илмий мақола. Вопросы современной науки. Университет им. В.И. Вернадского. Саратов. 2012. №2 (40). – 208–218-бетлар.

<sup>13</sup> Филиппова Н.А. Инвестиция фаолияти солиқлар воситасида тартибга солиш объекти сифатида. Илмий мақола. Сборник научных трудов СевКавГТУ. Серия «Экономика» 2013. №6. – 102–113-бетлар.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Тошкент, «Адолат», 2016. – 410-бет.

2-жадвал

## Жаҳон мамлакатлари бўйича чет эл инвесторига тақдим этиладиган имтиёзлар

№	Мамлакатлар	Имтиёзлар, қўйилма маблағларига нисбатан %да	Изоҳ
1	Бельгия	100	Инвесторлар учун имтиёзлар
2	Италия	210	Инвесторлар учун имтиёзлар ва 10 йил муддатга солиқ таътиллари
3	Буюк Британия	30	Ишчи ўрни яратган ва ходимларни ўқитган инвесторлар учун имтиёзлар, солиқлар бўйича имтиёзлар ва тезлаштирилган амортизация
4	Ирландия	75	Ишчи ўрни яратган инвесторлар учун имтиёзлар, 11 йил муддатга солиқ таътиллари
5	Хитой	60	Корпоратив солиқ ставкаларининг пасайтирилиши ва фойда қайта инвестицияга йўналтирилганлиги учун солиқ имтиёзлари
6	Саудия Арабистони	130	10 йил муддатга солиқ таътиллари
7	Қозоғистон	65	5 йил муддатга солиқ таътиллари, кейинчалик яна солиқларни 50 фоиз пасайтириш
8	Россия	25	Тайёр маҳсулотга божхона божлари учун 50 фоиз имтиёз ва маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар

**Манба:** Филиппова Н.А. Инвестиция фаолияти солиқлар воситасида тартибга солиш объекти сифатида. Илмий мақола. Сборник научных трудов СевКавГТУ. Серия «Экономика» 2013. №6. – 102–113-бетлар.

роқ фойдаланилади: ставкалар ва имтиёзлар.

Ҳозирги кунга келиб солиққа тортишнинг биринчи дастагидан, яъни ставкаларни пасайтириш тарзидаги дастакдан етарлича фойдаланилмоқда. Мисол учун, фойда солиғи ставкаси 1995 йилдаги 38 фоиздан 2017 йилда 7,5 фоизга ёки 22 йил мобайнида 5 баробардан зиёдга камайтирилди.

Корхона ва ташкилотлар фойдасининг ўсиши республикамизда солиқ юки ва фойда солиғи ставкалари ўзгаришларига тескари боғлангандир. Бироқ ставканинг пасайиши натижасида корхона ихтиёрида қоладиган суммани инвестиция жараёнига жалб этиш суст кечмоқда ва кутилган натижани бермаяпти, дейиш мумкин.

Ўз навбатида, корхоналар ихтиёрида қоладиган даромадлар тўлиқ инвестицияларга сарфланади, дейиш ҳам бир оз нотўғри бўлади. Бунинг энг асосий сабабларидан бири, ҳар ким имкони борича камроқ солиқ тўлашни ва кўпроқ даромад олишни истайди ва шу билан бирга даромаднинг бир қисмини келгусида кўпроқ даромад олиш учун риск сабабли сафарбар этишни ёки, бошқача айтганда, ундан ажралишни хоҳламайди.

Солиқлар орқали тартибга солишнинг иккинчи дастаги имтиёздир. Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий ўзгартиришда энг кенг қўлланиладиган инструментлардан бири иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва ишлаб чиқариш турларига солиқ имтиёзлари бериш йўли билан ривожланишни рағбатлантиришдир.

Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий ўзгартиришда энг кенг қўлланиладиган инструментлардан бири иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва ишлаб чиқариш турларига солиқ имтиёзлари бериш йўли билан ривожланишни рағбатлантиришдир.

Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий ўзгартиришда энг кенг қўлланиладиган инструментлардан бири иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва ишлаб чиқариш турларига солиқ имтиёзлари бериш йўли билан ривожланишни рағбатлантиришдир.

Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий ўзгартиришда энг кенг қўлланиладиган инструментлардан бири иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва ишлаб чиқариш турларига солиқ имтиёзлари бериш йўли билан ривожланишни рағбатлантиришдир.

Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий ўзгартиришда энг кенг қўлланиладиган инструментлардан бири иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва ишлаб чиқариш турларига солиқ имтиёзлари бериш йўли билан ривожланишни рағбатлантиришдир.

Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий ўзгартиришда энг кенг қўлланиладиган инструментлардан бири иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва ишлаб чиқариш турларига солиқ имтиёзлари бериш йўли билан ривожланишни рағбатлантиришдир.

Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий ўзгартиришда энг кенг қўлланиладиган инструментлардан бири иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва ишлаб чиқариш турларига солиқ имтиёзлари бериш йўли билан ривожланишни рағбатлантиришдир.

Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий ўзгартиришда энг кенг қўлланиладиган инструментлардан бири иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва ишлаб чиқариш турларига солиқ имтиёзлари бериш йўли билан ривожланишни рағбатлантиришдир.

Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий ўзгартиришда энг кенг қўлланиладиган инструментлардан бири иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва ишлаб чиқариш турларига солиқ имтиёзлари бериш йўли билан ривожланишни рағбатлантиришдир.

Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий ўзгартиришда энг кенг қўлланиладиган инструментлардан бири иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва ишлаб чиқариш турларига солиқ имтиёзлари бериш йўли билан ривожланишни рағбатлантиришдир.

Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий ўзгартиришда энг кенг қўлланиладиган инструментлардан бири иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва ишлаб чиқариш турларига солиқ имтиёзлари бериш йўли билан ривожланишни рағбатлантиришдир.

Бу даврда тадбиркорлик фаолиятига йўналтирилган инвестиция, шу жумладан, жалб қилинган хорижий инвестициялар учун берилган солиқ имтиёзларидан фойдаланган юридик шахслар сони умумий фойдаланилган солиқ имтиёзларига нисбатан ўртача 8,3 фоизни ташкил этган бўлса, имтиёзлар суммасида атиги 2,3 фозни ташкил этмоқда.

Таҳлилларимизни давом этириб, 2-диаграмма орқали фойда солиғи бўйича тақдим этилган солиқ имтиёзи, солиқ солиш базасидан камайтириш ва солиқ ставкаси пасайтирилиши самарадорлигини мазкур шартли мисол тариқасида кўриб чиқамиз. Қуйидаги

Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий ўзгартиришда энг кенг қўлланиладиган инструментлардан бири иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва ишлаб чиқариш турларига солиқ имтиёзлари бериш йўли билан ривожланишни рағбатлантиришдир.

Бошқа имтиёз ва энгилликларга нисбатан солиқ солиш базасидан (30 фоиз ошмаган ҳолда) йўналтирилган инвестиция суммасини камайтириш тарзидаги имтиёз корхона инвестицион фаоллигини оширишда самаралироқ усул ҳисобланади, чунки бундай имтиёзлар ҳисобига қоладиган маблағлар солиқ тўловчининг ўзида мақсадли йўналтирилиши шарти билан бошқа имтиёзлардан фарқланади.

ҳисоб-китоб натижалари шунини кўрсатадики, солиқ солиш базасидан (30 фоиз ошмаган ҳолда) йўналтирилган инвестиция суммаси чегирилган тақдирда капитал қўйилмаларини молиялаштириш манбаси 52,4 млн. сўмни ташкил этмоқда. Фойда солиғидан тўлиқ озод қилинган тақдирда эса 42,0 млн. сўмни, фойда солиғидан 50% миқдорда озод қилинган тақдирда 39,0 млн. сўмни, фойда солиғи ставкаси 50% миқдорда пасайтирилган тақдирда 40,4 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Демак, бошқа имтиёз ва энгилликларга нисбатан солиқ солиш базасидан (30 фоиз ошмаган ҳолда) йўналтирилган инвестиция суммасини камайтириш тарзидаги имтиёз корхона инвестицион фаоллигини оширишда самаралироқ усул ҳисобланади, чунки бундай имтиёзлар ҳисобига қоладиган маблағлар солиқ тўловчининг ўзида мақсадли йўналтирилиши шарти билан бошқа имтиёзлардан фарқланади.

Солиқ ва божхона имтиёзлари эришилган (таннарх камайиши, меҳнат унумдорлиги ўсиши, фойда ўсиши, бандлик, ишлаб чиқариш қувватлари таъминланиши, ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши, энергия тежалиши, экспорт ҳажми

ўсиши ва бошқалар) натижалардан қатъи назар тақдим этилади.

Бундан ташқари, солиқ имтиёзларининг иқтисодиётга таъсирини мониторинг қилиш механизми мавжуд эмаслиги солиқ имтиёзлари самарадорлигини оширишни тўхтатувчи омил ҳисобланади. Бу солиқ имтиёзларини унинг иқтисодиёт ва бюджет учун иқтисодий оқибатларидан келиб чиққан ҳолда тақдим этишнинг аниқ мезонларини белгилашга имкон бермайди ҳамда имтиёзларни тақдим этиш механизмининг аниқлиги, очиқлиги ва шаффофлиги яратилишини қийнлаштиради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Солиқ имтиёзлари самарадорлиги пастлигининг асосий сабабларидан бири аксарият солиқ имтиёзларининг ҳеч қандай шартларсиз берилиши ва қайтариб олинмаслигидадир. Имтиёзлардан фойдаланувчи корхона иш-

лаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини ошириш, ҳажмини кўпайтириш ёки экспорт ҳажмини ошириш бўйича ўзига ҳеч қандай мажбурият олмайди.


Шунинг учун тақдим этилаётган солиқ имтиёзлари натижага йўналтирилиши, яъни имтиёз тақдим этилиши натижасида корхона рентабеллиги ошиши, янги иш ўринлари яратилиши, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ва қувватлар тежалиши каби мезонлардаги ижобий ўзгаришларидан келиб чиққан ҳолда тақдим этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 356-моддаси 3-қисмида назарда тутилган янги технологик асбоб-ускуналар олиш, сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлаш, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш учун комплекслар олишга йўналтирилган

Солиқ имтиёзларининг иқтисодиётга таъсирини мониторинг қилиш механизми мавжуд эмаслиги солиқ имтиёзлари самарадорлигини оширишни тўхтатувчи омил ҳисобланади.

Чизма

**Инвестиция фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш усуллари тавсифи**



Манба: Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Тошкент, «Адолат», 2016. – 410-бет.

1-диаграмма

**Ўзбекистонда фойда солиғи ставкалари пасайтирилиши таҳлили**



Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005–2017 йиллардаги «Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида»ги қарорлари. Lex.uz.

2-диаграмма

**Инвестиция фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш усуллари тавсифи**



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмиталарининг расмий сайтлари ҳисоботлари ва маълумотлари.

3-жадвал

**Фойда солиғи бўйича солиқ ставкаси пасайтирилиши ва тақдим этилган солиқ имтиёзлари самарадорлиги ҳисоб-китоби (млн. сўм)**

Кўрсаткичлар	Базис вариант	Фойда солиғидан тўлиқ миқдорда солиқ имтиёзи тақдим этиш варианты	Фойда солиғидан 50% миқдорда солиқ имтиёзи тақдим этиш варианты	50% миқдорда фойда солиғи ставкасини пасайтириш варианты	Солиқ солиш базасидан (30% ошмаган ҳолда) йўналтирилган инвестиция суммасини камайтириш варианты
Тушум	60,0	60,0	60,0	60,0	60,0
Харажатлар	18,0	18,0	18,0	18,0	18,0
Ялпи фойда	42,0	42,0	40,4 (42,0-1,6)	42,0	42,0
Имтиёз	-	3,2	1,6 (50%*3,2)	-	12,6 (30%*42)
Фойда солиғи суммаси (7,5% ставкаси бўйича)	3,2	3,2	3	1,6 (50%*3,2)	2,2 ((42-12,6) *7,5%)
Соф фойда	38,8	42,0	37,4	40,4	39,8
Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаси ҳисобланган жами сумма	38,8	42,0	39 (37,4+1,6)	40,4	52,4 (39,8+12,6)

**Манба:** Гиясов С.А. Корхоналарнинг инвестицион фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш. МД. Тошкент, 2017. – 76-бет.

маблағлар суммаси, бироқ солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизи, харажатлар амалга оширилган солиқ давридан бошлаб, технологик асбоб-ускуна бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан бошлаб 5 йил ичида ягона солиқ тўловининг солиқ солинадиган базасидан камайтирилиши белгиланган.

Мазкур солиқ имтиёзи самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги 3-хатбоши сифатида «янги технологик жиҳоз харид қилинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан 3 йил ичида реализация қилинган ёки текинга берилган тақдирда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун бекор қилиниши ҳамда ушбу имтиёз фақат товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чи-

қаришни амалга оширувчи солиқ тўловчилар томонидан қўлланилиши» мазмунидаги қўшимча киритилиши ушбу имтиёзнинг натижадорлигини оширади.

3. Тақдим этилаётган солиқ имтиёзларининг бюджет даромадларидаги тегишли йўқотишлар миқдорини аниқ баҳолайдиган, берилган имтиёз ҳисобига эришиш керак бўлган мақсад самарадорлиги таҳлил қилинадиган ривожланган давлатларнинг андозалари асосида такомиллаштирилган услубиёти ишлаб чиқилиши имтиёз олувчиларнинг масъулиятини янада оширади.

Ишлаб чиқилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар амалда қўлланилиши туфайли келажакда солиқ тўловчиларнинг инвестицион фаоллигини оширишда, ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришда, имтиёзлар ҳисобига корхоналар ихтиёрида қоладиган маблағлар мақсадли

йўналтирилишида ва солиқ тушумларининг ошишида сезиларли натижаларга эришилади, деган умиддамиз.

**ABSTRACTS**

**THE EFFECTIVE USE OF TAX MECHANISM IN ATTRACTING OF INVESTMENT RESOURCES**

The article is devoted to the effective use of tax mechanisms in attracting investments. The economic reforms carried out in Uzbekistan, in particular, in the liberalization of economy, the importance of taxes is crucial for the implementation of economic and social programs of the state. For this reason, it is necessary to use effectively tax functions as a financial element.

# ИНВЕСТИЦИЯ МАРКАЗИ БИЗНЕС-ЖАРАЁНЛАРНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРАДИ

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзсаноатқурилишбанк ҳамкорлигида Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш маркази ишга туширилди.**

**М**амлакатимизда барча ҳудудларнинг инвестиция салоҳиятини ошириш, иқтисодийнинг устувор соҳа ва тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш, инвестиция киритиш жараёнининг рақобатбардош экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан ўзаро боғлиқлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Инвестиция иқлимини яхшилаш, экспорт салоҳиятини ошириш, умуман, бизнес-жараёнларни жадал ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган ушбу саъй-ҳаракатлар пойтахтимизда ишга туширилган Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш маркази фаолиятида ҳам акс эттирилди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи сав-

до вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзсаноатқурилишбанк ҳамкорлигида ташкил қилинган мазкур марказ Президентимизнинг ўтган йил декабрь ойида Тошкент шаҳри туманларига ташрифлари давомида мутасадди ташкилотлар олдига қўйилган вазифаларнинг амалдаги ифодасидир.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг ушбу топшиғига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Марказий банк томонидан Тижорат банкларининг 2019 йилда инвестиция фаолиятини жадаллаштиришга қаратилган «йўл харитаси» тасдиқланган бўлиб, унга кўра тижорат банкларида мана шундай марказлар фаолияти йўлга қўйилиши белгиланган.





Ўзсаноатқурилишбанк таркибида муассасанинг Яшнобод филиалида иш бошлаган Инвестиция маркази Ўзбекистонда биринчилар қаторида ташкил этилганлиги билан аҳамиятлидир.

– Марказда инвесторлар учун яратилган қулайликларнинг энг асосийси – бу ерда хизмат кўрсатишнинг «ягона дарча» тамойили асосида ташкил қилинганлигидир, – дейди **Ўзсаноатқурилишбанк департамент директори Азим Райимбоев**. – Бизнес-режалар тузиш, лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда манбаларини аниқлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш, бир сўз билан айтганда, инвесторнинг ўз фаолиятини тўла йўлга қўйиб олгунича бўлган барча босқичлар бир жойда амалга оширилади. Бундан ташқари, марказ ходимлари инвесторларга лойиҳа самарадорлигини оширишда юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда ҳам маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли идоралар билан биргаликда ёрдам беради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзсаноатқурилишбанк томонидан жами қиймати 960 млн. АҚШ доллари бўлган 19 турдаги чет эл кредит линиялари таклиф қилинмоқда. Ушбу маблағлар йирик корхоналар ҳамда тадбиркорлик субъектларига Европа Иттифоқи давлатлари, Корея Республикаси, Туркия, Хитой, Россия ва бошқа давлатлардан технологик ускуна ва махсус техникалар харид қилиш, айланма маблағларини тўлди-

риш ҳамда чет элдан товар ва хизматлар импортини молиялаштириш йўналишида савдони молиялаштириш мақсадида жалб қилинмоқда.

Инвестиция марказида инвесторлар билан ишлаш зали, музокаралар хонаси ташкил этилган. Таклиф этилган инвесторлар билан банк ходимлари ва мутасадди идоралар вакиллари бўлғуси лойиҳалар хусусида ўзаро мулоқот қилишади.

– Ўзбекистонда хорижий инвесторларга яратилаётган шароитлардан мамнунмиз, – дейди **хитойлик сармоядор Хэ Финг**. – Инвестиция марказининг очилиши эса юртингизга инвесторлар кириб келишининг кўпайишига хизмат қилади. Биз аккумуляторлар билан ишлайдиган ҳамда экология ва атроф-муҳит учун безарар ихчам мопед, мотоциклларни ишлаб чиқариш ҳаракатида миз. Бу борадаги ташкилий ишлар ҳеч қандай қийинчиликларсиз бормоқда. Молиявий масалалар борасида эса «Ўзсаноатқурилишбанк» билан ҳамкорлик қилмоқдамиз.



Дарҳақиқат, Инвестиция маркази фаолиятидаги яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, тузилма тадбир-корлар ва хорижий инвесторлар учун «кредит супермаркети» сифатида хизмат қилади. Яъни, у ерда чет эллик инвесторларга ўзлари учун ҳар томонлама мақбул бўлган лойиҳаларни танлашга ва уларга тўғридан-тўғри инвестицияларни киритишга кўмаклашилади. Маҳаллий лойиҳа ташаббускорларига эса ўз бизнес-режаларини амалга оширишда қўшимча сармоёга зарурат туғилса, уни Ўзсаноатқурилишбанк хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштиришга ёрдам берилади.

Бунинг учун марказ ходимларининг юқори билим ва тажрибага эга бўлишига алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг малакаси хорижлик экспертлар кўмагида доимо ошириб борилиши кўзда тутилган.

– Ўзбекистонда тадбиркорлик қилиш орзуим эди, – дейди **хорижлик инвестор Бек Ниязов (АҚШ)**. – Шу кунларда ушбу орзуим рўёбга чиқиш арафасида турибди. Бунинг учун инвесторларга қулай шароитлар яратаётган давлат раҳбарига чексиз миннатдорлик билдираман. Марказ ҳақида тўхталиб, тузилма олдига қўйилган вазифалар айни давр талаби эканлигини, уларни амалга ошириш натижасида мамлакат иқтисодиётига жуда кўп миқдорда инвестициялар киритилиб, бир неча юзлаб ис-



тиқболли лойиҳалар татбиқ қилинишини қайд этиш мумкин.

Ўзсаноатқурилишбанк томонидан мамлакатимизга хорижий инвесторларни янада кенг жалб этиш мақсадида олиб борилаётган чора-тадбирлар кўлами кенгдир. Хусусан, банк расмий сайтида (uzpsb.uz) «Invitation page» саҳифаси ташкил қилинмоқда. Мазкур саҳифа республикамизга қизиқиш билдирган хорижий сармоядорларга тайёр инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқишлари ва танлаб олишлари учун қулайлик яратади.

Мухтасар қилиб айтганда, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда мамлакатда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш устувор вазифалардан бири ҳисобланар экан, юртимизда шу мақсадни кўзлаб олиб борилаётган ислохотлар долзарб ва эътиборга моликдир.

Ўз навбатида, Ўзсаноатқурилишбанк таркибида иш

бошлаган Инвестиция маркази ҳам миллий иқтисодиётга жалб қилинаётган инвестициялар, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кўламнинг ошишига, пировардида республикамизда инвестиция жозибадорлигини юксалтиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

## ABSTRACTS

### THE INVESTMENT CENTER – ACCELERATION OF BUSINESS PROCESSES

The article is devoted to the investment center established by the Uzpromstroybank. The center for coordination investment activity and project management was opened in Tashkent with the support of the Ministry of foreign trade, the administration of the city of Tashkent and Uzpromstroybank.


## ҚОЗОҒИСТОН МБ СТАВКАНИ РЕАЛ ИФОДАДА 3–3,5% ДАРАЖАСИДА УШЛАБ ТУРИШ НИЯТИДА

Қозоғистон Миллий банки базавий ставкани реал ифодада 3–3,5% даражасида ушлаб турмоқчи, инфляция даражасини эса 2022 йилдан 3–5%гача туширмоқчи, дея хабар беради маҳкама раҳбари Ербўлат Дўсаев.

Март ойи бошида Миллий банк базавий ставкани 9,25% даражасида сақлаб қолишга қарор қилди. Февраль ойи якунлари бўйича йиллик инфляция 4,8% даражасида қолди.

«Қозоғистон Миллий банки реал ифодада ижобий бўлган базавий ставканинг даражасини 3–3,5% атрофида сақлаб туришга интиломда. Инфляциянинг белгиланган мақсадли коридор чегараларидан чиқиб кетиши хатари кучайганда пул-кредит сиёсати қатъийлаштирилиши мумкин», – деди Дўсаев сешанба куни ҳукумат мажлисида.

Шу билан бирга, у самарали пул-кредит сиёсатини олиб бориш ва инфляция устидан назорат бўйича чораларни кўриш учун Миллий банк паст даражадаги инфляцияни, шунинг-



дек, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши барқарорлигини ва аҳоли турмуш даражасини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратган ҳолда инфляцион таргетлаш режимини сақлаб қолишини таъкидлади.

Қозоғистон Миллий банки раиси валюта бозори барқа-

рорлигини таъминлаш масаласи хусусида ҳам тўхталиб ўтди. «Қозоғистон Миллий банки тенге курси динамикасининг башоратлилигини ошириш бўйича вазифани бажаришни ўз олдига қўйган. Валюта савдоларига аралашмаслик сиёсати сақлаб қолинганда Қозоғистон Миллий банки юмшатовчи интервенцияларни ўтказиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қола олади», – деди Дўсаев.

Хорижий валютани харид қилиш ёки сотиш бўйича режалаштирилаётган операцияларга доир ахборотнинг изчиллиги ва шаффофлиги валюта бозорига барқарорлик бахш этади, дея таъкидлади у. Валюта таваккалчиликларини хеджирлашнинг муҳим дастаги сифатида ҳосила молиявий дастаклар бозорини ривожлантириш бўйича чоралар кўрилади.

## РОССИЯ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2020 ЙИЛДА ФЗТ ВА ЕМБ СТАВКАЛАРИ ОШИРИЛИШINI КУТМОҚДА

Россия Марказий банки АҚШ Федерал захира тизими ва Европа марказий банкининг ставкалари кам деганда 2020 йилга бориб ошишини кутмоқда. Бу ҳақда Россия Банкнинг «Пул-кредит сиёсати тўғрисидаги маъруза»сида хабар берилди.

«Россия Банк базавий сценарийда АҚШ ФЗТ базавий ставкасининг прогнозга кўра фақат бир марталик ошишини тахмин қилмоқда, у 2020 йилда бўлиб ўтади. ЕМБ муҳим ставкасининг кўтарилиши эндиликда 2020 йилда тахмин қилинаётир», – дейилади хабарда.

Қайд этилишича, МБ 2019–2020 йиллар остонасида ривожланган мамлакатларнинг марказий банклари пул-кредит сиёсатини янада қатъийлаштиришидан келиб чиқмоқда, бинобарин, бозор иштирокчиларининг умидларига таъсир



кўрсатган АҚШ ФЗТ ва ЕМБнинг охириги коммуникацияларини ҳамда дунё иқтисодиётининг ўрта муддатли истиқболлари ёмонлашуви ва ривожланган давлатларда инфляция босими пайсайданлигини ҳисобга олиб, 2019–2021 йилларда АҚШ ва евроҳудудда ставкалар кўтарилишига сабаб бўлган омиллар қайта кўриб чиқилди.

## APPLE ЎЗИНИНГ APPLE CARD ТЎЛОВ СЕРВИСИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ

Apple корпорацияси душанба куни ўзининг Apple Card тўлов сервисини намоиш этди. Тақдимот тадбири Купертинодаги (Калифорния штати) Apple Park («Эппл парк») кампуси ҳудудида жойлашган Стив Жобс театрида бўлиб ўтди, у компаниянинг сайтида намоиш этилмоқда.

Apple виртуал картасини ўз ичига олувчи сервис фойдаланувчига реал вақтдаги харажатлари бўйича статистикани тақдим этади, шунингдек, сарф-харажатларни тоифалар бўйича ажратади. Қайд этилишича, ҳар бир харид учун виртуал картага кундалик харажатларнинг 3% миқдорида кешбэк ҳисоблаб ёзилади.

Сўнги йилларда Apple компанияси тушумларининг тахминан учдан икки қисми iPhone




смартфонларини сотиш ҳиссасига тўғри келадиган эди. Компания вакиллари олдинроқ мазкур маҳсулотга қарамликни камайтириш зарурлигини бир неча марта арз қилганлар. Хусусан, Тим Кук фойдани турли хил сервислар ҳисобига оширишни мўлжаллаётганини қайта-қайта айтган.

## МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЛИМПИАДАЛАР РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТИ ЎСИШИГА ЁРДАМ БЕРАДИ

Мактаб ўқувчилари орасида молиявий саводхонлик бўйича олимпиадаларни ўтказиш Россия иқтисодиётининг ўсишига ёрдам беради, сабаби, бу шахсий маблағлардан оқилона фойдаланиш ва омилкорлик билан инвестициялар кириштига ўргатади. Россия Банки учун бу устувор йўналишлардан бири ҳисобланади, дея хабар берди жума куни РФ МБ раҳбари Эльвира Набиуллина Молиявий саводхонлик, молиявий бозор ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича XIV Бутунроссия олимпиадаси ғолиб ва совриндорлари билан учрашувда.

«Умид қиламизки, олимпиадада иштирок этиш ва умуман молия масалаларига қизиқиш ҳаётда сармояни тўғри тасаруф этишга ўргатади, бу молиявий бозордан нафақат сиз-

га фойда олиш, балки иқтисодиётга ҳам фойда келтиришга ёрдам беради. Чунки сиз омонат қилиб сақлайдиган, фонд бозори орқали инвестиция



қиладиган пуллар – бу корхоналарнинг захиравий ривожланиши демак, бу бизнинг иқтисодиётимиз ўсиши учун ҳам ўта муҳимдир», – таъкидлади Набиуллина.

Унинг фикрига кўра, молиявий саводхонликни ошириш

Россия Банки учун устувор вазифалардан ҳисобланади. Олий маълумотга эга бўлиб, банк секторида хизмат қилишни хоҳловчи ўқувчилар ўз касбларининг муҳимлигини тушуниб етишлари лозим.

Юқори синф ўқувчилари учун молиявий саводхонлик бўйича Бутунроссия олимпиадаси 2004 йилдан ўтказиб келинади, бу вақт оралиғида 75 мингдан ортиқ киши иштирок этди. 2019 йилда олимпиадада бутун Россия бўйича 47 минг нафар мактаб ўқувчиси қатнашди. 28 нафар ўқувчи финал босқичининг ғолиби деб топилди, 65 нафари совриндор бўлди. Россия Банки иштирокида ишлаб чиқилган бу йилги топшириқлар молиявий саводхонлик бўйича тестлар, ижодий эссе, ёзма иш ва блиц-ўйинни ўз ичига олган.

*Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.*




# SANOAT QURILISH BANK



Барча юртдошларимизни,  
мижозларини  
яшариш ва янгиланиш  
фасли –  
**НАВРЎЗИ АЙЁМ**  
**муносабати билан самимий**  
**муборакбод этади.**

Перенеси банк в свой телефон!



Управление  
пластиковыми  
картами



Онлайн-услуги  
банка: вклады,  
конверсия...





Оплата более  
300 услуг



Информация:  
курсы валют,  
мониторинг платежей,  
Push-уведомления



Скачай  
AloqaMobile



## Выгодные вклады Алокабанка

### Вклад «Active»

Вклад, предлагающийся с высокими процентами и рядом преимуществ.

ПРЕИМУЩЕСТВА ВКЛАДА:



Высокие  
проценты;



Возможность досрочного закрытия,  
сохраняя выгодные проценты;



Возможность пополнения  
в любое время;



Возможность пополнения с карт  
других банков.

УСЛОВИЯ:

- Проценты – 19% или 20% годовых;
- Срок – 13 месяцев или 25 месяцев;
- Минимальная сумма – 1 млн. или 5 млн. сум.

### Вклад «Online Sarmoya»

Вклад, позволяющий получить высокий доход за временно свободные денежные средства.

ПРЕИМУЩЕСТВА ВКЛАДА:



Онлайн  
оформление вклада;



Возможность использования  
средств в любое время;



Возможность пополнения  
вклада;



Проценты начисляются  
на балансовый остаток.

УСЛОВИЯ:

- Проценты – 19% годовых;
- Срок – 3 года;
- Минимальная сумма – 100 тыс. сум.

42632c



# КАРТОЙ ПЛАТИ И В ОТПУСК ЛЕТИ



Совершайте покупки кобренд картой **VISA** и за каждую покупку получайте мили. Копите мили и обменивайте их на полеты в любую страну. Можно также повысить класс уже купленного рейса с помощью миль. Получите в подарок **1000** миль и страховку. Привилегированная кобренд карта дает владельцу скидки от **5 до 20%** на услуги партнеров программы **VISA**.



[uznbu](#) [nbu\\_official](#) [@nbu.official](#) [www.nbu.uz](#) **78 148 00 10**

Услуги лицензированы